

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIIY KONFERENSIYA


# YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

# 2023

DAVRIYLIGI:  
2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF ETILGAN MOBIL TELEFON



*Marat Muxommedov (1973)*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORJIY OLIY TA'LIM MUJASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ  
WWW.CONFERENCES.UZ



NOYABR  
№58

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:  
ИННОВАЦИЯ, ФАН  
ВА ТАЪЛИМ  
2-ҚИСМ**

---

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:  
ИННОВАЦИИ, НАУКА  
И ОБРАЗОВАНИЕ  
ЧАСТЬ-2**

---

**NEW UZBEKISTAN:  
INNOVATION, SCIENCE  
AND EDUCATION  
PART-2**

**ТОШКЕНТ-2023**

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 58-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 105 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

**3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -**

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни -**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**5. Давлат бошқаруви -**

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6. Журналистика -**

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

**7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8. Адабиёт-**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9. Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни -**

Phd Воҳидова Меҳри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -**

Турсунназарова Эльвира Таҳировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11. Жисмоний тарбия ва спорт-**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)



### 13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### 14. Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### 15. Мусиқа ва ҳаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### 16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### 17. Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### 18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### 19. Фармацевтика -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудир

### 20. Ветеринария -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудир

### 21. Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

### 22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

### 23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

### 24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

### 25. География-

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000



## ХУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА КОРПОРАТИВ ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР, КОРПОРАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЮРИДИК АҲАМИЯТИ

Эшимбетова Дармон Уразбаевна  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши  
хузуридаги Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси  
эл.почта: darmonalawyer@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар”, “корпорация” тушунчалари юзасидан кўплаб ҳуқуқшунос олимлар томонидан илгари сурилган илмий қарашлар, моддий ва процессуал қонунчилик нормалари қиёсий, назарий ва амалий таҳлил қилинган ҳолда соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, суд амалиётини бир хиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган. Корпоратив низоларни ҳал қилишда мазкур тушунчаларнинг юридик аҳамияти ва қонунчиликда мустақамлаш зарурати асосланганлиги, “корпоратив муносабатлар”, “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар”, “корпорация” тушунчаларига муаллифлик таърифлар ишлаб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Корпоратив муносабатлар, ички ва ташқи корпоратив муносабатлар, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар, корпорация, корпоратив юридик шахс, корпоратив ташкилот, улуш, пай, аъзолик, корпоратив низолар, иқтисодий суд ишларини юритиш.

Мамлакатимизда иқтисодий процессуал ҳуқуқи фани ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожининг ҳозирги босқичида корпоратив ҳуқуқий муносабатлар, корпорация тушунчаси ва моҳияти юзасидан назариётчи олимлар ва амалиётчилар орасида турли хил қарашлар, илмий баҳс-мунозаралар тобора ортиб бормоқда.

“Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар атамаси юридик адабиётларда, илмий ишланмаларда баъзан “корпоратив муносабатлар” [1], баъзан эса “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” [2] деб аталиб, синонимлар сифатида қўлланилади. Шу сабабли, мазкур тадқиқот ишида ҳам бу жиҳатлар инобатга олинган.

Бироқ, О.В.Жевняк, Е.Г.Шаблова, Е.А.Рыжковская, П.Г.Тиховскаялар фикрича, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган корпоратив муносабатлар – корпоратив ҳуқуқий муносабатларга айланади[3].

Дарҳақиқат, Х.Т.Одилқориевга кўра ҳам “Ҳуқуқий муносабат - ҳуқуқий нормаларнинг кишилар хатти-ҳаракати, хулқ-атворида таъсир этиши оқибатида вужудга келадиган, давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир” [4].

Демак, юқорида келтирилганлар олимлар фикрларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, “корпоратив муносабатлар” ва “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” ўз моҳиятига кўра бир хил маънони англатмайди. Корпоратив муносабатлар – бу корпорация иштирокчилари ва учинчи шахслар ўртасида юзага келган, бироқ ҳали қонуний тарзда ҳуқуқий тус берилмаган муносабатлар бўлса, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар эса – бу ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган корпоратив муносабатлардир.

Хориж ва миллий назариётчи олимлар ҳамда амалиётчилар томонидан “корпоратив муносабатлар” тушунчасига турлича изоҳ берилган.

Масалан, Н.Н.Пахомованинг фикрича “корпоратив муносабатлар ўз хусусиятига кўра ашёвий-ҳуқуқий муносабатлар жумласига мансуб муносабатлардир” [5].



Е.И.Суханов[6], В.В.Долинская[7]лар эса корпоратив муносабатларни - мажбурият муносабатларининг бир тури деб ҳисоблайди.

Фикримизча, корпоратив муносабатларда қисман ашёвий-ҳуқуқий муносабатлар ва қисман мажбурият муносабатлари элементлари ҳам мавжуд. Бироқ бу белгилар корпоратив муносабатларининг айрим жиҳатларинигина тавсифлаб, умумий йиғилишда иштирок, корпорацияни бошқариш, назорат, юқори органларини сайлаш, тайинлашда иштирок билан боғлиқ бошқа муносабатларни қамраб ололмайди.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикри билан айтганда, “Ашёвий ҳуқуқлар мулк эгалланишини, мансублигини тавсифлаб берувчи иқтисодий муносабатларни, яъни мувозанат муносабатларни, мажбурият ҳуқуқлари эса бир шахсдан иккинчи шахсга товар ҳаракати, мол-мулк ўтиши жараёнини, яъни динамик муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қиладилар[8]. Демак, бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, корпоратив муносабатларни ашёвий-ҳуқуқий ёки мажбурият муносабатларининг бир тури деб таърифлаб бўлмайди.

Бошқа олимлар, корпоратив муносабатларни “ички корпорация муносабатлари” сифатида таърифлайди, масалан П.В. Степановга кўра, корпоратив ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни сифатида ҳар доим корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятлар чиқади. Шу сабабли корпоратив муносабатлар – бу корпорациянинг корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган ички муносабатлардир[9]. А.А.Данельян ҳам бу муносабатларни “корпоратив ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришга қаратилган шундай ички муносабатларки, улар корпорация таъсисчилари (иштирокчилари)нинг корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришга қаратилган муносабатлардир”[10], деб таърифлайди.

Бир қарашда мазкур фикрлар асослига ўхшаб кўринади, чунки корпоратив муносабатларнинг вужудга келиши учун бирламчи асос - бу илмий адабиётларда эътироф этилгани каби, корпоратив ташкилот, яъни корпорациянинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳисобланиб[11], шу сабабли аввало, бу ташкилот ичидаги муносабатлар сифатида кўзга ташланади.

Бироқ бошқа жиҳатдан бу қараш мунозарали бўлиб, фикримизча корпоратив муносабатларни фақат корпорация ичида вужудга келадиган ички муносабатлардангина иборат деб қараш, мазкур муносабатларни “тор доира”, яъни фақат корпорациянинг ичида содир бўладиган муносабатлар сифатидаги тушунча тарзида шакллантириб, унинг кенг қамровлилиги, яъни “ташқи доира”да ҳам мавжудлигини шубҳа остига қўяди. Бу эса, корпорациядан ташқарида, бироқ унга боғлиқ ҳолда юзага келадиган, корпорация ва корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бўлган бошқа муносабатларни, масалан қимматли қоғозлар эмиссияси, депозитарийлар билан боғлиқ муносабатларни корпоратив муносабатлар сифатида қарашни инкор этадигандек тушунча ҳосил қилади.

Н.В.Козлованинг фикрича эса, “Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар қисман корпорация ичида ва қисман корпорация ташқарисида вужудга келадиган аралаш ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади”[12]. Бироқ олима, бу муносабатларни мулкий муносабатлар деб қарайди[13].

Мазкур фикрлар корпоратив муносабатларнинг нафақат корпорациянинг ички, балки ташқи муносабатларидан ҳам иборатлигини эътироф этиши билан аҳамиятли бўлсада, бироқ фақат мулкий муносабатлар сифатида қаралиши эса юқорида изоҳланганидек, бу муносабатларнинг моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди.

Т.В.Кашанинанинг фикрича, корпоратив муносабатлар – бу мулкдорлар, менежерлар, ёлланма ишчиларни бирлаштирган ягона ва бир бутун ташкилот бўлган корпорациянинг ичидаги турли хил ички корпорация (фирма) муносабатлари[14]дир, шу билан бирга “уларнинг энг муҳими корпорация ихтиёридаги капитални бошқариш муносабатларидир”[15].

Фикримизча, Т.В.Кашанина юқорида келтирилган олимлардан фарқли, бу муносабатларда бошқарув элементлари мавжудлигини эътироф этганлиги билан корпоратив



муносабатлар хусусиятига анча яқин келган. Бироқ унинг бу муносабатларни фақат корпорациянинг ички муносабатлари сифатида қараши эса, баҳслидир.

Шу билан бирга, мазкур олимлар қарашлариданинг корпоратив муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий, бошқарув элементларини ҳам ўз ичига олганлигини эътироф этганлигини аҳамиятли деб ҳисоблаймиз.

Келтирилганларга кўра, айтиш мумкинки корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ўз табиатига кўра, бир томондан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, бошқа томондан оммавий-ҳуқуқий муносабатлар элементларини ўзида мужассамлаштирган ва корпорацияга бевосита боғлиқ бўлган, корпорациянинг ички ва ташқи муносабатларидан иборатдир.

Корпоратив муносабатлар тушунчаси ва моҳияти тўғрисида фикр юритилар экан, бу муносабатларнинг турларини таснифлаш ҳам муҳим бўлиб, бу ҳақда олимлар фикрлари асосан ўхшаш ва бир-бирини тўлдиради, дейиш мумкин.

Е.В. Афанасьеванинг фикрига кўра, корпоратив муносабатлар вужудга келиш доираси ва унда иштирок этувчилар таркибига кўра ички ва ташқи корпоратив муносабатлар турларига бўлинади. Ички корпоратив муносабатлар – бу корпорация ичидаги, яъни акционер билан акционер, акционер билан жамият бошқарув органлари, ишчилар билан жамият бошқарув органлари ва ҳ.к. муносабатлар бўлса, ташқи муносабатлар – бу корпорациянинг бошқа ташкилотлар, кредиторлар, депозитарийлар билан муносабатларидир[16].

Бу фикрни яна бир қанча олимлар, жумладан В.В.Долинская, Ю.С.Поваров, М.А.Рожковалар ҳам маъқуллайдилар[17].

М.Н.Саидов фикрига кўра ҳам, корпоратив муносабатлар содир этиладиган жойига кўра, ички ва ташқи корпоратив муносабатларга бўлинади. Агар муносабатлар корпорациянинг ичкарасида содир бўлса, бундай муносабатлар - ички корпоратив муносабатлар, агар корпорациянинг ташқарисида содир этилган бўлса, улар - ташқи корпоратив муносабатлар дейилади[18].

“Корпорация” тушунчаси юзасидан ҳам хорижий ва миллий олимлар томонидан фикрлар билдирилган. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, илмий адабиётларда “корпорация”[19], “корпоратив ташкилот”[20], “корпоратив жамият”[21], “корпоратив турдаги ташкилот”[22] корпоратив юридик шахс[23] атамалари синонимлар тарзида қўлланилиб, бир хил маънони англатади.

““Корпорация” термини латин тилидаги “*corpus habere*” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, Рим империяси юристлари томонидан юридик шахс ҳуқуқлари тушунчасида ишлатилган. Кейинчалик IV аср охири ва V аср бошларида Рим империясида иттифок аъзоларини ифодалаш учун «*corporatio*» сўзлари ишлатила бошланган”[24].

“Дунё ҳуқуқий тизимларида корпорация тушунчасининг моҳияти юзасидан ягона қараш мавжуд эмас. Ҳар бир ҳуқуқий тизим ўз тараққиётининг миллий-тарихий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ёндашувни ишлаб чиқади. Англо-саксон ҳуқуқи фақат хўжалик юритувчи субъектларни (ҳар хил турдаги *limited company*ларни) корпорация сифатида қабул қилади. Романо-герман ҳуқуқи иштирокчиларининг аъзолигига асосланган барча юридик шахсларни корпорация деб ҳисоблайди. Россия қонунчилиги корпорация таърифига континентал (яъни кенгроқ) ёндашув билан тавсифланади”[25].

Юқорида келтирилган фикрларни қувватлаган ҳолда, корпорациянинг асосий белгиларидан бири – бу унинг аъзо (иштирокчи)ликка асосланган ташкилот эканлигидир, деган хулосага келиш мумкин.

Шундай экан, корпорациянинг бу белгисини миллий қонунчилик асосида таҳлил этиш орқали давом эттирсак.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонуни 7-моддасининг биринчи қисмига асосан “Юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўладилар” [26].

Демак, корпорациянинг биринчи белгиси, унинг аъзолик (иштирокчилик)ка асосланган ташкилий бирлик эканлигидир, бу шуни англатадики, ташкилий-ҳуқуқий



жиҳатдан ҳар қандай юридик шахс эмас, балки фақат аъзолик (иштирокчилик)ка асосланган юридик шахсларгина корпорация бўлиши мумкин.

Корпорациянинг муҳим белгиларидан яна бири – бу ташкилотнинг юридик шахс эканлигидир. Бу жиҳат кўплаб олимлар қарашларида эътироф этилади.

Бинобарин, «Корпорация – бу маълум ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун мулк(ихтиёрий улуш)ларни бирлаштириш ва мулкнинг бошқарувдан ажратилишига асосланган, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда юридик шахс мақомини олган тижоратчи ташилоти»[27].

Корпорация – бу таъсисчилари (иштирокчилари) иштирок (аъзолик) ҳуқуқига эга бўлган ва қонунга мувофиқ корпорация уставида белгиланган олий органи (иштирокчилар умумий йиғилиши, съезд, конференция ёки бошқа вакиллик (коллегиал) органи)ни шакллантирувчи юридик шахсдир[28].

Корпорация ҳақидаги қарашлардаги яна бир муҳим жиҳат, корпорация мулкнинг унинг аъзо (иштирокчи)ларининг улуш (пай), хиссаларидан ташкил топишидир.

“Корпорацияни нокорпоратив ташкилотдан фарқловчи асосий мезонлар – бу аъзолик тамойили ва корпорация мулкнинг иштирокчи (таъсисчи)лар мулки ҳисобидан шакллантирилишидир” [29].

Корпорациянинг асосий белгиларидан яна бири – корпорация фаолияти унинг иштирокчиларининг умумий эрк-иродасини уйғунлаштириш асосида бошқарилишидир. Масалан, жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарорларининг иштирокчиларнинг овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинишидир.

Хусусан, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов фикрига кўра бундай тузилма таркибидаги аъзоларнинг эрки гуруҳий манфаатлар томонидан аниқланади[30].

Википедияда ҳам корпорацияга: “корпорация (лотинча. corporis - тана) - улушли мулкка ҳамда мулкдор ва бошқарув функцияларининг алоҳидалигига асосланган тадбиркорлик ташкилоти” [30], деб таъриф берилган.

Бу таъриф корпорациянинг биринчидан, улушли мулкка асосланганлигини ва иккинчидан, корпорация мулкдорлари томонидан унинг бошқарув органлари тузилиши ҳамда бошқарув функциялари мулкдорлар ваколатидан бу органларга ўтказилишини ифодалайди.

Фикримизча, юқорида келтирилган олимларнинг фикрлари ва илмий адабиётларда баён этилган қарашларни маъқуллаган ҳолда, яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, корпорация бошқаруви коллегал орган томонидан амалга оширилади, яъни масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг олий бошқарув органи бўлган иштирокчиларнинг умумий йиғилишини бу жамиятнинг олий коллегиал бошқарув органи ҳисобланади.

Корпорация ҳақидаги илмий қарашларда унинг яна бир муҳим белгиси тижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот эканлиги келтирилади.

Жумладан, С.Д.Могилевский, И.А. Самойловлар фикрича корпорация – бу ўз фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдан иборат тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсдир[31].

Демак, корпорациянинг алоҳида белгиларидан яна бири, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот эканлигидир. Бундай ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари жумласига, масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари, матлубот жамиятларини киритиш мумкин.

Фикримизча, юқорида илмий қарашлари баён этилган олимларнинг келтирган таърифларида ҳам айрим масалалар баён қилинмаган.

Масалан, булардан бири корпорациянинг таъсисчи(иштирокчи)лари сони камида икки нафардан иборат бўлиши лозимлигидир.

Бу ҳақда М.Н.Саидовнинг фикрига кўра, ташкилот корпорация ҳисобланиши учун у икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар) томонидан ташкил этилган, яъни муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги мавжуд бўлиши керак[32].





Мазкур фикрларни қувватлаган ҳолда, яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, қонунчиликда ягона шахс томонидан ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий фирмалар ва шу каби юридик шахслар ҳам назарда тутилган бўлиб, мазкур ташкилотларни уларда ягона шахс иштирок этганлиги ва шу билан бирга коллегиял олий бошқарув органлари мавжуд эмаслиги сабабли корпорация жумласига киритиб бўлмайди.

Келтириб ўтилган таҳлиллар асосида корпорация тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи таклиф этилади: “Корпорация – бу икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан ташкил этилган, устав фонди таъсисчи (иштирокчи)ларининг улуш (пай)ларидан ташкил топган, таъсисчи (иштирокчи)лари томонидан қонунчиликка мувофиқ ўз уставида белгиланган тартибда коллегиял олий бошқарув органи шакллантириладиган, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган корпоратив ташкилотдир”.

Хулоса сифатида шуни келтириш мумкинки, фикримизча “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар”, “корпорация” тушунчаларини қонунчиликда мустақамлаш иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларга оид ишларини юритишда ижобий таъсир кўрсатади.

Бинобарин, иқтисодий суд судьялари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, “ФКга “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар”, “корпорация” ҳақидаги нормаларнинг киритилиши корпоратив низоларни судда кўришда ишларнинг судга тааллуқлилигини ва ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашга хизмат қилади”, деган фикрни респондентларнинг 56 фоизи, “ФКга “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар”, “корпорация” ҳақидаги нормаларнинг киритилиши иқтисодий суд ишларини юритишга ижобий таъсир этади”, деган фикрни респондентларнинг 73 фоизи маъқуллашган[33].

Бундан ташқари, корпорацияга оид таҳлилларга кўра, яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш зарур бўлиб, бу корпоратив низоларнинг ИПКда мантиқий жиҳатдан тўғри номланиши масаласидир.

Бинобарин, айрим корпоратив низолар ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида:“1) юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар”; учинчи бандида:“3) юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар”; олтинчи бандида:“6) юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар”; еттинчи бандида:“7) юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар” деб номланган.

Бироқ фикримизча мазкур таърифлардаги “юридик шахс” атамаси “корпоратив ташкилот” ёки “корпоратив юридик шахс (корпорация)” тушунчаси билан бир хил маънони англатмаслиги сабабли баҳсли ҳисобланади, чунки бу атама ўз мазмунига кўра мазкур туркум низолар нафақат корпоратив юридик шахсларга, балки барча юридик шахсларга тегишли деган тасаввурни пайдо қилиб, бу тушунчалар маънолари ва қўлланилишида зиддиятни келтириб чиқаради.

Келтирилганларга асосан юридик ҳуқуқий атамаларнинг қонунчиликда тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида ИПК 30-моддаси матнидаги “юридик шахс” сўзларини “корпоратив юридик шахс (корпорация)” сўзлари билан алмаштиришни таклиф қиламиз.

Юқорида келтирилганлардан хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мазкур мақолада илгари сурилган таклифларнинг қонунчиликка киритилиши иқтисодий суд ишларини юритишни такомиллаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини юксалтиришни таъминлашга хизмат қилган бўларди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Белов В.А. Корпоративное право. Актуальные проблемы теории и практики.
2. Афанасьева Е.Г. Корпоративное право. Учебный курс. С-16.



3. Корпоративное право : учеб. пособие / [О.В.Жевняк, Е.Г.Шаблова, Е.А.Рыжковская, П.Г.Тиховская; под общ. ред. Е.Г.Шабловой] ; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. – Екатеринбург:Изд-во Урал. ун-та, 2019. с.12.
4. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Тошкент,2018.-295-бет.
5. Пахомова Н.Н. Цивилистическая теория корпоративных отношений. Екатеринбург: Изд-во "Налоги и финансовое право", 2005.
6. Гражданское право. Учебник под ред. Е.А. Суханова, Т.1. М. 2003, с.30
7. Долинская В.В. Акционерное право: Учебник / Отв. ред. А.Ю. Кабалкин. М.: Юрид. лит., 1997. С. 12.
8. Ҳ.Р.Раҳмонқулов.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ.1-жилд. ю.ф.д. проф.О.Оқюлов таҳрири остида. 2010. 400-б.<https://www.osce.org/files/f/documents/8/7/74875.pdf>
9. Степанов П.В. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 1999.
10. Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2006. С-8.
11. Корпоративное право. Учебник. Под ред. Д.ю.н. И.С.Щиткиной. стр-15.
12. Козлова Н.В. Понятие и сущность юридического лица. Очерк истории и теории. М., 2003. С. 213.
13. Козлова Н.В. Правосубъектность юридического лица: Учебник. М., 2005. С. 158.
14. Кашанина Т.В.. Корпоративное право: Учебник. М., 2006. С. 67.
15. Кашанина Т.В.. Корпоративное право: Учебник. М., 2006. С. 49,
16. Афанасьева Е.В. Корпоративное право. Учебный курс. Москва-2017.стр.19.
17. Афанасьева Е.В. Корпоративное право. Учебный курс. Москва-2017.стр.20.
18. М.Н.Саидов. Корпоратив низолар:тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришининг ўзига хос жиҳатлари. Амалий қўлланма -Тошкент, 2019. Б-25,26.
19. Суханов Е.А.Сравнительное корпоративное право. Москва-2014.
20. Корпоратив ҳуқуқ фани бўйича маърузалар матни.Тузувчи ю.ф.н. Ш.С.Шамшетов.Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети.Нукус-2009/2010.
21. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2007. 10 б. [https://drive.google.com/file/d/1raKO1NB9eMqxXVb6UKzcbzsv\\_tKxrvf/view](https://drive.google.com/file/d/1raKO1NB9eMqxXVb6UKzcbzsv_tKxrvf/view)
22. Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2006.
23. Щиткина И. С., ВЕСТН. МОСК. УН-ТА. СЕР. 11. ПРАВО. 2017. № 4, С-3.
24. Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2006. С-13.
25. Корпоративное право: учеб. пособие / [О.В.Жевняк, Е.Г.Шаблова, Е.А.Рыжковская, П.Г.Тиховская; под общ. ред. Е.Г.Шабловой] ; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. – Екатеринбург:Изд-во Урал. ун-та, 2019. с.9.
26. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонуни. <https://lex.uz/docs/22525>
27. Корпоративное право: Учебник для юридических вузов / Под ред. В.В. Гущина, Ю.О. Порошкина, Е.Б. Сердюк. М.: Эксмо, 2006. С-147.
28. Щиткина И.С.. Корпоративное право в таблицах и схемах. Учебно-методическое пособие. С-5.
29. Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2006. С-8.
30. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик.–Т.: ТДЮИ, 2006. 9 б. [https://drive.google.com/file/d/1raKO1NB9eMqxXVb6UKzcbzsv\\_tKxrvf/view](https://drive.google.com/file/d/1raKO1NB9eMqxXVb6UKzcbzsv_tKxrvf/view)



30. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D1%80%D0%BF%D0%BE%D1%80%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F>
31. Могилевский С.Д., Самойлов И.А. Корпорации в России - Правовой статус и основы деятельности - учеб. пособие. - Дело, 2006 г. С-21.
32. Саидов М. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. - Тошкент, 2019. 15-бет.
33. Корпоратив низоларни судда кўриш тартибини такомиллаштириш бўйича иқтисодий суд судьялари ўртасида 2023 йилнинг 10-12 август кунлари ўтказилган сўровнома.

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Муротов Нуриддин Намозович,  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг мазмун-моҳияти ҳақида турлича ёндашувлар шаклланган. Мазкур мақолада муаллиф ушбу принципнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** тадбиркорлик фаолияти, принцип, эркинлик, давлат кафолати.

Т. В. Казанина ва Р. В. Шагиева ҳақли равишда таъкидлаганидек, давлат томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилиши ҳукумат томонидан ҳар қуни амалга ошириши керак бўлган ижтимоий вазифалар мажмуини ҳал қилишга қаратилган [1]. Бунда ушбу ҳодисанинг ижтимоий аҳамияти уни тан олиш билан бирга муайян кафолатлар ва ҳимоя чоралари таъминланишини тақозо этади.

Шунингдек, “тадбиркорлик ҳуқуқи принципларининг аксарияти иқтисодий ривожланиш принциплари билан тизимли ўзаро боғланган ва амалга оширишнинг ўзига хос мезонларига эга” деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Булар, энг аввало, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, товарларнинг эркин ҳаракатланиши каби принциплардир. Эркинлик конституциявий тузум асосларининг сақланиши ва мустаҳкамлигини ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлган жойда тугайди”[2].

Зарар етказишга йўл қўймаслик, бошқа шахсларнинг манфаатларини бузишга йўл қўймаслик тўғрисидаги принципнинг қарама-қарши талаби рухсат беришнинг тамомила аксидир, ушбу фаолиятни чегараловчи, чегараларини белгиловчи ролини ўйнайди. Ушбу принципни амалга ошириш тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Биринчи навбатда, ЎзР Фуқаролик кодексида бошқа шахсга зарар етказишга йўл қўйилмаслиги, юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг чегараси сифатида бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш тақиқланиши тўғрисида белгилаб қўйилганлиги ушбу принципларни шакллантиришнинг норматив асосини ташкил этади (ЎзР ФК 9-моддаси). Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш принциплари тизимини уларни бажарадиган функциясига қараб икки асосий гуруҳга бўлиш нуқтаи назаридан ўрганиш керак.

Таклиф этилаётган принципларнинг хусусиятларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-13-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш, энг аввало, фуқаролик ҳуқуқий лаёқати тушунчаси орқали амалга оширилади, бу кичик тадбиркорлик субъекти, яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олиш ёки тижорат ташкилотини таъсис этишда иштирок этиш имкониятини, ўз фаолиятининг мулкий базасини шакллантиришнинг



объектив заруратини (14-модда), тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқлар давлат кафолатларини беришни англатади (18-34-моддалар) [3].

Ҳуқуқий лаёқатнинг элементлари бўлган бу ҳаракатлар потенциал ҳуқуқлар ёки бошқача айтганда, эркинликлар сифатида ажралиб туради, бу эса мустақил принциплар сифатида жуда муҳимдир. Анъанага кўра тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва шартнома эркинлиги ажратилади, лекин адабиётларда ушбу принципларга қўшимча равишда бизнес ташкилотини яратиш эркинлиги принципи кабилар таклиф этилади [4].

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги принципи умумийдир, мазмунига кўра торроқ бўлган, лекин тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда муҳим бўлган бу ва бошқа принципларни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, ЎзР Фуқаролик кодексининг 1-моддасида назарда тутилган фуқаролик қонунчилигининг асосий принциплари, шубҳасиз, тадбиркорлик фаолияти соҳасига нисбатан ҳам уни амалга ошириш нуқтаи назаридан намоён бўлади.

Адабиётларда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ҳақида уни тартибга солиш асослари нуқтаи назаридан сўз юритилиши одатий ҳолдир. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, хусусий иқтисодий фаолиятга рухсат бериш орқали эркинлик принципи унинг асосий, конститутив хусусиятларини тан олишни ўз ичига олади, улар орасида фаолият эркинлиги, эҳтимол, тадбиркорлик фаолиятининг етакчи принципларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодчиларнинг тадбиркорликнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурларини таҳлил қилиб, у эркин иқтисодий хўжалик юритишдир, деб хулосага келиш мумкин, бунга янги ғоялардан фойдаланиш, янги воситалар ва омилларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижодий-изланиш, инновацион функция ҳосилдир. Мамлакатимиз тадқиқотчилари [5] қайд этганидек, ушбу функция тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги даражаси ва бошқарув қарорларини қабул қилиш шартлари билан изоҳланади.

Адабиётларда тадбиркорлик фаолияти мустақиллиги хусусиятларидан бири тадбиркорлик фаолияти жараёнида мустақил қарорлар қабул қилиш имконияти эканлиги қайд этилган. Тадбиркор ўз ҳокимиятидан фойдаланиб ва манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, ўз ҳаракатлари билан қонун билан берилган ҳуқуқларни амалга оширади [6].

Барча келтирилган қоидаларни таҳлил қилиш баъзи хулосаларга олиб келади. Биринчидан, иқтисодий ҳодиса сифатида тадбиркорлик фаолиятининг барча белгилари ҳам унинг қонуний тушунчасида ўз аксини топмайди, иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш мақсадларида уларнинг ҳаммаси ҳам шундай акс эттиришни талаб этмайди. Ва энг муҳими: тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти сифатида ижодкорлик фақат аралашмаслик шароитида, жамоат чекловлари минимал миқдорда бўлганда, яъни умуман фаолият субъектига ҳаракат эркинлиги берилганда намоён бўлиши мумкин.

Моддий жиҳатдан эркинлик ҳақидаги тезис бир вақтнинг ўзида иштирокчилар ҳаракатларининг ташаббускорлиги мустақиллигини ҳам, унинг давлатда таъминланганлик даражасини ҳам бирлаштиради. Демак, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш зарурати ҳақида уни тадбиркорлик фаолияти принциплари асос бўладиган пойдевор сифатида белгилаш нуқтаи назаридан сўз юритиш мумкин.

Маълумки, мақсадлар қўлланилиш предмети ва соҳасига мос келиши ва муқаррар равишда улар томонидан белгиланиши керак. Тадбиркорлик фаолияти принциплари амалга оширилганда қуйидагиларни таъминлайди: иқтисодий маконнинг бирлигини, товарларнинг эркин ҳаракатланишини, тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган товар бозорларида унинг иштирокчиларининг тенглигига, тадбиркорлик фаолиятида жамоат ва хусусий манфаатларнинг оқилона уйғунлигига асосланган рақобатни, бу пировард натижада давлат иқтисодиёти муваффақиятли ривожланишининг асосий хусусияти бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш функцияси доирасида фаолият эркинлиги ҳуқуқи юқорида айтиб ўтилган бир қатор принциплар-кафолатлар, шунингдек, ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тушунчасини ҳам принциплар қаторига киритиш керак, чунки бу постулат миллий қонунчиликда моҳиятан мустаҳкамланган.



Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини давлат томонидан қонунчилик даражасида ҳимоя қилиш (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг IV боби) тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш, давлат иктисодиётини ривожлантиришнинг зарур шартини таъминлаш учун муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бузилган ҳуқуқлар тикланишини таъминлаш (ФК 9-11-моддалари) ва уларни судда ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва суд тартиби тўғрисидаги) қоидаларидан ташқари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда уларга риоя этилиши кафолатларини таъминловчи, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолияти орқали таъминловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг кўплаб қоидалари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган [7].

Тадбиркорлик фаолиятдан зарар етказилишига йўл қўйилмасликни таъминлашга қаратилган принципнинг мазмунини очиб берувчи ҳуқуқий тартибга солиш асосини шакллантирар эканмиз, уни тадбиркорлик фаолияти ва унинг натижалари хавфсизлиги принципи деб белгилаб оламиз.

Ҳуқуқ ва эркинликларни бузмаслик талаби умумий шаклда зарар етказишга ва уни етказиш таҳдидига йўл қўйилмаслик тўғрисидаги умумий ҳуқуқий қоида бўлиб, тадбиркорлик соҳасига нисбатан тадбиркорлик фаолияти ва унинг натижалари хавфсизлиги талаби сифатида белгиланиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти ва унинг натижалари хавфсизлиги тадбиркорлик фаолияти чегараларини белгилаш орқали тадбиркорлик эркинлигини чеклаш орқали таъминланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Казанина Т. В., Шагиева Р. В. Принципы и функции правового регулирования предпринимательской деятельности // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. 2020. № 3 (58). С. 86.

2. Глотов С. А., Алешкова И. А. Принципы предпринимательского права: традиции и инновации // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция. 2020. № 4. С. 114.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2000 йил 25 майдаги ЎРҚ–69-11-сонли Қонуни.

4. Казанина Т. В., Шагиева Р. В. Указ. соч. С. 83.

5. Юлдашев Ш.Г., Захидова Н.К., Ходжаева М.Я. и др. Узбекская модель как стратегия развития национальной экономики. Под ред. К.Х. Абдурахманова – Ташкент. 2016-268 с.

6. Абдурахманов К.Х. Условия функционирования предпринимательских структур и модернизация экономики Республики Узбекистан. Журнал: Научные исследования и разработки. Экономика фирмы. Том 6 №3 2017 г. Рубрика – экономика предпринимательства.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” 2017-йил 28-августдаги ЎРҚ-440-сон Қонуни.



## ОММАВИЙ ВА ХУСУСИЙ ХУҚУҚДА ПРИНЦИПЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Муротов Нуриддин Намозович,  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги кунда оммавий ва хусусий ҳуқуқда принципларнинг намоён бўлиши ўзига хос жиҳатлар билан фарқланади. Мазкур мақолада муаллиф илмий-баҳс мунозара ва қонунчилик таҳлили асосида принципларнинг аҳамиятини очиқ беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** оммавий ҳуқуқ, хусусий ҳуқуқ, принцип, тадбиркорлик фаолияти.

Хусусий ва жамоат манфаатларини уйғунлаштириш принципи ҳуқ-атворнинг хусусий-ҳуқуқий моделига асосланган, бироқ жамоат манфаатларини ҳисобга олишга мажбур бўлган тадбиркорлик фаолияти учун принципиал жиҳатдан муҳимдир. Тадбиркорлик фаолиятида хусусий ва жамоат манфаатларини уйғунлаштириш принципи кўпинча тадбиркорлик ҳуқуқининг асосларидан бири деб аталади ва бу уйғунлик нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам муҳим аҳамиятга эга [1].

“Фуқаролик-ҳуқуқий ва бошқа соҳавий тартибга солишнинг зарур мувозанатини топиш, фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий соҳалар билан тўғри ҳамкорлигини таъминлаш” [2] тадбиркорлик муносабатларида жамоат субъектларининг иштироки тўғрисидаги нормаларни таҳлил қилиш имконини беради.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шахсий ва жамоат манфаатларининг мувозанати ёки уйғунлиги принципи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўғридан-тўғри шакллантирилмаган, бироқ ушбу манфаатларнинг ҳуқуқий таҳлили тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда жамоат ва хусусий ҳуқуқда принциплар намоён бўлишининг даражаси ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Фуқаролик-ҳуқуқий воситалар тармоқлараро ҳуқуқий тартибга солишни қўллашда ҳам хусусий, ҳам жамоат ҳуқуқининг бошқа воситалари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, тармоқлараро ҳуқуқий тартибга солишни жамоат ва хусусий манфаатлар мувозанатига эришиш учун тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда амалга ошириш керак. Зеро “ҳуқуқ ҳаётий (иқтисодий) муносабатларга бевосита эмас, биринчи навбатда манфаатлар орқали таъсир қилади...”

Манфаатлар, ўз навбатида, бундай воситачи ролини бажариши мумкин, чунки улар субъектив ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир”[3].

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида жамоат ва хусусий манфаатлар муносабатлигини таъминлашга, бир томондан, тадбиркорлар манфаатларини амалга ошириш чегараларини, бошқа томондан, давлатнинг уларнинг шахсий ишларига аралашуви чегараларини белгилаш орқали эришилади [4].

Ҳам хусусий, ҳам жамоат манфаатлари ҳуқуқий ҳимоянинг потенциал объектлари ҳисобланади. Муайян манфаатнинг давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоя объекти сифатида тан олинishi ушбу манфаатни қондириш билан боғлиқ юзага келадиган муносабатларни қонунчилик даражасида ҳал қилиш факти билан тасдиқланади, қонунлар давлат томонидан ўрнатилганлиги сабабли оммавий ҳуқуқ принциплари устунликка эга. Манфаат ташувчисига қараб шахсий ва жамоат манфаатларини ажратиш кўрсатиш ҳуқуқни хусусий ва жамоат ҳуқуқига бўлиш билан мос келмайди, чунки жамоат манфаатлари жамоат ва хусусий ҳуқуқ соҳаларида акс эттирилиши ва мустақамлаб қўйилиши мумкин ва фақат ташувчи субъект бўйича фарқланади [5].



Адабиётларда ижтимоий, давлат ва жамоат манфаатларининг нисбати ҳақидаги масала аниқ ҳал этилмаган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, давлат манфаатлари давлат фаолиятида айрим ижтимоий субъектларнинг ижтимоий манфаатларининг синишидир, давлатнинг ўз манфаатлари бўлиши мумкин эмас. Бошқа муаллифлар мустақил давлат манфаатларини ажратиб кўрсатишни мақбул деб ҳисоблайди ва буни улар алоҳида шахслар гуруҳлари, партиялар, жамоалар ва ҳоказоларнинг бир-бири билан тўқнаш келадиган манфаатлари таъсири остида шакллانганлиги билан изоҳлайди [6].

Бироқ биз тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш жамоат ва хусусий манфаатларни мувозанатлаш принципига мувофиқ амалга оширилади, деган таърифга ҳам қўшилаемиз [7].

Хусусий, кўпинча фуқаролик ҳуқуқи нормалари воситасида намоён бўладиган тадбиркорлик фаолияти эркинлиги мутлақ ҳисобланмайди ва жамоат манфаатлари ва тегишли равишда жамоат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Бундай тузатиш зарурати тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш эканлиги билан изоҳланади, яъни ушбу соҳага нисбатан давлатнинг асосий вазифаси хусусий манфаатлар жамоат манфаатлари спектри билан ҳуқуқий тартибга солиш орқали уйғунлик касб этадиган муносабатлар тизимини шакллантиришдан иборат. Бундай “уйғунлик” даражаси умумий неъматлар, жамоат манфаатларининг шахсий манфаатлардан устунлигини тан олиш билан белгиланади [8].

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қонунчилик асосида тартибга солиш зарурати объектив омил ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай тартибга солиш – бу бозор эркинлигига бостириб кириш, танланган тартибга солиш моделига қараб у ёки бу доираларни, катта ёки кичик чекловларни ўрнатишдир. Бундай бостириб кириш давлатнинг иқтисодийга аралашувининг рухсат этилган чегаралари ҳақида мунозарага олиб келиши муқаррар [9].

Бироқ жамоат субъектларининг ваколатларини амалга оширишнинг қўплаб кўринишлари тадбиркорларнинг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ. Бундай чеклаш лицензиялашда бўлгани каби бевосита ёки ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларни субсидиялашда ёки солиққа тортишда бўлгани каби билвосита бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари бўйича муайян чекловлар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги назорат механизмининг ишлаши доирасида, хусусан, жамоат субъектлари томонидан текширишлар ўтказилганда ҳам мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жамоат манфаатлари икки асосий йўналишда намоён бўлади: тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантирувчи қулай рақобат муҳитини яратиш орқали тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш ва жамиятнинг бошқа манфаатларини таъминлаш мақсадида ушбу эркинликни чеклаш [10].

Фикримизча, тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солиш давлатнинг тадбиркорнинг шахсий ишларига етарли асосларсиз аралашмаслиги, тадбиркорнинг шахсий манфаатларига нисбатан давлат чекловларининг мутаносиблиги ва жамоат субъектлари томонидан етказилган зарар ўрнини тўлиқ тўлдириш принциплари асосланиши керак.

Ишбилармонлик муносабатларининг ҳар бир субъекти ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш бўйича мустақил равишда қарор қабул қиладиган шароитларда у тўғри қарор қабул қилиш учун зарур кўникмаларга эга бўлади. Қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий оқилоналигини таъминловчи механизмлар ва шахсий ҳамда жамоат манфаатларини мувозанатлаш принципининг етакчи ролини таъминлаш бундай кўникмаларни эгаллашга қўмаклашувчи рағбатлантирувчи омиллардан бири бўлиши керак, бирор-бир алоҳида субъект (жамоавий ёки яқка тартибда) манфаатлари йўлида жамоат манфаатларини мувозанатлаш принциpidан воз кечмаслик керак, чунки охирги вазият манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши муқаррар.

Қонун чиқарувчи томонидан жорий этилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, уларни қўллаш амалиёти юридик ва ижтимоий асослилик ҳамда мутаносиблик талабларига жавоб бериши, шахсий ва жамоат манфаатлари мувозанатини қўллаб-қувватлаши, иқтисодий



фаолиятни амалга ошириш учун ортиқча тўсиқлар яратмаслиги, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига назорат чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ, шу жумладан ташкилий-молиявий хусусиятга эга бўлган ҳаддан ортиқ вазифаларни юклармаслиги керак.

Хусусий ҳуқуқ марказлаштирилмаган ҳисобланади ва ўз субъектларининг хусусий ташаббусини тўлиқ намоён қилиш имконини беради, бу эса юзага келадиган муносабатларга тасодифийлик ва ноаниқлик хусусиятини беради. Бу ерда ҳар бир субъект ўзининг шахсий манфаатларини кўзлайди. Я.А. Курбатов ҳақли равишда таъкидлаганидек, ўз навбатида, жамоат манфаати бутун аҳоли, бутун жамият манфаати сифатида белгиланади. Давлат қонун чиқарувчи органлар номидан жамоат манфаатларига риоя қилиш ҳар бир шахсий манфаат ташувчиси учун фойдали бўлишини таъминлашга интилиши керак [11].

Жамоат манфаатларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у одатда давлат ёки маълум бир ҳудудда яшовчи фуқароларнинг кўпчилиги манфаатларининг мажмуи бўлиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳолатни яхшилашга қаратилган бўлади [12].

Фикримизча, ижтимоий манфаатлар жамоат манфаатлари бўлиб, бир томондан, уларни қаноатлантирмасдан туриб, шахсий манфаатларни амалга ошириш, иккинчи томондан, ташкилотлар, давлат, ижтимоий қатламлар ва умуман жамиятнинг яхлитлиги, барқарорлиги ва нормал ривожланишини таъминлаш мумкин эмас. Булар – давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ва ҳуқуқий ҳимояланадиган расман тан олинган манфаатлардир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белых В.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в России: монография. – М.: Проспект, 2008. С. 84–89.
2. Яковлев В.Ф. Гражданский кодекс Российской Федерации: развитие общих положений гражданского права / Под ред. Д.А. Медведева // Кодификация российского частного права. М.: Статут, 2008. С. 52.
3. Алексеев С.С. Собрание сочинений: В 10 т.: Курс лекций. М.: Статут, 2010. Т. 3: Проблемы теории права. С. 300.
4. Регулирование деятельности малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография. Томский гос.университет; национальный университет Узбекистана. (Авторы: Х. Абулкосымов, Э. Бегжанов, И. Богомазова, Я. Бондарева, Л. Вдовиченко, М. Владыко, Т. Климова, Н. Муминов, б. Рахманов и др.) (§ 8.2. Роль малого бизнеса и среднего предпринимательства в развитии экономики Узбекистан). Томск. Издательский дом Томского университета. 2020. С – 332.
5. Маслаков А.В. Надзор как процессуальная форма защиты публичного интереса: Дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2009. С. 26.
6. Курбатов А.Я. Сочетание частных и публичных интересов при правовом регулировании предпринимательской деятельности. М.: Центр ЮрИнфоР, 2001. С. 75.
7. Андреева Л.В. Коммерческое (торговое) право: учебник. 3-е изд., перераб. и доп. М.: КНОРУС, 2012. 328 с. // Справочно-правовая система «Консультант Плюс»: [Электронный ресурс] / Компания «Консультант Плюс».
8. Голубничий А.И. Предпринимательская деятельность как объект правового регулирования.: Дисс. к.ю.н. М., 2006. 168 с.
9. Степанов Д.И. Диспозитивность норм договорного права // Вестник ВАС РФ. 2013. № 5. С. 6 – 59.
10. Мамонтов В.А. Правовое обеспечение публичных интересов в сфере предпринимательской деятельности: Автореф. дис... канд. юрид. наук. М., 2012. 24 с.
11. Курбатов Я.А. Предпринимательское право: Проблемы теории и правоприменения. Москва. Юстицинформ. 2022. С. 21-41.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ПФ–150-сонли Фармони.





SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA AMALGA OSHIRGAN MA'NAViy-MADANIY TADBIRLARI VA ULARNING MUSTAMLAKACHILIK MOHIYATI

Mirzayev Akmal Arifjonovich

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrası erkin tadqiqotchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada hozirgi kun nuqtai nazaridan qaraganda, sobiq sovet davlatida amal qilgan «ittifoq mehnat taqsimoti» avval boshidan ishlab chiqaruvchi kuchlarni joylashtirish sohasida chorizmning mustamlakachilik andozasi asos solgan buyuk davlatchilik mantig'iga tayanganligini yaqqol ko'rsatadi deb yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** iqtisodiyotning inqiroz, buyuk davlatchilik, mannoplar, savdogarlar, diniy xizmatchilar, mustamlakachilik, mafkuraviy, siyosiy, madaniy-ma'naviy.

**Kirish.** Hozirgi kun nuqtai nazaridan qaraganda, sobiq sovet davlatida amal qilgan «ittifoq mehnat taqsimoti» avval boshidan ishlab chiqaruvchi kuchlarni joylashtirish sohasida chorizmning mustamlakachilik andozasi asos solgan buyuk davlatchilik mantig'iga tayanganligini yaqqol ko'rsatadi. Bu andoza O'zbekiston xo'jaligi majmuining haddan tashqari ixtisoslashuvini, uning iqtisodiy rivojlanishining bir tomonlama xususiyatini belgilab berdiki, u o'lkaning tabiiy boyliklarini talash va mehnat resurslaridan vaqtincha foydalanish, respublikani tayyor mahsulotni sotish bo'yicha keng ko'lamlı bozor sifatida saqlab turish sohasida markazning imkoniyatlarini oshirishga butunlay bo'ysundirilgan edi.

O'lka xalqlari bilan kommunistik metropoliya o'rtasida iqtisodiy sohadagi mustamlakaviy-imperiyacha munosabatlarning yangi shakli tayanch asoslarini yaratishning belgilovchi omili xususiy mulkni mustabidchasiğa davlat mulkiga aylantirish siyosati, ishlab chiqarish vositalarini keng miqyosda jadallik bilan umumlashtirish bo'ldi. «Ijtimoiy adolat»ni ta'minlash niqobi ostida amalga oshirilgan mazkur harakatlar haqiqatda hukmron markaz tomonidan qattiq nazorat o'rnatishning moddiy muhitini va xalq xo'jaligini boshqarishning mustamlakachilik tizimini shakllantirishga yordam berdi. Oktyabrdan keyingi dastlabki yillarda ko'zga tashlangan boshqa sabablarni ham aytib o'tish muhimdir. Uning yorqin ifodasi lenincha kommunistik rahbariyatning sovet hokimiyatining zo'rlik bilan singdirishda mamlakat iqtisodiy salohiyatidan zo'r berib foydalanishga intilishdan iborat bo'ldi. Xalqning yot socialistik davlatchilikni kuch bilan joriy etishga qarshilik ko'rsatish ortib borishi tufayli bu sabab ayniqsa kuchaydi. Chorizmning avvalgi mustamlakachilik iqtisodiy siyosati oktyabrdan keyingi sharoitda yangi omil bilan to'ldirildi. Bu omil inqilobni «eksport qilish», o'lkaga kommunizmni yoyishning strategik vazifalarini ta'minlash, shu jumladan, Rossiya kommunistik ishtirokining bosh rahnamosi sifatida namoyon bo'layotgan imperiya qurolli kuchlarini resurslar bilan ta'minlash uchun Turkistonning iqtisodiy salohiyatini jalb qilishdan iborat edi.

Qurolli qarshilik niqobi ostida favqulodda iqtisodiy choralar ko'rish bolshevistik rahbarlarga tobora avj olib yalpi norozilik va iqtisodiyotning inqirozga sabab bo'layotgan «harbiy kommunizm» degan tarqoq atamani ishga solishlariga bahona bo'ldi. Keyinchalik «harbiy kommunizm» siyosatining Kreml rahbarlari talabi bilan rasmiy ravishda «vaqtincha chora» sifatida baholanishi, unga «inqilob dushmanlariga qarshi kurash olib borish zarurligi» sabab bo'layotir, deyilishi bejiz emas edi. «Harbiy kommunizm» siyosati quyidagilarni nazarda tutardi: sanoatni keng miqyosda davlat mulkiga aylantirish, unga rahbarlik qilishini sovet davlati qo'lida markazlashtirish (bundan maqsad, sanoat salohiyatini qurol-yarog' va armiyani moddiy ta'minlash uchun mahsulot ishlab chiqarishga safarbar etish edi); g'alla monopoliyasini o'rnatish, xususiy savdoni ta'qiqlash va oziq-ovqat razvyorstkasini qo'llash; «ishlamagan tishlamaydi» degan sinfiy holat asosida majburiy va yalpi mehnat majburiyatini joriy etish. Partiyaning ushbu mustabidlik yo'nalishi Turkiston xalqi hayotiga salbiy ta'sir qildi, mahalliy aholi mustaqil huquqlarga ega emas, o'z manfaatlarini himoya qilishga bo'lgan urinishlar esa «millatchilik» deb baholanib, qatag'ongacha olib kelingan. 1921 yilning bahoriga kelib sovet hokimiyati oldida vayron bo'lgan qishloq xo'jaligini tiklash vazifasi



ko'ndalang bo'lib turdi. Buning asosiy sababi esa dehqonlarning ko'plab ko'tarilishlari bo'ldi. Bu esa siyosatni qaytadan ko'rib chiqish, sanoat bilan qishloq xo'jaligi o'rtasida ta'sirchan iqtisodiy aloqalarni yo'lga qo'yish zaruratini keltirib chiqardi. O'zbekistonda qishloq xo'jaligi respublika milliy daromadining asosiy qismini berganligi, dehqonlar esa aholining 80 foizini tashkil etganligi tufayli sovet hokimiyatining dastlabki yillarida agrar masala markaziy o'rinni egallardi.

Yangi iqtisodiy siyosatdan ko'zlangan maqsad mahsulot ishlab chiqaruvchi yakka dehqonlarning manfaatini oshirish, uning yerga egalik qilishini ta'minlash, imtiyozli soliq olish va bozor iqtisodiyoti, tovar-pul munosabatlariga o'tish edi. Uning asosiy bo'g'inlarini oziq-ovqat razvyorstkasining oziq-ovqat solig'i bilan almashtirilishi, erkin savdo, sanoatda xususiy tashabbuskorlik va tadbirkorlikning joriy qilinishi tashkil etdi. Oziq-ovqat razvyorstkasining soliq bilan almashtirilishi qishloq xo'jalik ishlab chiqarishni ko'paytirishning iqtisodiy rag'batlarini vujudga keltirdi hamda dehqon hosilning qat'iy belgilangan qismini topshirgach, unga o'z mehnati mahsulotini o'zi istaganicha tasarruf etish huquqi berildi. Yangi iqtisodiy siyosat yo'lining o'ziga xos xususiyati tovar-pul munosabatlarining jonlanishi, savdo va ayirboshlashda cheklashlardan ozod bo'lish edi.

Islohotni amaliy jihatdan ro'yobga chiqarishga 1921 yilning bahorida kirishildi. Islohot o'tkazish uchun dastlab Yettisuv, Sirdaryo, Farg'ona viloyatlari olindi. Islohotning birinchi bosqichida asosiy vazifa ko'chirib keltirilgan ruslarning yerlarini tortib olishdan iborat siyosiy «foydali» ishni amalga oshirish bo'ldi. Ko'chirib keltirilganlarning asosiy qismi quloqlar deb e'lon qilindi, ularning o'z manfaatlarini himoya qilishga urinishlari «quloq-mustamlakachiligi unsurlarini qarshilik ko'rsatishi» deb baholandi. Yer-suv islohoti favqulodda tadbirlar shaklida o'tkazildi. Islohotning asosiy vositasi – ma'muriy tazyiq o'tkazishdan iborat bo'ldi. Vaqt o'tishi bilan islohotning strategik vazifalariga muvofiq ko'chirib keltirilgan ruslardan yerlarni musodara qilib olish bilan bir qatorda vaqf yerlarini tortib olish, boylar, mannoplar, savdogarlar, diniy xizmatchilar va qishloq hamda ovullarning «mehnat bilan shug'ullanmaydigan yuqori tabaqalari» degan boshqa vakillari yerlarini kamaytirish yuzasidan jiddiy ishlar qilindi. Bunda «Qo'shchi» ittifoq «agrar hujum»ning zarbdor kuchi bo'lib maydonga chiqdi, bu ittifoq 90 mingdan ortiq qishloq aholisini birlashtirgan bo'lib, uning a'zolari tortib olingan yerlarni birinchi navbatda o'zlariga olishardi. Ular «mehnat bilan shug'ullanmaydigan xo'jaliklar»ni aniqlar, badavlat xo'jaliklarning yer, chorva mollari, mehnat qurollarini hisobga olishar, «yashirib qo'yish»ga urinishlarni fosh etishardi. Umuman olganda, Turkiston Respublikasida «Qo'shchi» ittifoqi yordami bilan «mehnat bilan shug'ullanmaydigan» 8034 ta xo'jalik tugatilgan edi. 1921-1922 yillardagi yer islohoti har xil jarayonlarni keltirib chiqardi. Bir tomondan, u ma'lum ma'noda yer masalasini hal qilishga yordam berdi. Biroq yersizlarni yer bilan ta'minlash sohasida ko'rilgan bu tadbirlar Turkiston xo'jaliklarining, ayniqsa, uning o'zbeklar yashaydigan qismiga nihoyatda kam manfaat keltirdi, chunki ularga berilgan yerlar qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirilgan barcha yerlarning 0,7%ini tashkil etar edi, xolos. Jami bo'lib butun O'zbekiston bo'yicha o'tkazilgan «yer-suv islohoti» natijasida 4801ta xo'jalik quloq xo'jaligi sifatida tugatildi, 23036 ho'jalikning ortiqcha yerlari tortib olindi, yer jamg'armasiga 474393 desyatina yer qo'shildi. Yerlar bilan birga ot-ulov va asbob-uskunalar ham musodara qilingan edi.

Milliy rahbarlarning vatanparvarlik chiqishlari Markazning keskin noroziligiga sabab bo'ldi. Markaz ularga qarshi siyosiy quvg'inni avj oldirdi. Q. Otaboyev va A. Rahimboyevlar «qo'pol xatolari» uchun o'z lavozimlaridan bo'shatildi. Lekin sovet hukumati biroz vaqt o'tgandan so'ng, ularga «o'z xatolarini tuzatish» imkoniyatini berib, rahbarlik lavozimlarida ishlashga ruxsat bergan edi. Biroq milliy rahbarlar o'lkaning taraqqiyotini uning mustaqilligida ko'rdilar va o'z qarashlarida mustahkam turishda davom etdilar. Ko'pgina milliy rahbarlar qatorida Nazir To'raqulov ham qatag'onlik to'lfonidan qutulib qolmadi va 1939 yilda otib tashlandi. Yuqorida aytib o'tilgandek, 20-yillarning boshlarida o'lka partiya-davlat organlarining rahbarlik lavozimlariga milliy kadrlar jalb qilingan edi. Ular orasida taniqli davlat va jamoat arbobi Qayg'usiz Otaboyev (1887-1937) ham bor edi. O'z siyosiy faoliyati davomida K. Otaboyev Markazning ayirmachilik, shovinistik siyosatiga qarshi bir necha bor o'zining dadil fikrlari bilan chiqdi.



Shunday qilib, 1924 yilning oxiri bolshevizmning O'rta Osiyoni milliy-hududiy chegaralash borasidagi siyosati amalga oshirilishi bilan, nihoyasiga yetdi. Bu bolshevizmning asosiy mafkuraviy va siyosiy dushmani bo'lgan turkizmga qarshi kurash manfaatlari taqozosi bilan mohirona o'ylab topilgan harakat edi. Xalqlarni milliy chegaralash g'oyalarini amalga oshirish bolsheviklarning taktik ustamonligi bilan muvaffaqiyatli ro'yobga chiqarildi. Avvalo, bu g'oyaning dastlabki vazifasi hal etildi – turkiylar birligi mafkurasiga va amaliyotiga sezilarli zarba berildi. Milliy tuzilmalar tashkil etilishi, ularga «milliy davlatchilik» maqomi berilishi bilan Markaz mintaqa Xalqlarining diqqatini tashqi dushmandan (ular uchun tashqi dushman Markazning o'zi edi) ichki muammolarga yo'naltirishga muvaffaq bo'ldi. Lekin bu eng asosiysi bo'lib, bolsheviklar bu harakat bilan o'zlarining strategik niyatlarida ham muhim yutuqlarni qo'lga kiritdilar.

### **Foydanilgan adabiyotlar ro'yxati.**

1. Solmonov Axmadjon. O'zbekistonda sovet hokimiyatining diniy siyosati: uydirma va tarix haqiqati (Matn) : monografiya A.Solmonov. – Toshkent. Tafakkur, 2015.
2. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 jildli. Beshinchi jild. T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2008.
3. Qozoqov E., Xudoyberdiev T. Chaman ichinda bir gul (Forish tumani tarixi va bugungi hayotidan lavhalar). T.: "Sharq", 2020.
4. Rajabov Q., Xaydarov M. Turkiston tarixi (1917-1924 y.). –Toshkent. Universitet, 2002.
5. O'zbekiston Kommunistik partiyasi syezdlarining rezolyusiya va qarorlari. 1-tom.- Toshkent: 1957.

### **ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Одил Нуъмонович Набиев,**

Тошкент давлат юридик университети талабаси  
mediadepartment146@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада халқнинг давлатга бўлган ишончини белгилашга хизмат қиладиган, бугунги кунда шиддат билан ривожланиб келаётган аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ўзига хос жиҳатлари, давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига тўхталинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Давлат хизматлари, маъмурий акт, давлат хизматлари тизимининг муҳим элементлари, тизимга оид моделлар, маъмурий-ҳуқуқий низолар.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг муҳим элементларидан бири давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Давлат хизматларини кўрсатиш бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний ҳимоя қилинадиган манфаатлари муқаррар бўлган ижтимоий фаолият туридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 ноябрдаги 07-2955-сон топшириқ хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларидаги мурожаатлар билан ишлаш аҳволи таҳлил қилинган. Агентлик ва унинг ҳудудий тузилмаларига 2021 йил давомида жами **14 190** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 6 681 таси Президент виртуал қабулхонаси, 7 509 таси бевосита жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ташкил этади. Агентлик ва унинг ҳудудий тузилмаларига бевосита келиб тушган мурожаатларнинг 383 таси оғзаки, 6 896 таси ёзма ва 230 таси электрон шаклда қабул қилиб олинган. Тизимга бевосита келиб тушган мурожаатларнинг 1 493 таси шикоят, 6 011 таси ариза, 5 таси тақлифлардан иборат. Бундан ташқари, 2021 йил давомида “Ишонч телефони” орқали 1 404 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 1 081 таси шикоят, 323 таси аризадан иборат



бўлиб, 1 375 таси кўриб чиқилган, 25 таси тааллуқлилиги бўйича ваколатли ташкилотларга юборилган, 17 таси аноним деб топилган. “Ишонч телефони” орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 647 таси ижобий ҳал этилган, 713 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 15 таси рад этилган. Шунингдек, Агентлик ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан Агентлик ва ҳудудий бошқармалари биноларида 235 нафар, Халқ қабулхоналари ва сайёр қабулларда 148 нафар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоралари кўрилган. Келиб тушган мурожаатларнинг 6 454 таси (45,5 фоиз) қаноатлантирилган, 6 514 таси (45,9 фоиз) бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 464 таси (3,3 фоизи) тааллуқлилиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга юборилган, 363 таси (2,5 фоиз) кўрмасдан қолдирилган ёки рад этилган. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида шикоятлар сони салмоқли.

Амалдаги қонунчиликда давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки хил тартиботи мавжуд: маъмурий ва суд тартиби. Ушбу икки хил тартибот давлат хизматлари кўрсатиш тизими маъмурий ҳуқуқий муносабат доирасида юзага келиши билан боғлиқ. Илмий-назарий жиҳатдан ушбу тартиботлар маъмурий юстиция тушунчаси билан боғлиқдир.

Давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маъмурий юстициянинг марказий тушунчаларидан бири бўлган маъмурий-ҳуқуқий низо билан боғлиқдир. Маъмурий-ҳуқуқий низо давлат хизматлари кўрсатиш натижаси бўйича чиқариладиган маъмурий актга алоқадордир. Айрим олимлар маъмурий-ҳуқуқий низонинг келиб чиқишининг асосий хусусиятини субъектлар ўртасидаги зиддият билан боғласа, бошқалар уни маъмурий ҳуқуқ соҳасига алоқадор бўлади деб таъкидлайди.

Германия қонунчилигида ижобий маъмурий актларни тугатиш масалалари батафсил тартибга солинади. Шундай қилиб, ноқонуний ва қонуний ижобий маъмурий актлар уларни чиқарган органлар томонидан фақат қонунда қатъий белгиланган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Германияда давлат хизматларини кўрсатишда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари маъмурий акт (*Verpflichtungsklage*) ва маъмурий ҳаракат (*allgemeine Leistungsklage*) билан боғлиқ ҳолда ҳимоя қилинади. Айнан ушбу тизим Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Латвия, Украина ва Эстонияда амал қилади.

Француз моделида маъмурий даъвонинг куйидаги бешта гуруҳи мавжуд: 1) маъмурий актни бекор қилиш бўйича даъволар; 2) субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ даъволар; 3) маъмурий актнинг маъносини аниқлаштириш бўйича даъволар; 4) маъмурий актнинг қонунийлигини баҳолаш билан боғлиқ даъволар; 5) репрессия қўллаш билан боғлиқ даъволар.

С.Закирова фикрича, давлат хизматларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматлари доирасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни куйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) давлат хизматларини тақдим этишни ноқонуний ва асосиз рад этиш; 2) давлат хизматлари кўрсатиш стандартларини бузиш; 3) давлат хизматларини сифатсиз кўрсатишга эътироз билдириш.

Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин. Амалдаги қонунчиликда давлат хизматларини талаб қилувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи алоҳида тоифа сифатида ажратиб берилмаган.

Маъмурий шартнома ҳуқуқий табиатига кўра оммавий муносабатларга тартибга солишнинг хусусий ҳуқуқ усулларини қисман қўллаш учун мўлжалланган. Ушбу механизмнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

- давлат буюртмаси бўйича шартномалар;
- давлат хусусий шериклик;
- концессия шартномаси.



Бундай шартномаларнинг ҳуқуқий табиати ҳақида юридик фанда ягона фикр мавжуд эмас. Аксарият олимлар томонидан бундай битимларнинг ички маъмурий-ҳуқуқий мазмуни уларнинг фуқаролик хусусиятидан устун туриши таъкидланади<sup>1</sup>.

Маъмурий бўлмаган давлат хизматларининг кўпчилиги етказиб берувчилар ва олувчилар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида тақдим этилганлиги ва шунинг учун хизматлар олувчилар ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқли томон эканлигига ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу хизматлар қуйидаги хусусиятларга боғлиқ:

1. Давлат манфаатларини қондириш учун берилади;
2. Давлат функцияларини амалга ошириш мақсад қилинади;
3. Маъмурий ҳужжат ва маъмурий шартнома асосида хизмат кўрсатилади.

С.Д.Хазановнинг таъкидлашича, давлат хизматлари доирасидаги низолар маъмурий тартиб-таомиллар доирасида ҳал этилади.

Энг долзарб масалалардан бири жамоат транспорти, электр-энергия, сув таъминоти, газ, таълим соҳасидаги хизматлар бўйича низоларни ҳал қилишдир. Хусусий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари бўйича низоларни ҳал қилиш мураккаб масаладир. Бу эса давлат хизматларини кўрсатишда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини англатади.

Маъмурий характерга эга бўлмаган давлат хизматларини кўрсатишда фуқаролик ҳуқуқий белгига эга бўлган ишлар мавжуд. Бу дегани маъмурий юстицияни қўллаш муаммо ҳисобланади. Мисол учун, йўловчининг соғлиғига шикаст етказиш натижасида даволаниш учун зарарларни хусусий ташувчи томонидан қоплаш ва давлат бошқаруви органи томонидан ноқонуний ҳаракатсизликни тан олиш ҳақида гапириш мумкин.

С.Д.Хазановнинг фикрича, энг катта қийинчиликлар фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш механизмига киритилганда ижро этувчи фаолиятнинг ҳуқуқий режимини аниқлашдир. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларда судлар маъмурий ҳуқуқнинг тоифалари, тамойиллари ва институтларига деярли мурожаат қилмайдилар, уларни хусусий ҳуқуқ қоидалари асосида ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.

Шу нуқтаи назардан, хизмат кўрсатувчи ва уни қабул қилувчи ўртасида шартнома тузиш давлат томонидан тан олинган ва ҳимояланган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади ва шунинг учун нафақат муайян хизмат олувчининг шахсий манфаатларини қондириш мақсадини, балки бутун аҳолининг манфаатларини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу ҳолатда шарнома асосий роль ўйнайди.

Айрим давлатларнинг қонунчилигида бевосита давлат хизматларига оид низолар маъмурий судларга тааллуқли эканлиги белгилаб ўтилган. Жумладан, Молдавия “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юзага келадиган низолар маъмурий судлар ваколатига кириши белгилаб кўйилган. Бундай ҳолат Украина тажрибасида ҳам мавжуд.

Россия Федерациясининг “Давлат ва маҳаллий хизматларни кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, қуйидаги ҳолларда шикоят қилиш мумкин:

давлат хизматлари бўйича талабни реестрга киритиш муддатини бузиш;

давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини бузиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва ҳаракатларни талаб қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асослар бўйича рад этиш тўғрисида ҳужжат чиқариш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асослар бўйича рад этиш бўйича ҳаракат қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тўловларни қабул қилиш;

давлат хизматлари натижаси бўйича қабул қилинган ҳужжатни бериш тартиби ва муддатини бузиш;



қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тартибда давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатни аризачидан талаб қилиш.

Бизнингча, Ўзбекистонда “Давлат хизматлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда шикоят қилиниши лозим бўлган ҳоллар белгилаб қўйилиши лозим. Жумладан, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат хизматларини кўрсатиладиган жой талабларини бажармаслик; давлат хизмати бўйича тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумот тақдим этиш; давлат хизматлари бўйича талабни реестрга киритиш муддатини бузиш; давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини бузиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва ҳаракатларни талаб қилиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асослар бўйича рад этиш тўғрисида ҳужжат чиқариш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асослар бўйича рад этиш бўйича ҳаракат қилиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тўловларни қабул қилиш; давлат хизматлари натижаси бўйича қабул қилинган ҳужжатни бериш тартиби ва муддатини бузиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тартибда давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш; қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатни аризачидан талаб қилиш ва давлат хизматлари ҳақида ишончсиз маълумотларни тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни 62-моддасига кўра, маъмурий шикоят предметида бири маъмурий акт бўйича шикоятлар кириши белгилаб ўтилган. Ўз навбатида, қонун давлат хизматларини кўрсатиш тизимига татбиқ этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлат хизматларидан фойдалувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими жуда долзарб ва мунозарали масала ҳисобланади. Жумладан, мазкур соҳада маъмурий-ҳуқуқий низо ва фуқаролик-ҳуқуқий низо ўртасидаги фаркни ажратиш олиш мураккаб жараён дур. Ўз навбатида, низоли ҳал қилишнинг маъмурий ва суд тартибига оид қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ муаммоли вазиятлар салмоқлидур.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
2. Рычкова И.Н. Предоставление государственных услуг как административно-правовая функция органов исполнительной власти: дис. ... канд. юрид. наук. Киров, 2017. С. 151.
3. <https://davxizmat.uz/uz/reports/ozbekiston-respublikasi-adliya-vazirligi-huzuridagi-davlat-xizmatlari-agentligi-va-uning-hududiy-tuzilmalariga-2021-yil-davomida-kelib-tushgan-murojaatlar-t-a-h-l-i-l-i>
4. Старилов Ю.Н. Административная юстиция: теория, история, перспективы. М., 2001; Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11; Лупарев Е.Б. Понятие и признаки административно-правового спора // Журнал российского права. 2002. № 2; Окунев А.И. Административно-правовые споры. Студенты в правовой науке. Вып. 4. Издание Воронежского государственного университета. / Науч. ред. Ю.Н. Старилов. - Воронеж: Изд-во ВГУ, 2003; Кипер Н.Г. Административноправовой спор (теоретические проблемы); Метелева У.В. Административное производство по разрешению административных споров: понятие и виды // Вестник Евразийской академии административных наук. 2007. № 1.
5. Чечот Д.М. Неисковые производства. М., 1973; Сухарева Н.В. Административноправовые споры в сфере экономики // Право и экономика. 2001. № 4



6. Закона об административных процедурах Федеративной Республики Германия // Сборник законов об административных процедурах. М.: Инфотропик Медиа, 2016. С. 150-153.
7. Васильева А.Ф. Сервисное государство: административно-правовое исследование оказания публичных услуг в Германии и России. С. 257, 271.
8. Административно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 30.06.2009 № 846-IIIQ // <http://online.zakon.kz>
9. Кодекс административного судопроизводства Республики Армения от 28.12.2013 № ЗР-139 // Официальные ведомости Республики Армения. 28.12.2013. №73 (1013).1. Ст.1186.1 // <http://base.spinform.ru>
10. Административно-процессуальный кодекс Грузии от 23.07.1999 // Законодательный Вестник Грузии. 39(46). 06.08.1999 // <https:matsne.gov.ge>
11. Административно-процессуальный закон Латвии (принят Сеймом 25.10.2001; вступил в силу 14.11.2001) // Сборник законодательных актов по административному судопроизводству. 3-е издание. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. С. 523, 527, 528.
12. Кодекс административного судопроизводства Украины от 06.07.2005 № 2747-IV // Ведомости Верховной Рады Украины, 2005. № 35-36. № 37. Ст.446 // <http://zakon4.rada.gov.ua>



ERKINLIK VA MA'SULIYATNI INSON VA JAMIYAT UYG'UN  
RIVOJLANISHDAGI AHAMIYATI

**Mixliyeva Gulshoda Zarip qizi,**

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Qarshi filiali

Axborot ta'lim va texnologiyalar

va gumanitar fanlar kafedrası

gulshodamixliyeva94@gmail.com.

**ANNOTATSIYA.** Maqolada jamiyatda erkinlik va ma'suliyat tushunchalarining yuzaga kelishi, uning rivojlanishi va uning ta'sir ko'rsatuvchi omillar haqida so'z yuritilgan. Erkinlik va ma'suliyat ijtimoiy-gumanitar fanlar kategoriyasi sifatida tahlil qilingan.

**KALIT SO'ZLAR:** Erkinlik, mas'uliyat, huquq, burch, jamiyat, ijtimoiy hayot, ehtiyoj, manfaat.

Inson huquq va erkinliklari - oliy qadriyat. Inson huquqlari insoniyat mavjudligining va birgalikda yashashning asosidir va u barcha uchun umumiy, ajralmas ekanini e'tiborga olish lozimdir. Qadimgi antik davri faylasuflari talqinicha, tabiiy huquq tabiatga bog'liq holda insonlar tug'ilganda bir birida farq qiladilar. Qolaversa, ana shu tabiiy huquq va erkinlikni yuzaga chiqarishga intilish, o'z ehtiyojlarini va xavfsizligini faqat birgalikda ta'minlay olish insoning ijtimoiylashuviga va faollashuviga olib keldi.

Tor ma'noda, inson huquq va erkinliklari tushunchasiga faqat davlat himoya qiladigan huquqlar kirib, hozirgi davrda ularni konstitutsion huquqiy asoslar yoki davlat chegaralari bilan cheklab qo'yish oson vazifa emas. Bu huquqlarga barcha fuqarolarning qonun oldida tengligi, yashash va jismoniy dahlsizlik huquqi, inson qadr-qimmatini hurmat qilish, o'zboshimchalik va noqonuniy ushlar yoki qamash mumkin emasligi, vijdon va din erkinligi, ota-onaning o'z bolalarini tarbiya qilish huquqlari, zulmkorlikka qarshilik qilish huquqi va boshqalar kiradi. Keng ma'nodagi inson huquqlari o'zida shaxsning umumiy erkinligini ifodalaydi.

Har bir inson millati, irqi, ijtimoiy ahvolidan qat'iy nazar, boshqa insonga teng va jamiyatdagi barcha insonlar teng huquqli bo'lmog'i, ayniqsa odamlar hayotiga bevosita ta'sir etuvchi soha, ya'ni davlat organi xodimlari, rahbar shaxslar oddiy xalq bilan fuqarolik huquqlar teng ammo professional masalalarni hal qilish huquqlari va ma'suliyati ko'p bo'lmog'i kerak. Chunki bu davlat xizmatchilari insonning turmush farovonligi va huquqlarini himoya qiluvchi va insonlarning ijtimoiy teng huquqliligini ta'minlovchi shaxslardir.

"Inson huquqlariga haqiqiy kuch bag'ishlovchi narsa ularning umumiyligidir. U har qanday chegaralarni kesib o'tadi, har qanday to'siqlarni bartaraf etadi. Inson huquqlari uchun kurash hamma vaqt va hamma yerda yakka hokimlik va adolatsizlikning barcha shakllariga: qullik, qaramlik, zo'ravonlik mustamlakachilikka qarshi kurash bo'lib kelgan. Bugungi kunda uning dolzarbligi kamaygan yoki mohiyati o'zgargan emas"[1].

Inson erkinliklari va huquqlarini himoya qilish zarurati mustabid o'rta asrlar tuzumiga qarshi kurashish vaziyatida yuzaga keldi. Oddiy inson, uning qadr- qimmatini, sha'ni, or-nomusi, g'ururi va eng muhimi uning hayoti hech qanday ahamiyat kasb etmay qolgan o'rta asrlar qonun qoidalari tanqid ostiga olinib, gumanizm va har bir inson xudo oldida teng ekan, demak jamiyat qonunlari oldida ham teng huquqli bo'lishi lozim degan g'oyalarni olg'a surgan. Bu Uyg'onish va ma'rifatparvarlik davrida paydo bo'ldi. Sharq xalqlarida mazkur g'oyalar mustamlakachilik davrida tarqala boshladi. Yangi davrda mustamlakachilik va jahon urushlari erkinlik va ma'suliyat masalasiga ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy mazmun bag'ishladi. Misol tariqasida shuni aytish





mumkinki, Buyuk Britaniya, Chor Rossiyasi, Fransiya va boshqa davlatlarning mustamlakachilik siyosati yoki butun dunyo ommasini larzaga solgan ikki dahshatli jahon urushlari inson qadr-qimmatini, erkinligi va ma'suliyati g'oyalarini, ularni yuzaga chiqarishni, hayotga joriy etishni yanada dolzarblashtiradi. Birgina ikkinchi jahon urushi davrini olaylik, fashistlar Germaniyasi tomonidan qanchadan-qancha odamlar turli xil juda jirkanch yo'llar orqali shafqatsizlik bilan o'ldirib yuborilgan. Ular ustida turli xil tajribalar o'tkazilgan.

Bunday jirkanchli vaziyatlarda va insonlarning huquq va erkinliklari himoya qilinmagan bir zamonda, jamiyatlarning ijobiy rivojlanishi va taraqqiyoti to'xtab qoldi. Vaholanki, insonlarning huquq va erkinligi himoya qilinadigan jamiyatda ijobiy o'sish bo'ladi, rivojlanish bo'ladi. Inson yetarli huquq va erkinliklar hamda muayyan majburiyatlarga ega bo'lsagina shaxs sifatida o'z imkoniyatlarini namoyon qila oladi. Bu o'z navbatida jamiyat taraqqiyotiga yo'l ochib beradi. Agar jamiyat totalitar tuzimga asoslangan bo'lib, yuqorida aytib o'tganimizdek, insonlar erkinlik huquqidan mahrum qilinsa, yoki turli xil tazyiqlarga uchrasa, bunday jamiyatda insonlar qo'rquv ichida yashab o'z intilishlari, qiziqishlari, maqsadlari sari dadil qadam tashlay olmaydilar. Bunday jamiyatda insonlar o'z qobiliyatlarini ochiq namoyon qila olmaydilar. Bir davlat ikkinchi bir davlat ustidan o'z hukumronligini o'rnatadigan bo'lsa, u avvalo qaram davlat fuqarolarini huquq va erkinliklarini ma'lum miqdorda cheklaydi.

Sovet davrida ham o'zbek xalqi o'z boshidan shunday ko'ngilsizliklarni o'tkazdi. Sovet davrida inson huquqlari, erkinliklari ma'lum miqdorda poymol etildi. Ayniqsa dehqonlarga, qishloq xo'jaligida ishlovchilarga KPSS kamsitish siyosatini o'tkazdi. "Ishlab chiqaruvchining o'z mahsulotlaridan va umuman, mulkchilikdan to'liq begonalashtirilishi, ijtimoiy hayotning haddan ziyod davlatlashtirilishi, taqsimotdagi tekischilik, iqtisodiyotning va turmushning mahsulot yetishmasligiga asoslanishi va boshqa kamchiliklar ijtimoiy ongga va insoniy munosabatlarga ko'p putur yetkazdi. Sovet totalitar tuzumi jamiyat va inson ongini, dunyoqarashini, axloqiy va estetik qadriyatlarini, aqliy va hissiy muhitini, hayotga munosabatini, umuman ma'naviyatini chuqur deformatsiya qildi"[2]. Sovet davrida insonlar huquqlari poymol etilib adolatsizlik hukumron bo'ldi. Chor Rossiyasi va sovet tuzumi davrida aholining eng bilimli, ijtimoiy faol, savodxon qatlami qirib tashlangan yoki chel ellarga qochishga majbur etilgan. Stalin davrida "stalin qatagonlari" siyosati, "o'zbeklar ishi" siyosati, yolg'on ayblovlar qo'yib qamab yuborishlari insonlarni, bechora hol qilib, jamiyatga nisbatan boqimanda, atrofda bo'layotgan ishlarga beparvolik ruhida, o'z haq huquqlarini talab eta olmaydigan shaxslarni ko'paytirdi. Chunki jamiyat fuqarolarini shu holga olib kelgach, uni ma'naviyatidan, madaniyatidan ayirish juda oson bo'lib qolgan.

Ma'naviyati, madaniyati, qadriyatlari va o'z tarixini yaxshi bilmaydigan jamiyatning kelajagi ham yo'q bo'ladi. Bunday xalq asta-sekin o'z-o'zidan hukumron xalqqa singib ketadi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov bundan havotirga tushgan holda, butun o'zbek xalqini orzu umidlarini ro'yobga chiqarish, o'zbek xalqi erkin demokratik jamiyatda yashab jamiyatni qaytadan taraqqiy toptirishni o'z oldilariga maqsad qilib qo'yidilar va bu maqsad 1991-yilda ro'yobga chiqdi. Shu yilning 31-avgustida O'zbekiston mustaqil demokratik davlat deb e'lon qilindi. Mustaqillik insonlarga katta imkoniyatlar eshigini ochdi. Inson huquq va erkinliklari birinchi o'ringa qo'yildi va bu O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi bilan mustahkamlandi. O'zbekiston suveren, demokratik, huquqiy va dunyoviy davlat sifatida uning, Konstitutsiyasining uchdan bir qismidan ziyodini inson huquq va erkinliklari, ularni himoya qilish masalasiga tashkil etadi. Ularning ustivorligini konstitutsiyaviy tarzda mustahkamlab qo'ydi va ilgari inson huquqlariga nisbatan davlat manfaatlarini ustivorligi prinsipiga barham berdi[3].

Inson huquqlari va erkinliklari mustahkamlashga doir O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan davlat siyosati izchil rivojlanib borib, mamlakatimiz inson huquqlariga sadoqatligi o'zining konstitutsiyaviy ifodasini topib, bugungi kunda shu sohada keng qonunchilik bazasi yaratildi. Muhimi shundaki, O'zbekistonda inson huquqlari va erkinliklarini tobora mustahkamlash va rivojlantirish uchun hal qiluvchi omillar, jumladan xalq hokimiyatchiligi, davlatning inson oldida ma'sulligi belgilandi. Natijada jamiyatning ijtimoiy taraqqiyotiga yo'l ochib berdi. Insonlarda vatanparvarlik, insonparvarlik ruhi shakllandi. Insonlarga vijdon erkinligi, so'z erkinligi, tafakkur



erkinligi berildi. Davlatda insonlar erkin harakatlana boshlashdi. Endi insonlar “bersang yeyman, ursang o’laman” qabilida yashab kelayotgan ma’suliyatsiz insonlarning endi, jamiyat oldida ma’suliyatli ekanini his qiluvchi, jamiyat taraqqiyotiga hissa qo’shadigan, erkin fikrlovchi ma’suliyatli fuqarolar ko’paydi.

O’zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov O’zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi o’n birinchi sessiyasida so’zlagan nutqida: “Hayotimizda bo’layotgan o’zgarishlarning ildizi xalqimizning ma’naviy uyg’onishidir. Ona tilimizning azaliy haq- huquqlari tiklangani, haqiqiy o’zbekona urf-odatlarimizning hayotdan o’rin olayotgani, qadriyatlarimizning o’z o’rnini topayotgani ham odamlar kayfiyatiga ijobiy ta’sir ko’rsatmoqda. O’zbek o’ziga ishona boshladi”[4], degan so’zlarini va yana “Inson huquqlari va demokratiya O’zbekistonning milliy va davlat manfaatlariga, xalqning erksevar milliy tafakkur tarzi va ruhiyatiga to’la mos keladi”[6] -deb ta’kidlab o’tgan fikrlari mamlakatimizda mustahkam o’rin egallayotgan demokratik, insonparvar, odil fuqarolik jamiyati va unda amalga oshirilayotgan haqiqiy, keng inson huquqlari va erkinliklari guvoh bo’la oladi.

Shaxs va jamiyatning ma’suliyati – huquqiy davlatning ajralmas belgisidir. Nodemokratik davlatda faqat fuqaroning davlat oldidagi ma’suliyati tan olinadi. U go’yo fuqaroga huquq va erkinlik berayotganday bo’ladi va uning maqomini tayinlaydi. Huquqiy davlatda esa boshqacha manzarani ko’ramiz. Bu yerda davlat organlari va mansabdor shaxslarning fuqarolar qoshida ularning huquq va erkinliklari uchun mas’ulligi masalasiga e’tibor qaratiladi. Bu ma’suliyat fuqarolarning huquq va erkinliklari buzilishida aybdor bo’lgan mansabdor shaxslarning javobgarlikka tortilishini ta’minlaydigan va keskin choralar ko’rilishini ko’zda tutadigan tegishli me’yoriy-huquqiy hujjatlar mavjud bo’lgan sharoitdagina amaliy tus kasb etadi.

Inson huquqlari – bu shunday prinsipki, unga muvofiq “barcha odamlar ozod bo’lib tug’iladilar”<sup>1</sup>. Barcha insonlar erkin bo’lib tug’ilishi va erkinlik huquqiga ega bo’lishining o’zi har bir inson o’z turmush tarzini tanlashda, tafakkur yuritishda erkin ekanligini anglatadi. Bu erkinlik boshqa shaxslar erkinligini hurmat qilish bilan cheklanadi. Erkin insonlardan iborat jamiyatda insonlarga, o’zaro hurmat, boshqalar erkinligiga dahlsizlik, ma’suliyat hissi yaxshi shakllangan bo’lishi lozim. Zotan, jamiyatning yaxshi rivojlanishi erkin fikrlaydigan, ma’suliyatli, huquqiy madaniyati yuksak va ma’naviyatli faol fuqarolarga bog’liqdir.

“O’zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, ijtimoiy va davlat qurilishida real demokratiyani har tomonlama kengaytirib, rivojlangan, ma’rifatli davlatlar safiga kirishni asosiy maqsad qilib qo’ygan davrda inson erkinligi, fuqarolarning demokratik huquq va erkinliklarini konstitutsiyaviy qonunlarda ifoda etibgina qolmay, uning rivojini, takomillashuvini shu maqsadda tuzilgan, tuzilayotgan davlat organlari, jamoat tashkilotlari, ular olib borayotgan ko’pqirrali faoliyatlar bilan ham amalga oshirmoqda, kafolatlamoqda”[6].

Inson huquqlari – bu insoniyat tarixiy taraqqiyotining umumiy yutug’i bo’lishi bilan birga, hozirgi kunda jahon hamjamiyatining dolzarb muammolaridan biriga aylanib qolmoqda. Chunki, xalqlar va millatlarning erkin taraqqiyoti hamda inson huquqlari totalitar tuzumlarining mavjudligi va urush ofatlari tufayli poymol etilib kelinmoqda. AQSHning sobiq Prezidentlaridan Franklin Delano Ruzvelt to’rtta erkinlikni qo’llab-quvvatlab, 1941-yil 6-yanvarda so’zlagan nutqida shunday degan edi: “Erkinlik inson huquqlari hamma yerda va hamma narsada ustun ekanligini anglatadi. Biz ana shu huquqlarni qo’lga kiritish uchun yoki ularni yoqlab kurash olib borayotganlarning barchasini qo’llab quvvatlaymiz”[6].

Demokratik Fuqarolik jamiyati qurishni maqsad qilib qo’ygan har qanday davlatning demokratlashuviga xos xususiyatlarini ko’rsatuvchi shartlaridan bir- insonning huquq va erkinliklarining qonunlarda to’liq belgilanishi hamda ularning ta’minlash uchun shart-sharoitlarning yaratilishi bilan belgilanadi. O’zbekiston Respublikasining demokratik huquqiy davlatni qurishdan asosiy maqsad – ushbu davlatda yashovchi har bir fuqaroning huquq va erkinliklarini to’la taminlashdan iborat”[7]. Bugun O’zbekiston jahon hamjamiyatining tarkibiy qismi va to’la huquqli teng sub’ektdir. U BMT Ustavini, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi, Fuqaroviy va siyosiy huquqlar to’g’risidagi hamda Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to’g’risidagi xalqaro

<sup>1</sup> A.X.Saidov. “Inson huquqlari bo’yicha xalqaro huquq” T:-2006.102-b



paktlarini tan oladi, Yevropa xavfsizlik va hamkorlik tashkilotining shartnomalarida, ko'plab xalqaro konvensiyalarda ishtirok etadi. Boshqacha aytganda, O'zbekiston o'zi tanlagan yo'li, insoniyat madaniyatining qadriyatlarini tasavvur etib, demokratiya va insonparvarlik yo'lidan odimlab bormoqda [8].

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. www.ziyonet.uz .
2. B.U.Tadjixonov. "O'zbekiston Respublikasida inson huquqlarini amalga oshirish: nazariy va amaliy muammolari".T.; 2003.46-b.
3. Abdurahim Erkayev. "Ma'naviyat va taraqqiyot", T:2009.
4. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va O'zbekistonda inson huquqlarini himoya qilish milliy tizimi" –T:2010.
- 5.I.A.Karimov. "O'zbekiston kelajagi buyuk davlat". O'zbekiston.1992, 6-7 –betlar.
- 6.I.A.Karimov."O'tmishsiz kelajak, hamkorliksiz taraqqiyot bo'lmaydi. YUNESKO Iroiya Kengashi sessiyasida so'zlagan nutq, 1996-yil 24-aprel, Parij/Bunyodkorlik yo'lida.T:1996. 334-b.
7. A.X.Saidov. "Inson huquqlari bo'yicha xalqaro huquq" T:-2006.102-b.
8. A.B.G'afurov, M.A.Tillaboyev." Inson huquqlari", T:2012, 24-b.



RASMIY-IDORAVIY USLUBNING TUZILISH JIHATLARI VA UNING MOHIYATI

Sadullayeva Shoxida Baxodirovna

**Abstract:** This article discusses the important elements of official-documentary style, peculiarities of its structure as well as its importance in using functional styles in official documents. It also gives information about differences of official-documentary style with other types of functional styles, its crucial aspects and various kinds of substyles.

**Keywords:** official-documentary style, substyle, addressee, linguistic means, functional styles

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada rasmiy-idoraviy uslubning muhim elementlari, tuzilish xususiyatlari bilan bir qatorda rasmiy hujjatlarni yaratish jarayonida funksional uslublardan foydalanishning ahamiyati xususida soʻz boradi. Shuningdek, rasmiy-idoraviy uslubning boshqa uslublardan farqli jihatlari, uning dolzarb ahamiyatga ega xususiyatlari va uslub doirasidagi subuslublar haqida ham maʼlumotlar keltirib oʻtilgan.

**Kalit soʻzlar:** rasmiy-idoraviy uslub, subuslub, hujjatning qabul qiluvchisi, lingvistik vositalar, funksional uslublar

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются важные элементы официально-документального стиля, особенности его структуры, а также его значение в использовании функциональных стилей в официальных документах. Также даются сведения об отличиях официально-документального стиля от других типов функциональных стилей, его существенных аспектах и различных видах подстилей.

**Ключевые слова:** официально-документальный стиль, подстиль, адресии, языковые средства, функциональные стили.

Ilm-fan rivojlanishi bilan rasmiy-idoraviy uslub doirasidagi hujjatlarni yaratilishi va foydalanilishini tadqiq qilish bilan bogʻliq boʻlgan masalalar muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. Qoʻyilgan bir qator masalalarni tadqiq qilish orqali shu sohadagi mavjud muammolarga yangicha qarash hosil qilish mumkin. Bu rivojlanish nafaqat ijtimoiy muloqotda hujjatlar rolining ortib borishi nuqtai nazaridan, balki hujjatli tilshunoslikning bir qator nazariy muammolarini hal qilish zarurligi bilan bogʻliq<sup>2</sup>.

Maʼlumki, har qanday hujjat muayyan axborotni u yoki bu tarzda ifodalash uchun xizmat qiladi, shunday ekan, har qanday hujjatdagi birlamchi va asosiy unsur bu tildir.

Rasmiy-idoraviy uslubning eng muhim oʻziga xos xususiyatlari xalq irodasini ifodalashda turlicha til vositalari va usullaridan atroflicha hamda huquqning tartibga solib turuvchi xususiyatining nutqda aniq namoyon boʻlishidan, shuningdek aloqaning ushbu sohasining oʻziga xosligi bilan ajralib turadi<sup>3</sup>.

L.V.Raxmanin rasmiy-idoraviy uslub atamasini rasmiy hujjatlarning, xususan, tashkiliy va maʼmuriy hujjatlarlarning (akt, shartnoma, qaror, hisobot, buyruq) oʻziga xos xususiyatlarini bildiradi deb taʼriflaydi<sup>4</sup>.

Shu bilan bir qatorda, rasmiy-idoraviy uslub - bu rasmiy ishbilarmonlik va hamkorlik munosabatlari, yaʼni davlat organlari oʻrtasida olib boriluvchi yozma hujjatlar, tashkilotlar oʻrtasida yoki tashkilotlar va davlat organlari oʻrtasida, tashkilotlar va shaxslar oʻrtasida ishlab chiqarish, moliyaviy, iqtisodiy, huquqiy faoliyat jarayolarida yuzaga kelishi mumkin boʻlgan

<sup>2</sup>Ульянцева 2004: Ульянцева С. Э. Составление документа: языковые нормы // Делопроизводство. 2003. № 4. 158 с.

<sup>3</sup> Кушнарченко 2004: Кушнарченко Н. Н. Документоведение. Киев: Знания, 2004. 459 с.

<sup>4</sup> Рахманин 1988: Рахманин Л.В. Стилистика деловой речи и редактирование служебных документов. М.: Высш. шк., 1988. 238 с.



munosabatlarga xizmat qilishdan iborat bo'lgan lingvistik vositalar jamlanmasidir. Shu tariqa, idoraviy nutq ikki xil ko'rinishda rasmiy-idoraviy vaziyatlarning yirik tizimi sifatida va tegishli hujjat janrlari to'plami sifatida ham ifodalanishi mumkin<sup>5</sup>.

Rasmiy-idoraviy uslub insonning butun hayoti davomida, tug'ilishdan to oxirgi kunigacha bo'lgan ehtiyojlariga xizmat qiladi. Inson tug'ilishi bilan unga birinchi hujjat ya'ni tug'ilganlik to'g'risidagi guvohnoma beriladi. Keyinchalik pasport, ma'lumoti to'g'risidagi guvohnoma, turli sertifikatlar va boshqa hujjatlarda hayoti davomida beriladi. Hatto eng tantanali daqiqa - qonuniy nikohdan o'tish - rasmiy hujjat, nikoh guvohnomasi bilan rasmiylashtiriladi<sup>6</sup>.

Til vositalarini uslubiy farqlash va individual uslublarni tanlash uchun materiallar umumiy tilning qayta ishlangan va qolipga solingan shakli bo'lgan adabiy til yoki umuman olganda umumiy til bo'lishi mumkin. Uslub - bu u yoki bu umummilliy til sohasida og'zaki muloqot vositalaridan foydalanish, ularni tanlash va birlashtirish usullarining ijtimoiy ongli va funktsional ichki jamlangan majmui bo'lib, u turli ko'rinishdagi boshqa maqsadlarga xizmat qiladigan, shu xalqning umumiy nutqiy holatlarida boshqa vazifalarni amalga oshiradigan ifoda usullari va yo'llari bilan bog'liq<sup>7</sup>.

Ijtimoiy hayotning turli sohalarida muntazam ravishda foydalaniladigan kundalik, ilmiy, jurnalistik, rasmiy-idoraviy so'zlashuv uslublari ajratiladi. Funktsional uslublar malum bir qolipga tushgan o'zgarma tizimlar majmui bo'lib, ular uslublar/janrlar/registrlar darajasida keyingi stilistik farqlanish imkonini beradi. Hozirgi davrda bir xil funktsional uslub doirasidagi matn turlarini ajratib va farqlab ko'rsatish uchun ishlatiladigan "sub-uslub", "janr", "registr" tushunchalariga nisbatan aniq terminologik ta'rif mavjud emas. Ko'pgina hollarda tadqiqotchilar "substil" yoki "subuslub" atamasidan keng foydalanib kelinmoqda.

Professor I.R. Galperinning funktsional uslublar bo'yicha olib borgan izlanishlari natijasiga ko'ra quyidagi xulosaga keladi: rasmiy hujjatlarning funktsional uslubi til tizimidagi to'rtta o'zgarma birlikdan iborat bo'lib, ularning har biri bir-biridan turli xil ko'rinishlarda farq qiluvchi xususiyatlarga ega. "Bir uslub doirasidagi hujjat ko'rinishlarining o'ziga xos xususiyatlari shunchalik individual bo'lishi mumkinki, ba'zi hollarda ularni tilning mustaqil ichki kichik uslublariga (substillarga) ajratish mumkin". Professor I.R. Galperin rasmiy hujjatlarning funktsional uslubini tashkil etuvchi quyidagi kichik uslublarni ajratib ko'rsatadi<sup>8</sup>:

1. diplomatik hujjatlar uslubi;
2. harbiy hujjatlar uslubi;
3. biznes hujjatlari uslubi;
4. huquqiy hujjatlar uslubi.

Subuslublar yoki kichik uslublar funktsional uslub doirasida muayyan omillarga, masalan, torroq faoliyat sohasiga ko'ra, bajarayotgan vazifasi, yetkazib berilayotgan axborot turi, alohida kommunikativ noo'xshashliklarga va boshqalarga ko'ra farqlanadi. Masalan, professor E.M. Isserlin biznes matnlarini qat'iylik/shakl erkinligi tamoyiliga ko'ra uch guruhga ajratadi. Professor I.R. Galperinning nazariyasiga ko'ra, subuslublarning turlarini ajratish mumkin bo'lgan asosiy xususiyatlar bular pragmatik yoki mavzu-tematik xususiyatlar hisoblanadi.<sup>9</sup>

Subuslub doirasida, o'z navbatida, til tizimida bir-biridan funktsional, kompozitsion va lingvistik jihatlari bilan farq qiluvchi variantlar ajratiladi. Tijorat yozishmalarining subuslubida matnlarning quyidagi turlari ajratiladi:

- shartnomalar;
- bitimlar;
- ish xatlari;
- memorandumlar;

<sup>5</sup> Тюленев С.В. Теория перевода: Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2004 – 336с.

<sup>6</sup> Кушнерук 2005: Кушнерук С. П. Современный документный текст. Волгоградское научное издательство, 2005. 335 с.

<sup>7</sup> В.В. Виноградов. Итоги обсуждения вопросов стилистики. «Вопросы языкознания», 1955, № 1, с. 220

<sup>8</sup> I.R. Galperin. Стилистика английского языка. М.: Высшая школа. 1998

<sup>9</sup> Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык. М.: Флинта: Наука, 2002. – 381 с



- telegrammalar;
- telefakslar va boshqalar.

Diplomatik yozishmalarning quyidagi turlarini ajratib ko'rsatish mumkin:

- Nota va bayonotlar
- Diplomatik bayyonnomalar
- Memorandumlar
- Rasmiy xatlar
- Ilova xatlar
- Yarim rasmiy shaxsiy xatlar

Esdalik yozishmalar

Ko'pgina tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, rasmiy hujjatlar uslubining asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1. Rasmiylik
2. Aniqlik
3. Qisqalik
4. Stereotiplash (standartlilik)
5. Mantiqiylik.

Rasmiy-idoraviy hujjatlarning eng muhim jihatlari:

- a) Rasmiy-idoraviy nutq madaniyatining o'ziga xosligi shundan iboratki, u o'z ichiga 2 xil farqli ko'rinishga ega bo'lgan normalarni oladi:

1. matnli, hujjatlar tuzishni tartibga soluvchi, uning mazmun sxemasini joylashtirish normalari;
2. hujjatning mazmun sxemasini to'ldirish uchun til materialini tanlash qonuniyatlarini tartibga soluvchi lingvistik normalar.

Rasmiy-idoraviy nutq normalarining bu ikki turini farqlash hujjat matni ustidagi aqliy mehnat bosqichlarini va yo'nalishlarini tushunishga yordam beradi: gap, rasmiy-idoraviy vaziyatning til tizimida ifodalanishi – unga mos keluvchi janrni tanlash - hujjat janriga mos keladigan matn qurilishi me'yorlarini aniqlashtirish - hujjat janri va shakliga mos keladigan lingvistik vositalarni tanlash.

- b) Hujjatlarning shakli (matnning semantik va axborot tuzilishini aks ettiruvchi sxema) uning tuzuvchisiga ma'lum bo'lgan rekvizitlarini va kompozitsion, hujjat matnining joylashuv ketma-ketligi va tartibi, tuzilishini ko'rsatadi. Bir qator hujjatlar uchun umumiy bo'lgan bir qator rekvizitlar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- Hujjatni jo'natuvchisi
- Hujjat qabul qiluvchisi
- Hujjat nomi (janri)
- Hujjat matning sarlavhasi
- Hujjatga qo'shimcha ilovalar
- Imzo
- Sana

Muayyan rekvizitlardan ixtiyoriy yoki majburiy foydalanish hujjat shakli qurilishining qat'iyiligi va ixtiyoriyligi bilan belgilanadi. Yuqorida qayd etilganlar "yozuvchi" ni hujjat matnining (unga ma'lum bo'lgan namunalar bo'yicha) tuzuvchisi sifatida tavsiflash imkonini beradi: bu matn normalari qo'llanilish rejasiga ham, til normalari rejasiga ham tegishli hisoblanadi.

- d) Tuzuvchi rasmiy-idoraviy uslub uchun xos bo'lgan an'anaviy til vositalaridan foydalanadi. Ular o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi: hujjat matnining uslubiy jihatlari (neytral, kitobiy, ifodasiz yoki emotsional bo'lmagan); leksik vositalar (leksemalar, klishalar, ko'p qo'llaniladigan iboralar); morfologik vositalar (harakat nomlaridan foydalanish, shaxsni bildiruvchi olmoshlardan foydalanmaslik tendensiyasi) sintaktik vositalar (mantiqiy munosabatlarni ifodalovchi ergash gapli va murakkab jumlar, sanab o'tishning sintaktik sxemasi).



Rasmiy-idoraviy uslub boshqa uslublardan bir qator jihatlari bilan farq qiladi. Ular orasida eng muhim jihatlari rasmiylikning muntazam saqlanib turilishi, ishlatiladigan soʻz va iboralarning aniq, bir maʼnoli boʻlishi, uzun va mujmal iboralardan iloji boricha foydalanmasdan qisqalikni saqlash, shu bilan birga mantiqiylik xususiyatlari alohida ajralib turadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык. М.: Флинта: Наука, 2002. – 381 с
2. В.В. Виноградов. Итоги обсуждения вопросов стилистики. «Вопросы языкознания», 1955, № 1, с. 220
3. И.Р.Галперин. Стилистика английского языка. М.:Высшая школа, 1998
4. Кушнарченко 2004: Кушнарченко Н. Н. Документоведение. Киев: Знания, 2004. 459 с.
5. Кушнерук 2005: Кушнерук С. П. Современный документный текст. Волгоградское научное издательство, 2005. 335 с.
6. Рахманин 1988: Рахманин Л.В. Стилистика деловой речи и редактирование служебных документов. М.: Высш. шк., 1988. 238 с.
7. Тюленев С.В. Теория перевода: Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2004 – 336с
8. Ульяновцева 2004: Ульяновцева С. Э. Составление документа: языковые нормы // Делопроизводство. 2003. № 4. 158 с.

## ТИЛШУНОСЛИКДА ЛИСОНИЙ ВАРИАТИВЛИК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ МАСАЛАСИ

**Насиров Давранбек Палванназирович,**

Тошкент шаҳри, Alfraganus университети, Филология факультети,  
Хорижий филология кафедраси ўқитувчиси  
e-mail: nosirov-d@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада модификацияга учраган лисоний бирликлар, тилда вариативлик ҳодисаси, лисоний вариативликнинг турлари ҳақида сўз юритилади. Тилнинг ўзгарувчанчилиги унинг фаолиятининг табиий қисми сифатида изоҳланади. Лисоний вариативликнинг орфоэпик вариантлар; акцент вариантлар; график вариантлар; имловий вариантлар; фонематик вариантлар; луғавий вариантлар; семантик вариантлар; сўз яшаш вариантлари; морфологик вариантлар; синтактик вариантлар; услубий ва бошқа вариантлари ажратилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Лисоний бирлик, модификация, вариативлик, лисоний вариативлик, лисоний вариативлик турлари.

Модификацияга учраган лисоний бирликлар бошланғич лисоний бирликнинг вариантларини ифодалайди. Лисоний бирликнинг вариантлари деганда “хар бир ўзаро муносабатда бўлган лисоний бирликлар” тушуниладики, қачонки “уларнинг пайдо бўлиши тилнинг ривожланиш динамикасига боғлиқ бўлса ва/ёки уларнинг ишлатилиши гапирётган шахснинг тузилган бирликлар тўпламидан тилнинг ижтимоий, маконга оид (территориал), функционал-маъновий ёки жанр-услубий вариацияланишига кўра лисоний ёки нолисоний контекстга қараб танлаганларига боғлиқ бўлса”<sup>10</sup>.

А.А. Лебедева тилнинг ўзгарувчанчилиги унинг тизим сифатидаги ўзгарувчан ва диалектик табиатининг натижасидир, деб таъкидлайди. Бу ўзгарувчанлик тил

<sup>10</sup> Ривлина А. ВИП и/или VIP? Лексическая вариативность в свете глобализации английского языка // The Handbook of World Englishes. –Wiley-Blackwell, 2014. – P. 409.



бирликларининг ҳаракатчанлигини белгилайди, яъни бир хил тил бирлиги контекст ёки қўлланиш жойига қараб ҳар хил талаффуз ёки имлога эга бўлиши мумкин<sup>11</sup>.

Биз А.А. Лебедеванинг тилнинг ўзгарувчан ва диалектик эканлиги ва вариативлик унинг фаолиятининг табиий қисми эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилаемиз. Тил доимо ривожланиш ва ўзгариш жараёнида бўлиб, унинг турли хил вариантлари ва шевалари турли жамоаларнинг маданий, ижтимоий ва тарихий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу маънода тилнинг ўзгарувчанлиги унинг бойлиги ва хилма-хиллигининг ажралмас қисмидир.

Бирок, биз вариативлик жуда кўп миқдорда кузатилиши одамлар ўртасида тушунмовчилик ва самарасиз мулоқотга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаймиз. Баъзи ҳолларда талаффуз ёки имлодаги фарқлар шу қадар муҳим бўлиши мумкинки, улар жумлаларнинг маъносини тушунишни қийинлаштириши мумкин. Шунинг учун тилнинг ўзгарувчанлиги ва унинг самарали мулоқотини таъминлашдаги роли ўртасидаги мувозанатни топиш муҳимдир.

Лисоний бирликларнинг вариантлари, умуман лисоний тизимнинг вариативлиги каби, тур ва шакллар хилма-хиллиги билан характерланади. Мисол учун, лисоний бирликларнинг вариантларининг қуйидаги турлари ажратилади: орфоэпик вариантлар; акцент вариантлар; график вариантлар; имловий вариантлар; фонематик вариантлар; луғавий вариантлар; семантик вариантлар; сўз яшаш вариантлари; морфологик вариантлар; синтактик вариантлар; услубий вариантлар ва бошқалар.

Демак, вариативлик тилнинг барча, яъни фонетик, лексик, морфем, сўз яшаш, морфологик, синтактик, услубий даражаларида намоён бўлиши мумкин:

- морфологик ва синтактик даражалар бир хил мазмунни ифодалаш учун грамматик шаклнинг ўзгарувчанлигини ёки бир хил грамматик шакл орқали мазмуннинг ўзгарувчанлигини акс эттиради;

- фонетик ва фонологик даражадаги вариативлик лингвистик ва экстралингвистик омилларга қараб маълум товушлар комплексларидан фойдаланишни акс эттиради.

Бизнинг фикримизча, тил вариантлари ижтимоий жиҳатдан шартланган бўлиб, формал ўхшашлик тамойилига кўра бирлаштириладики, бу ерда умумлаштиришнинг умумий мезони сифатида сўзлашувчи муайян тил вариантини онгли равишда танлаши ва асосий лисоний вариант сифатида қўллашни баҳолаши хизмат қилади.

Тизимли-функционал грамматика йўналиши вакиллари А.Макинтош, П.Стревенс, М.А.К. Холлидей лисоний вариативликнинг қуйидаги турларини ажратганлар:

- мулоқот иштирокчилар нутқининг лингвистик хусусиятларига асосланган вариативлик: ҳудудий, тарихий, ижтимоий диалектлар, тилнинг стандартлаштирилган ва стандартлаштирилмаган кўринишлари, тилнинг барча даражаларида, биринчи навбатда, фонетик хусусиятлари билан фарқ қиладиган идиолектлар;

- тил вариантларини қўллаш доираси ва функцияларига асосланган вариативлик. Бунда тил вариантлари бир томондан ўз лисоний шакли (лексика, грамматика ва бошқалар) жиҳатдан фарқланса, иккинчи томондан:

а) коммуникатив соҳа (сиёсат, дин, бизнес ва бошқалар);

б) идрок этиш канали (оғзаки / ёзма нутқ / нотиклик);

в) оҳанг тоналлиги (адабий – сўзлашув, расмий – норасмий, одобли – кўпол нутқ ва ҳ.к.) жиҳатдан бир биридан ажралиб туради<sup>12</sup>.

Тил ўзгарувчанлиги муаммоси бўйича тадқиқотлар таҳлили унинг қуйидаги турларини аниқлашга имкон берди:

- социолингвистик (ижтимоий-лингвистик) вариативлик – бундай ўзгарувчанлик замирида ижтимоий ўзгаришларнинг, вазиятнинг, она тилида сўзлашувчининг ижтимоий тавсифларининг тил воситаларини танлашга бўлган таъсири ётади;

<sup>11</sup> Лебедева А.А. Постоянство и вариативность как свойства языковой системы // Рема. Рема, 2014. - № 4. - С. 47.

<sup>12</sup> Halliday M.A.K., McIntosh A., Strevens P. The Linguistic Sciences and Language Teaching. – London: Longmans, 1964. – 322 s.





- дискурсив вариативлик – жанрлар, мавзулар, экспрессия, ходисалар, ахборотни узатиш усуллари каби омилларнинг тил тараққиётига таъсири;
- минтақавий вариативлик – тил ўз регионал кўринишлари, тил алоқалари, ассимиляция ва бошқаларнинг таъсирида ўзгариши;
- индивидуал вариативлик – тилдаги этник, ёш, жинс билан боғлиқ ўзгаришлар;
- вақтинчалик вариативлик – тил тараққиёти жараёнида (диахроник аспект) лисоний бирликларининг ўзгариши.

Характерли томони шундаки, ўрганилаётган ҳодиса тилнинг ҳам диахрон, ҳам синхрон жиҳатларини камраб олиши мумкин. Бошқа томондан, у ҳам адабий тилнинг ичида, ҳам унинг доирасидан ташқари намоён бўлади. Бу борада С.Н. Дубровина “замонавий лингвистика лисоний вариативликни лисоний тизимнинг тилда шакл ва мазмун жиҳатидан, синхрония ва диахронияда, барча ажратиладиган қуйи тизимлар ва бирликларга, ҳамда тизим ичидаги муносабатлар ва “тил бу ташқи дунё” муносабатларга таъсир кўрсатадиган объектив имманент хусусияти сифатида кўриб чиқади”<sup>13</sup> деб ёзади.

Демак, юқорида келтирилган мулоҳазалар асосида вариативликнинг на тилнинг тузилиши, на унинг территориал шартланганлиги, на тил мавжудлигининг вақт параметрлари билан чегараланмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дубровина С.Н. Вариативность как универсальное свойство языка // Верхневолжский филологический вестник, 2015. – № 3. – С. 44-48.
2. Лебедева А.А. Постоянство и вариативность как свойства языковой системы // Рема. Рема, 2014. - № 4. - С. 47-50.
3. Ривлина А. ВИП и/или VIP? Лексическая вариативность в свете глобализации английского языка // The Handbook of World Englishes. – Wiley-Blackwell, 2014. – P. 407-429.
4. Серебренников Б.А. Территориальная и социальная дифференциация языка // Общее языкознание: Формы существования, функции, история языка. – М.: Наука, 1972. – С. 452-501.
5. Чернова О.О. Вариативность системы современного литературного немецкого языка и национальное своеобразие лексики его австрийского варианта (на материале названий продуктов питания) // Научные ведомости. Серия «Гуманитарные науки», 2015. – № 12 (209). – Выпуск 26. – С. 84-88.
6. Halliday M.A.K., McIntosh A., Strevens P. The Linguistic Sciences and Language Teaching. – London: Longmans, 1964. – 322 s.

## ENGLISH LANGUAGE INSTRUCTION CONTEXT

**Мейлинорова Феруза Бахтиер кизи,**

Тошкент юридик техникуми

“Юристарлар учун инглиз тили” фани ўқитувчиси

feruzamahmudova030392@gmail.com

**Аннотация:** Since English is a language that is spoken and utilized as a lingua franca throughout most of the world, teaching English is a crucial part of international educational and communication [1]. Language schools, online learning environments, and classrooms are just a few of the places where English language instruction can occur.

**Калит сўзлар:** soft skills, lingua franca, social skills, collaboration.

Learning English can be difficult for non-native speakers due to its complexity and multitude of nuances. It is renowned for its erroneous spellings and grammar standards, and it

<sup>13</sup> Дубровина С.Н. Вариативность как универсальное свойство языка // Верхневолжский филологический вестник, 2015. – № 3. – С. 44.



boasts a vocabulary of over a million words [2]. But the language is also quite flexible and has a large vocabulary of borrowed terms, which contributes to its richness and diversity. English is not just useful in everyday situations but also a powerful cultural force. It continues to influence the cultural landscape and has created some of the world's most significant works of music, literature, and film. Since English is the official language of the United Nations and numerous other international organizations, it is also the language of diplomacy. English is ever changing and evolving despite its global reach. The language is always evolving, incorporating new words and expressions and adjusting to new forms of communication and technology. Because of this, English has a rich past and a promising future. It is still a lively and fascinating language [3].

Soft skills are a collection of character traits and social skills that help people communicate and work well with others. These abilities, which are essential for success in both personal and professional contexts, are frequently linked to emotional intelligence. Communication, teamwork, leadership, problem-solving, time management, flexibility, emotional intelligence, conflict resolution, and networking are a few typical instances of soft skills [4]. Employers now realize the value of soft skills, therefore having these in the workplace is becoming more and more crucial. As evidenced by several studies, soft skills frequently have a greater bearing on job performance and success than technical abilities do. Soft skills play a crucial role in facilitating effective collaboration among individuals. This is necessary for today's collaborative workplaces, where success frequently depends on teamwork and communication. Additionally helpful in resolving disputes amicably and fostering a good rapport with clients and coworkers are soft skills.

Soft skills are crucial in interpersonal contexts as well since they enable people to forge closer bonds with friends and family. For instance, having strong communication skills can assist people in resolving disputes and miscommunications, and having emotional intelligence can assist people in comprehending and reacting to the feelings of others. To sum up, soft talents are a collection of character traits and people skills that are necessary for success in both personal and professional contexts. These abilities help people manage disagreements, collaborate with others productively, and create enduring bonds. Because of this, they are playing a bigger role in both the modern workplace and society at large.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/misconception>
2. Ethnocentrism and cultural relativism. <https://open.maricopa.edu/culturepsychology/chapter/erelativism>
3. Material and non-material culture. <https://cliffnotes.com>
4. Namratha Reddy. "Economic Infrastructure – Intro, Types, Significance", May 31<sup>st</sup>, 2018. <https://www.toppr.com/bytes/economic-infrastructure>

### SHAXSIY (SUBYEKTIV) LAKUNALAR

**Shaymardanova Aziza Raimjanovna**

TerDU o'zbek tili va adabiyoti kafedrasida o'qituvchisi

**ANNOTATSIYA:** Maqolada lakuna tushunchasi, uning tasnifi hamda muloqotda shaxsiy (subyektiv) lakunarlikning namoyon bo'lishi to'g'risida fikr yuritilgan. Ichki lakuna (bo'shliq) – bu tilda tushunchani nomlovchisi yo'qligi, yoki bor bo'lsa-da, bu so'zning hamma ma'lum emasligidir.

**KALIT SO'ZLAR:** shaxsiy lakunarlik, muqobilsiz leksika, muloqot, tushunchaning ifodalanishi, bo'shliqlar.

Lakuna madaniy hodisa sifatida nafaqat mahalliy, balki global miqyosda sodir bo'ladigan madaniy jarayonlar bilan uzviy bog'liqdir [1; 86].



Agar soʻzlovchi biror bir tushunchaga ega boʻlsa-yu, uni atovchi kerakli leksemani darhol eslay olmasa, yoki umuman bilmasa, shaxsiy lakuna yuzaga keladi. Misol sifatida, quyidagi replikalarni keltirish mumkin: “iltimos, menga oʻsha narsani, anavi, nomi nima edi-ya, kirlarni ilgichni uzatib yuboring..” (прищепка yoki tor haqida gap ketayapti). Bunday holat oʻz navbatida “kiyim ilgich” (вешалка для одежды), soch turmagi uchun qistirgich, toʻqogʻichlar (невидимка, шпилька, заколка, абадок, зажим), rezina ichak (shlang)ni, oʻzga quvurga biriktiruvchi moslama (хомут), gilamning changini qoqqich (выбивалка, хлопушка), chivin oʻldirgich (хлопушка), chivin uchun yelim qogʻoz (липучка), soch olgich mashinka (bu uskuna oʻzga tillarda ham maxsus nomga ega emas: turk. – saçkesme makinesi, qoz. – shash qayshы, tat. – chech қыргыч, bel. – машинка для стрижки волос va b.), sutni suzgich va hokazo tushunchalarni ifodalashda uchrab turadi. Ayrim tushunchalarning atovchi nomga ega emasligi ham oʻz navbatida shaxsiy (subyektiv) lakunalarni yuzaga keltiradi. Bu tushunchalar kundalik va maishiy hayotimizda keng miqyosda ishlatiladi. Mas., tirnoq olgich –“0”, qosh tergich –“0” (odatda, pinset), qalam archigich – “0” (rus. точилка), qozon qirgʻich – “0”... kabilar.

Kundalik muloqotda shaxsiy lakunalar ayniqsa, bolalarda, (masalan, darslarda ogʻzaki javob berish vaqtida) keng, faol soʻz boyligiga ega boʻlmagan odamlar bilan muloqotda boʻlganlarida namoyon boʻladi. Ular: Bu haligichi..., nomi nima edi-ya... degan jummalarni ishlatganda koʻproq koʻzga tashlanadi.

Sotsiolingvistikada mavjud nazariyaga koʻra, bu holat lisoniy kodlashning ikki: yoyiq kod va yigʻiq kodlarning ikkinchisiga mos keluvchi vaziyatdir. Jumladan, ingliz olimi B.Bernsteyn taklif etgan mazkur taʼlimotga koʻra, yoyiq (elaborated) kod oʻrta sinf vakillari tomonidan qoʻllaniladi. Unga murakkab sintaksis, yaʼni boy sintaktik struktura va leksemalarning rang-barangligi xosdir.

Yigʻiq (restricted) kod quyi sinf vakillari hamda bolalar tomonidan qoʻllaniladi. Mazkur kod til vositalarini tanlashda variantlilikning cheklanganligi, ifodalarning aniq va qisqaligi, sodda gap tuzilishi, koʻpincha sintaktik jihatdan tugallanmagan gap qoliplaridan iboratligi bilan tavsiflanadi. Yigʻiq kod vaziyatida tildan foydalanish kontekstga bogʻliq, yoyiq kod sharoitida tildan foydalanish erkinroq yoki umuman nolingvistik kontekstga bogʻliq boʻlmaydi. Yigʻiq kodning egalari esa bunday imkoniyatdan mahrumdirlar [2; 312].

Shaxsiy (subyektiv) lakunalar boshqa tillardan oʻzlashib, oʻzbek tilida muqobiliga ega boʻlmagan soʻzlarda koʻproq uchraydi. Mas., chiroqni oʻchirib yoqadigan (включатель), tok uzatma kabeli (удлинитель), tok yetkazgich (розетка), toʻqish asbobi (кручок, спица)... Aksaryatining oʻzbek tilida muqobili mavjud emas. Jumladan, ingliz tilida – crayon, rus tilida – мелок, oʻzbek tilida – “0” (ayrim oʻrinlarda qalam shaklida), маркер – “0”, бирка – “0”, пружинка – “0”, светильник – “0”, винтель – “0”, кипятильник – “0”, батарейка – “0”, спирал – “0”, стакан – “0”, кружка – “0”, закрывалка – “0”, варёнка – “0” (birinchi maʼnosi: jinsi shimning turi. Ikkinchi maʼnosining ifodasida ham boʻshliq mavjud. Jumladan, oʻzbek qandolatchiligida mavjud boʻlgan варёное молоко atamasi ona tilimizda yaqin yillargacha (quyultirilgan emas) kuydirilgan sut tarzida qoʻllanilgan. Vaholanki, sutning kuyganini isteʼmol qilish zararli. Demak, bu tushunchaning oʻzbek tiliga noʻrin tarjimasini ham mavjud boʻlib, semantik jihatiga mutlaqo toʻgʻri kelmaydi), karniz – “0”, vayish – “0”, naves – “0”, probirka – “0”, lupa – “0” kabilarni ham misol qilib keltirish mumkin.

Ayrim soʻzlarning kam qoʻllanilganligi sababli ularning til tizimida mavjudligini bilmaymiz. Quyosh tushmaydigan yer soya boʻlsa, kungay – quyoshga qaragan, quyosh tik tushadigan joydir. Bu oʻrinda nutqimizda toʻxtalish holati roʻy berishi lakuna borligidan dalolatdir: Qashqatovning kungay tomonida chap qoʻlga qarab ketgan jilgʻa bor. (S.Anorboev, Oqsoy)

Shaxsiy boʻshliqlarning yuzaga kelishi esa, nutq leksikasini qandaydir toʻldirishga ehtiyoj sezishdir. “Biroq, shaxs ismini eslay olmaslik bilan bogʻliq holatlarni subyektiv lakunalarga misol qilib boʻlmaydi, zero antroponimlar oʻz-oʻzidan mustaqil maʼno tashuvchilar hisoblanmaydi”[3; 355]. Masalan, baʼzilar adresant nomini bir muddatga yoddan chiqargan boʻlsalar, “Nimajon, qarab yuboring” singari vaziyatdan chiqishga harakat qiladilar va bu oʻzbek lingvomadaniyatida tinglovchiga nisbatan behurmatlik sanalmaydi. Negaki oʻzbek millati azaldan serfarzand oilalari



bilan mashhurlik topgan va ko'p bolali muhitda farzandlarning ismini unutib qo'yish tabiiy holat sanalgan. Bu kabi o'rinlarda ota-onalar, yaqin qarindoshlar farzandlarga nisbatan nima, nimajon deya murojaat qiladilar.

Demak, subyektiv lakunalar boshqa lakuna guruhlariga qaraganda ijtimoiy xoslangan, lingvomadaniy belgilariga ko'ra birmuncha farq qiladi. Tafakkurdagi har bir tushunchaning alohida nomlanmaganligi, ya'ni leksik lakunalarning mavjudligi, til egalari uchun muloqotda har doim noqulayliklar tug'diradi. Vaholanki, til ichida bunday bo'shliqlar juda ham ko'p uchraydi. Nafaqat nomi bor tushunchalar, balki nomi mavjud bo'lmagan tushunchalar ham biror bir holatdan darak berishi mumkin. Uni "qoplash" esa talab va ehtiyojga bog'liqdir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Дашидоржиева Б.В.Лакуна как объект культурологического знания//Вестник ЧитГУ № 10 (77) 2011. – С. 86.
2. Кожемякина В.А., Колесник Н.Г., Крючкова Т.Б. Словарь социолингвистических терминов. – М.: ИЯРАН, 2006. – 312 с.
3. Махмараймова Ш.Т. Hozirgi o'zbek tili (Leksikologiya). O'quv qo'llanma. – Toshkent: Firdavs-Shoh, 2021. –B.355.

### O'ZBEKISTON VA GERMANIYA TA'LIM TIZIMIDAGI O'XSHASH VA FARQLI TOMONLARI HAMDA ULAR YUZASIDAN FIKRLAR

**Ahmadova Azimaxon Behzod qizi**

Farg'ona Davlat universiteti akademik litseyi o'quvchisi  
akhmadovaazima627@gmail.com

#### Annontatsiya

Ushbu maqolada O'zbekiston va Germaniya ta'lim tizimidagi o'xshash va farqli tomonlari haqida fikr yuritilgan va O'zbekiston ta'lim tizimiga qo'shimcha qo'shish maqsadida yangi g'oyalar aytib o'tilgan. Qolaversa, O'zbekiston ta'lim tizimini rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan say-harakatlar va hamkorliklar haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lim tizimi, maktablar, Hochschule, Ausbildung, "Bilimlarni baholash agentligi", oliy ta'lim.

### SIMILARITIES AND DIFFERENCES IN THE EDUCATION SYSTEMS OF UZBEKISTAN AND GERMANY AND OPINIONS ABOUT THEM

#### Annontation

This article discusses the similarities and differences between the educational system of Uzbekistan and Germany, and new ideas are mentioned to add to the educational system of Uzbekistan. In addition, information was provided about the efforts and cooperation in the development of the education system of Uzbekistan.

**Key words:** Educational system, schools, Hochschule, Ausbildung, "Knowledge Assessment Agency", higher education.

Hozirgi kunda rivojlangan va jadallashgan zamonda yashayapmiz va vaqt o'tgan sari barcha narsalar o'zgarib boryapti hamda bularda hamisha e'tibor qaratish zarur. Masalan, kelajagimiz poydevori, mana shu kunning ertasi hisoblangan yosh avlodni bilim, aql-zakovat, tarbiya maskani bo'lgan maktablarga ham yuksak e'tibor qaratilmoqda. Hammamizga ma'lumki, har bir davlatning ichki qonun-qoidalari bo'lganidek, o'zining ta'lim tizimi ham mavjud. Hozirgi davrda rivojlangan davlatlardan biri bo'lgan Germaniyada ta'lim tizimi qanday? Bizning jannatmakon



O'zbekistonimizdagi o'quv jarayonlaridan qanday farqli tomonlari bor? Aynan mana shular bo'yicha hozir fikr yuritamiz.

Bolalarni ilk bora yozishga, chizishga, o'qitishga o'rgatadigan maskan bu maktab va ularni o'qitishda jonini ham fido qiluvchi mehribon ustozlar hisoblanadilar. O'zbekistonda majburiy ta'lim asosida yetti yoshdan maktablarga o'quvchilarni qabul qilish boshlanadi. Germaniyada esa, Grundschule<sup>14</sup> uchun qabul olti yoshdan deb belgilangan. Har ikki davlatning konstitutsiyasida belgilanganidek, barcha ta'lim olish huquqiga ega hisoblanadi. Undan keyingi qadam esa, O'zbekistonda 9 yillik ta'limni davom ettirish uchun xohishga ko'ra ana shu maktabda yoki boshqa maktablarda o'qishni davom ettirish imkoniyatiga ega. Germaniyada esa eng oson o'qish maskani hisoblangan Hauptschule<sup>15</sup>da 9-sinfgacha o'qishlari mumkin. Yoki Realschule<sup>16</sup> o'quvchilari esa, 10-sinfdan so'ng kasbga yo'naltirish bo'yicha maktablarda<sup>17</sup> yoki o'zining maktabida o'qish imkoniyatiga ega. O'zbekistonda 9-sinfdan so'ng o'zining maktabida qolish yoki ixtiyoriy akademik litsey, pedagogik kollejlarning o'quvchilari bo'lishlari mumkin. Bu o'quv muassasalariga "Bilimlarni baholash agentligi" tomonidan imtihon asosida qabul qilinadi. Bu yerda ular maktabdagi 10- va 11- sinf hisobida ta'lim olishlari mumkin. O'zbekistonda majburiy maktab ta'limi 11 yillik hisoblanadi.<sup>18</sup> Germaniyani oladigan bo'lsak, u yerda 13 yillik ta'lim tizimi o'rnatilgan.<sup>19</sup> Maktablardan keyingi bosqich bu- Oliy ta'lim. Mana shu ikki davlatlarda ham Universitetlarda imtihon asosida qabul qilinadi. Lekin Germaniyadagi Gymnasium<sup>20</sup> bitiruvchilari to'g'ridan-to'g'ri Hochschule<sup>21</sup>ning talabasi bo'lishi mumkin. Har ikkila davlatning maktablarida o'qish mutloqo bepul va o'quv muassasalaridagi moddiy jihatdan kamchiliklar davlat tomonidan soliqlardan to'lab beriladi. Germaniyada ham, O'zbekistonda ham xususiy maktablar mavjud va bular bilan birga ma'lum bir miqdorda to'lovlari ham. Germaniyada to'qqiz foiz o'quvchilar xususiy maktablarda ta'lim olishdadi va oylik to'lovlari ota-onalari tomonidan to'lanadi.<sup>22</sup>

Aslini olganda, har bir davlatni rivojlantiruvchi insonlar bu- malakali kadrlar hisoblanadi. Bunday malakali kadrlar oliy o'quv yurtlaridan yetishib chiqadi. Ikki mamlakatda ham chet ellik insonlar o'qish imkoniyatlarim ham bor. Bundan tashqari, Germaniyada DAAD-stipendiyasi mavjud. U har bir yo'nalish bo'yicha, har tomondan mahoratli, bilimli bo'lgan o'quvchilarga beriladi.<sup>23</sup> O'zbekistonda ota-onasi harbiy sohada ishlaydigan bolalar uchun to'plangan ballning ma'lum bir foizi beriladi.<sup>24</sup> Yana, Davlat mukofotiga sazavor bo'lgan abitruyentlar imtoyozdan foydalangan holda davlat granti asosida talabalikka tavsiya etiladi.<sup>25</sup>

Qolaversa, O'zbekiston va Germaniya o'rtasida ta'lim rivojlantirish bo'yicha islohotlar olib borilmoqda. Misol uchun, GIZning O'zbekistondagi elchilari tomonidan loyihalar tashkillangan. O'zbekistonga yangi loyiha sifatida Germaniyadagi Berufsausbildung loyahasini tashkillanganda, ko'pchilik uchun foydali bo'lgan bo'lar edi. Masalan, Germaniyadagi Realschulelardagi 10-sinf bitiruvchilari Berufsausbildungda ham o'qib, ham ishlab tanlagan kasbining mutaxassisi bo'lib yetishishlafi mumkin. Bunda oliy ta'limdan farqli o'laroq, Ausbildung uchun 3 yil vaqt talab etiladi. Bu vaqt davomida o'quvchilar loy o'qib, o'rgangan narsalarini loy ishlab mustahkamlashi mumkin. Bu bilan birgalikda Berufsausbildung o'quvchilari pul ishlab topish imkoniyatini qo'lga kiritadilar. Bu loyiha aynan Germaniya fuqarolari uchungina emas, balki chet el fuqarolari uchun ham bunda o'qish mumkin hisoblanadi. Faqatgina birgina narsa talab qilinadi, bu ham bo'lsa nemis

<sup>14</sup> Boshlang'ich maktab

<sup>15</sup> O'rta maktab

<sup>16</sup> Maktab

<sup>17</sup> Berufsausbildung

<sup>18</sup> <http://uz.wikipedia.org>

<sup>19</sup> <http://www.deutschland.de>

<sup>20</sup> Gimnaziya

<sup>21</sup> Oliy o'quv yurtlari

<sup>22</sup> [www.deutschland.de](http://www.deutschland.de)

<sup>23</sup> <http://daad.de>

<sup>24</sup> <http://oliygoh.uz>

<sup>25</sup> <http://prezident.uz>



tilini kamida B1 darajada bilish. Shu “Kasb-hunar maktab”lari tashkillansa nur ustiga a’lo nur bo’lar edi.

Mana shu o’qishdan kelib chiqqan holda, o’zbek o’quvchilari orasida 2023-yilning iyul oyida Toshkentda bo’lib o’tgan “Kasbga yo’naltirish” loyihasi bo’lib o’tdi. Unda qatnashchilar o’zlari qiziqqan kasbni tanlash bo’yicha seminar bo’lin o’tdi. Bularning barchasi O’zbekiston yoshlarining o’sib-rivojlanishiga sabab bo’ladi. Ausbildung loyihasi Germaniya uchun judayam ko’plab foyda keltiradi. Eng asosiy sabablaridan biri, Germaniyada ishchi kuchi kamligi sababli Ausbildung bitiruvchilari unga malakali bir kadr bo’lib xizmat qiladi. Bitiruvchilar uchun esa bir kasbning mutaxassisi bo’lish imkonini yaratadi.

Abdulla Avloniy :”Tabiya biz uchun yo hayot-yo mamot, yo najot-yo halokat, yo saodat-yo falokat masalasidir”-deb bejizga aytilmaganlar. Shunday ekan, yoshlar o’zlarini uylaridanoq tarbiya olishni boshlaydilar, ustozlari esa, ularni mustahkamlashga zamin yaratadilar. Bu gaplardan shuni aytmoqchimanki, ta’lim va tarbiya har yerda hamnafas bo’lib kelgan. Shunday ekan, yosh avlod kichkinaligidan o’qib-o’rganib jonajon O’zbekistonimizning ravnaqi uchun ulkan xissa qo’shishi kerak deb hisoblayman.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. [www.deutschland.de](http://www.deutschland.de)
2. <http://daad.de>
3. <http://uz.wikipedia.org>
4. <http://prezident.uz>
5. <http://prezident.uz>



XIX ASR BUXORO ADABIY MUHITINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Ravshanova Kumush

Buxoro davlat universiteti

Filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada XIX asr Buxoro adabiy muhiti, mang'itlar hukmronligi davrida madaniy ahvol qay darajada bo'lganligi va XIX asr Buxoro adabiy muhitining o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Buxoro, muhaddis, adabiy muhit, zullisonaynlik, madrasa, Somiy.

Asrlar davomida sharif Buxoroning ijtimoiy-siyosiy hayotida ilohiy-irfoniy g'oyalar yetakchi mavqeda turgan. Buyuk muhaddislar, faqihlar-u mutasavviflar shu zaminda tug'ilib, voyaga yetganlar, islom dini va tariqat ravnaqiga o'zlarining katta hissalarini qo'shganlar. XIX asrda Buxoro adabiy muhitida adabiyotning mavzu va g'oyalar olami kengaydi. Odobga, islomiy axloqqa da'vat, ezgulikni, olijanoblikni ulug'lash fazilat sifatida talqin qilish, el-u yurtga muhabbat kabi mavzular asosiy o'rinni egalladi.

Adabiyotshunos olim I. Adizova XVI–XIX asr Buxoro “adabiy muhitida yaratilgan asarlarini kuzatar ekanmiz, ularda diniy tushunchalarning faolligini ko'ramiz”,-deydi – “Dunyoviylik esa ular zamirida yuzaga chiqadi”. Bu adabiy muhitda Alisher Navoiy, Fuzuliy, Bedil, Hofiz kabi donishmand shoirlarimiz an'analari davom ettirilganligi, mavzu, g'oya va janrlar takomillashtirilganligi, g'azal, muxammas, ta'rix, qit'a, masnaviy kabi an'anaviy janrlarning yangi qirralari kashf etilganligi va yangi zamonaviy fikrlar bilan boyitilganligini qayd etadi.

Haqiqatdan ham, musulmon olamining barcha go'shalaridan ilohiyot bilimlarini o'rganish maqsadida Buxoroga kelishardi. Madrasada ular arab alifbosi va yozuvini, Qur'onning tafsirini va diniy bilimlar – huquqshunoslik va tarixdan ozroq miqdorda ta'lim olishar edi. Ma'lumotlarga qaraganda, XIX asrning o'rtalarida Buxoroda madrasa talabalari soni to'qqiz mingdan o'n ming nafargacha yetar edi. Buxoro O'rta Osiyoning ma'rifat markazi hisoblangan. Bu yerga Xiva, Qo'qon, Hisor, Samarqand va boshqa ko'plab viloyatlardan talabalar kelib o'qishgan. Tarixdan ma'lumki, azaldan Buxoro ilm-fan va san'at, she'riyat va musiqa markazi sanalgan. Bu davrda Buxoroda juda ko'p ijodkorlar faoliyat yuritishgan, Biz ulardan ayrimlari haqida mulohaza yuritsak.

O'sha davr taraqqiyparvar doiralari g'oyalarini yorqin ifodalagan ajoyib o'zbek shoiri va mutafakkiri **Ahmad Donish** (Ahmad maxdum)dir. U Buxoroda yashagan va ijod qilgan. Uning "Navodir ul-vaqoe" (Nodir voqealar) va "Buxoroyi sharif mang'it amirlari muxtasar tarixi" asarlari uzoq asrlardan beri qaror topgan tartibotga qarshi yo'naltirilgan edi. Ahmad Donish o'sha davrda O'rta Osiyo xalqlari ilg'or ijtimoiy fikrining e'tiborli vakillaridan biri bo'lib, u tabib, shoir, musiqachi, rassom, munajjim, olim va xattot bo'lgan. Ahmad Donish ma'rifatparvarlik harakati asoschisi hamdir. U o'z mamlakatidagi siyosiy ishlarga faol aralashuvchi tarixchi sifatida o'z asarida Buxoroning mang'it amirlari hukmronligi tarixini keskin va shafqatsiz satira ostiga oladi. "Risolayi tarixiya" yoki "Tarixi saltanati xonadoni mang'itiya" asarida shoir ko'pgina tarixiy voqealarni yangicha yoritgan.

Ahmad Donish asarlarida jamiyatni mavjud qonun va davlat tartibini takomillashtirish yo'li bilan odil podshohning qo'li bilan qaytadan ko'chirish mumkin deb hisoblardi. Ijodkor asarlarida o'qish va bilim egallashga da'vat kabi g'oyalar aks ettirilgan.

Mirza Abduazim Somiy buxorolik mashhur tarixshunos olim va shoir. Tarix sohasida ham bir qancha qimmatli asarlar yozgan. Bundan tashqari bir nechta adabiy asarlar ham yozgan. Bularga "Dahmayi shohon" ("Shohlar qabristoni") masnaviysi, "Insho", "Tuhfayi shohiy" shular jumlasidandir. Somiy asarlarida o'z fikrlarini erkin bayon etgan. Yozuvchi Buxoro amirligining



mang'itlar hukmronlik qilgan davrini tanqidiy nuqtayi nazardan baholaydi. Xalqning jabr va zulmlar qurshovida qolib ketganligidan qattiq afsus chekadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Buxoroda XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida o'ziga xos madaniy hayot vujudga kelgan. Mang'itlar hukmronligi davrida madaniy ahvol birmuncha yaxshilangan bo'lishiga qaramasdan, o'zaro ichki nizolar xalqning qiynalishiga sabab bo'layotgan edi. XIX asr Buxoro adabiy muhitining o'ziga xos xususiyatlaridan biri sifatida bu davrda qalam tebratgan shoirlarning deyarli hammasining ijodida zullisonaynlikning yorqin namunalarini ko'rishimiz mumkin. O'sha davr adabiy muhitining muhim jihati shundaki, Buxoro amirligida ilm-fan namoyandalariga nisbatan shafqatsiz munosabatda bo'lingani, yetarli shart-sharoit yaratilmaganligiga qaramasdan, shoir va yozuvchilar hurlik va erkni tarannum etib, serqirra ijod namunalarini bizga meros qoldirganlar.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mo'minov I. "O'zbekiston ijtimoiy-falsafiy tafakkuri tarixidan". Toshkent, 1964-yil
2. Ahmedov B. "Buxoriylar bo'stoni". Toshkent, 1998-yil





## ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

**Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович,**  
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик  
тадқиқотлар институти мустақил тадқиқотчиси,  
ayubxon1988@gmail.com,

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада мамлакатимизда статистика тизимини ривожлантириб боришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни тўлиқ ёритиб берилган, шунингдек ушбу тизимни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** статистика, рақамли иқтисодиёт, идора, маълумотлар, статистик ахборот, йиғиш.

Мамлакатимизда кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишида миллий статистика тизимининг асосий вазифаси бўлиб жамиятнинг статистик ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ, аниқ, илмий асосланган ва ўз вақтида тақдим қилинадиган расмий статистика билан қондириш ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳозирги кунда давлат статистикасини юритишда бир қатор муаммолар ҳам бор бўлиб, улар статистика фаолиятини самарали ташкил қилишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда ва уни янада такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Маъмурий статистикани йиғиш бўйича идоралар томонидан статистика фаолияти ҳажмининг ортиб бориши, маълумот-ларни йиғиш ва қайта ишлаш учун турли услубиётнинг қўлланиши, турли ахборот тизимларидан фойдаланиши бир қатор салбий оқибатларга олиб олиб келиши мумкин, жумладан:

респондентларга ҳисобот юкининг ортиб бориши ва бир хил маълумотларни бир неча марта йиғилиши натижасида бюджет воситаларини самарасиз ҳаражат қилиш;

номланиши бўйича бир-бирига жудаям яқин бўлган умумлаштирилган кўрсаткичлар сонининг ортиб бориши, лекин уларни йиғиш ва қайта ишлаш услубиётининг ўзаро фарқланиши;

бир хил кўрсаткичларни турли ҳисобот шакллари учун бир неча марта ҳисоб-китоб қилишлари билан боғлиқ бўлган респондентлар меҳнат ҳаражатларининг ортиб бориши;

йиғилаётган статистик маълумотлар сифатининг пасайиши.

Статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услубиётининг ягона кўринишда юритилмаслиги ва метамалумотларнинг ягона тизимининг йўқлиги, респондентлардан маълумотларни йиғиш технологиясининг турличалиги маълум бир объектив муаммоларни туғдиради. Бундан ташқари давалт статистикасидаги мавжуд ахборот инфратузилма доирасида юқоридаги муаммоларга дуч келиш мумкин. Бирламчи маълумотларни кераклигидан кўра кўп ҳажмда йиғиш муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, улар статистика дастурларини бажариш учун умуман керак бўлмаслиги ҳам мумкиндир. Шундай қилиб, респондентлардан қабул қилиб олиннадиган бирламчи статистик маълумотларнинг миқдори ва сифати умумлаштирилган статистик ахборотларни шакллантириш учун оптимал кўринишда бўлмаслиги мумкин. Натижада бундай бирламчи статистик маълумотлардан фойдаланиш даражаси жудаям паст бўлиб, статистика дастурларини бажаришда ёки таҳлилий статистик ахборотларни шакллантиришда ҳам фойдаланиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай ҳолат вужудга келмоқдаки, унда фойдаланувчиларга умумлаштирилган статистик ахборотлар тақ-дим қилиниб, уларни олиш жараёнлари катта ҳаражатларни талаб қилиб, улардан турли мақсадларда фойдаланиш учун



имкониятлар чеклангандир. Бирламчи статистик ахборотларнинг йўқотилиши улардан бошқа турдаги статистик ахборотларни шакллантиришда фойдаланишни чеклаб қўяди, жумладан таҳлилий ахборотларни ҳам ишлаб чиқишда улардан фойдаланиб бўлмайди. Ҳозирги кунда расмий статистик ахборотлар аввалом бор давлат ва республика бошқарув органлари талабларини қондиришга йўналтирилгандир. Шу билан биргаликда, аниқ, илмий асосланган ва ўз вақтидаги расмий статистик ахборотларга бўлган жамиятнинг талаблари тўлиқ ҳолда қониқтирилмаяпти, жумладан ушбу талабларнинг тезкорлик билан ўзгариб туриши натижасида. Ҳозирги кунда республикамиз статистика тизимида маълумотларни йиғиш ананавий ёндашувлар, яъни электрон ёки айрим ҳолларда қоғоз кўринишида амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан биргаликда, рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кенг кириб келиши ва рақамли форматдаги ахборотлар ҳажмининг жиддий ортиб бориши, статистик кузатувлар шакллари асосида маълумотларни йиғишдан альтернатив манбалардан фойдаланиш учун замин яратиб бермоқда, жумладан респондентларнинг ҳисоб тизимидан бирламчи статистик маълумотлар ягона базасига маълумотларни узатишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 октябрь 2020 йилда қабул қилинган 6079-сонли ““Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этиш ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараён-ларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомилларни ва операция жараёнларни рақамлаштириш, фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда аҳоли пунктларида давлат хизматларидан фойдаланишнинг кафолатланганлигини таъминлаш ва идоралараро электрон ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштириш масалалари ҳам долзарб қилиб белгилаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда статистика фаолиятига рақамли технологияларни кенг қўламда жорий қилиш давлат статистика ҳисоботларини топширувчи субъектларга ҳисобот юklarини камайтиришга, бизнес учун янги қулайликларни яратишга замин яратиб боради. Бу борада истиқболда статистика рақамли платформасини (СРП) лойиҳалаштириш ва статистика амалиётига кенг жорий қилиш керак бўлади. Ушбу платформага диссертациянинг олдинги бобларида келтирилган статистикнинг автоматлаштирилган иш ўринлари, давлат статистика ҳисоботларини қабул қилувчи статистика ахборот тизими ва “Статистика” интеграциялашган ахборот тизими ҳам жойлаштирилади. Бундан ташқари, ушбу платформага бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳам интеграция қилиниши мумкин бўлиб, бу бирламчи статистик маълумотларни йиғиш учун сарфланадиган ҳаражатлар миқдорини камайтиришга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.
2. Jean P. Unstructured Data Analytics: How to Improve Customer Acquisition, Customer Retention, and Fraud Detection and Prevention. Wiley. – 2018. P. 432.
3. Jordan T., The Digital Economy. Polity. – 2020. P. 204.
4. Исаев, Г. Н. Информационные системы в экономике / Г.Н. Исаев. - М.: Омега-Л, 2018. - 464 с.
5. Джанадилов Ш.Ў. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация тех-нологияларини жорий этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича



фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси - Тошкент.: ТДИУ, 2018, - 149 бет.

6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти.

## СТАТИСТИКА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИ БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович,**

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти мустақил тадқиқотчиси,  
[ayubxon1988@gmail.com](mailto:ayubxon1988@gmail.com),

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада статистика интеграциялашган ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш масалалари тўлиқ ёритиб берилган, шунингдек ушбу тизимни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** статистика, рақамли иқтисодиёт, интеграция, ахборот тизимлари, статистик ахборот, йиғиш.

Бугунги кунда, миллий статистика тизимининг устувор вазифаларидан бири - мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақидаги тўлиқ, ишончли ва илмий асосланган статистик ахборотларни ўз вақтида расмий статистикадан фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳисобланади.


Ушбу вазифаларни амалга оширишда юқори самарадорликка эришишни миллий статистика тизимини АКТеиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда фаолиятга илғор АКТни жорий этиш, статистик жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 мартдаги “Давлат бош-қарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғриси-да”ги ПҚ-4273-сон қарори миллий статистика тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ушбу Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Қўмитанинг янгиланган расмий веб-сайтида “Расмий статистика” рўқни ишга туширилиб, бугунги кунда унда 25 та бўлимда 250 дан зиёд маълумотлар тўпламлари ёрдамида 2,0 миллиондан зиёд статистик кўрсаткичларни 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз) фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилишига эришилмоқда. Расмий статистика субъектлари ва статистик ахборот истеъмолчилари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш технологияси 1-расмда тасвирланган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Қўмилада танланма статистик кузатувларни планшет қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш учун 12 та ахборот тизимлари ишлаб чиқилган ва Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилган. Лойиҳа доирасида бозор нархи, хизматлар, транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасидаги барча кузатув маълумотларини мобил қурилмалар (планшетлар) ёрдамида тўплаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган.

Статистик ҳисоботларни Интернет орқали топширишга мўлжалланган eStat - 4.0 ахборот тизими ишга туширилган. Мазкур ахборот тизимида ҳисоботларни онлайн мантикий назорат механизми жорий этилиши натижасида ҳисоботларни шакллантириш ва юборишга кетадиган вақт 10 баробар қисқартирилмоқда.



**1-расм. Расмий статистика субъектлари ва статистик ахборот истеъмолчилари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш технологияси.**

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси ва бошқа вазирлик ҳамда ташкилотлар ўртасида ўзаро ахборотлар алмашиш йўлга қўйилган бўлиб, аммо статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнлари ягона интеграллашган тизимда ташкил этилмаганлиги боис бир қатор муаммолар кузатилмоқда, яъни:

1. Вазирлик ва идоралар, ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасида статистик маълумотлар алмашишда турли технологик ечимлардан фойдаланилганлиги сабабли ягона маълумотлар базасини шакллантириш мумкин эмас.

2. Ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органларига онлайн режимида маълумотларни жадвал, диаграмма, инфографика ва бошқа визуал тасвирлаш усулларида фойдаланган ҳолда тақдим этиш имконияти мавжуд эмас.

3. Маълумотларни респондентлардан йиғиш кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида республика, вилоят ва туман даражасида амалга ошириладиган бўлсада, фойдаланувчиларга қайта ишланган статистик маълумотларни тақдим этишда ортикча меҳнат ва вақт сарфи мавжуд.

4. Давлат статистика қўмитаси томонидан иқтисодий-ижтимоий статистик кўрсаткичларни шакллантиришда зарур маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси каби бир қатор вазирлик ва идоралар билан ўзаро маълумотлар алмашмоқда. Ушбу маълумотлар алмашиш жараёни маълумотлар пакетларини қўлда ўтказиш ёки электрон почта орқали амалга оширилмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

8. Jean P. Unstructured Data Analytics: How to Improve Customer Acquisition, Customer Retention, and Fraud Detection and Prevention. Wiley. – 2018. P. 432.

9. Jordan T., The Digital Economy. Polity. – 2020. P. 204.

10. Исаев, Г. Н. Информационные системы в экономике / Г.Н. Исаев. - М.: Омега-Л, 2018. - 464 с.

11. Джанадилов Ш.Ў. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация тех-нологияларини жорий этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси - Тошкент.: ТДИУ,



2018, - 149 бет.

12. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти.



## ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ TASHKILOTLARIDA TA'LIMIY O'YINLAR VA ULARNING BOLA HAYOTIDAGI ROLI

Ahatova Gulnora

To'raqo'rg'on tuman 12-DMTT tarbiyachisi

**Annotatsiya:** maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotida bolalar hayotida o'yinning o'ziga xos yo'llari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Maktabgacha, o'yin, bolalar, didaktik o'yin.

Ta'limiy o'yinlar ta'limiy o'yin sifatida bolalarning yosh xususiyatlariga mos keladigan o'yinlar sirasiga kiradi. Didaktik o'yinlarning muhim belgisi undagi qoidalarning mavjudligidir. O'yinda o'yin maqsadi, o'yin qoidalari, o'yin harakatlari o'rtasida uzviy aloqa mavjud. O'yin maqsadi o'yin harakatlarining tabiatini belgilaydi. O'yin qoidasi esa, o'yin harakatlarini, vazifasini hal etishga va o'yindagi harakatlarni amalga oshirishga yordam beradi.

Ta'limiy o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o'yinlarda bolaning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O'yin qoidasiga rioya qilish, unga amal qilish o'yin mazmunini boyitadi.

Ta'limiy o'yinlarda tabiiy narsa va buyumlardan keng foydalaniladi.

Bolaning kun tartibida ta'limiy o'yin uchu n vaqt va joy ajratilishi kerak.

Bunday o'yinlar mashg'ulot jarayonida va o'yindan tashqari vaqtlarda guruh yoki yakka-yakka o'tkaziladi. Bunda o'yin mazmuni va natijasi puxta aniqlanadi.

Ta'limiy o'yinlarda quyidagi qoidalarga amal qilinishi kerak:

1. Navbatma-navbat ta'sir etish.
2. So'ralganda javob berish.
3. O'rtoqlari fikrini eshita olish.
4. O'yin jarayonida boshqalarga xalaqit bermaslik.
5. O'yin qoidasini bajarish.
6. O'z xatosini tan olish.

Bolaning butun hayoti o'yin bilan chambarchas bog'liqdir. Bola qanchalik kichik bo'lsa, unga o'yinlar uchun shuncha ko'p vaqt berish lozim.

Kichkintoylar hali mustaqil o'ynashni bilmaydilar, ularda turmush tajribasi hamda o'yinchoqlar bilan o'ynash tajribasi hali juda oz. Bir yil mobaynida ularga o'sishning, xususan o'yin faoliyatidan o'sishning katta yo'lini bosib o'tishga to'g'ri keladi, bunda kattalarning tarbiyaviy ta'sir kursatishi hal qiluvchi rol o'ynaydi. O'yinda bolalarning kattalar bilan munosabati ham katta ahamiyatga egadir.

Pedagog bolalar o'yiniga rahbarlik qilayotib, amalga oshirilishi zarur bo'lgan tarbiyaviy vazifalarni yaqqol tasavvur qilishi lozim. Bolalarda tetik, quvnoq kayfiyat, faol xatti-harakat tug'dirish; bolalarni o'yinchoqlar bilan o'ynashga va ularni ehtiyot qilishga, o'yinchoqlarning chiroyliligini sezishga o'rgatish; birgalikda o'ynash konikma va malakalari, birgalikda bolishga intilish, hamdardlik, bir-birlariga yaxshi munosabatda bo'lishni tarbiyalash juda muhimdir. O'yin proqessida tarbiyachi bolalar nutqini o'stiradi, narsalarning atalishi, nimalarga va qanday ishlatilishi bilan, ayrim belgilari bilan tanishtiradi, tevarak-atrof (bolalarga yaqin va tushunarli bo'lgan tevarak-atrof) haqidagi tasavvurlarini aniqlaydi va mustahkamlaydi, har narsani bilishga qiziqish tarbiyalaydi Tarbiyachi biror narsa ko'rayotib, nima qimoqchi ekanini gapirib turadi: "Hozir tepacha yasaymiz... Kattarok kubikni qo'yib, unga taxtachani qiyalatib qo'yamiz. Saida, menga taxtachani berib yubor. Doskachani mana bunday qo'yamiz. Endi mashina tepachadan g'izillab



tushadi”. Agar bolaning o`zi biror narsa ko`rayotgan bo`lsa, uni rag`batlantirish, undan nima qurayotganligini so`rash, qurayotgan narsasining tasvirlamoqchi bo`lgan narsasiga o`xshashligini toptirish muhimdir. Zarur bo`lgan holda, qurilgan narsada qanday kamchiligi borligini aytib berish lozim. Masalan, «Qurgan o`yingning tomi qani?», «Tomi bo`lmasa, yomg`ir yoqqanda hamma yoq-ho`l bo`lib ketadi-ku!» va shu kabilarni aytish bilan bolani ishdagn kamchiliklarni tuzatishga yullab turishi lozim. Pedagoglar bolalarning tajriba va qiziqishlarini hisobga olib, ularni yangi o`yinlarga jalb qiladilar. Dastavval o`yin tanlash va uning mazmunini o`stirish tashabbuskori tarbiyachi bo`ladi; masalan, bir necha bolaga o`zining doktor bo`lishini, qo`g`irchoq-bolalarni davolashini aytadi.

Bolalar qo`g`irchoqlarini tarbiyachining oldiga olib keladilar, tarbiyachi esa doktor bo`lib bir necha protsedurani bajaradi, bolalar bilan gaplashadi. Mana, tarbiyachi oldindan bir necha taxtacha tayyorlab qo`yib, oddiy samalyot yasab beradi. Bir necha bola taxtalarni to`g`ri qo`yishda, ya`ni “samalyot qurishda” yordam beradi. Samalyot tayyor bo`ldi, tarbiyachi hamma bolalarni samalyotda uchishga taklif etadi. Bolalar taklifni quvonch bilan qabul qiladilar; tarbiyachi bolalarga tanish bo`lgan:

Qarang qanday chiroyli,  
Biz yasadik samalyot.  
O`tiringiz bolalar,  
Uyimizga uchaylik.

she`rini aytganda, ularning quvonchlariga quvonch qo`shiladi.

Bolalar tarbiyachiga ergashib she`rning ayrim so`zlarini quvonib takrorlaydilar. Agar tarbiyachining fikri bilan vujudga kelgan o`yindan bolalar xursand bo`lib, zavq bilan o`ynasalar, bu o`yinga o`zlarining ham biror-bir fikrlarini (samalyotga qo`g`irchoqlari bilan chiqadilar, ular bilan gaplashadilar, samalyotdan tushadilar, yana chiqadilar va h.k) qo`shsalar, demak, tarbiyachi bolalarning his-tuyg`ularini qo`zg`ata olgan, o`zining taklifi bilan ularning mustaqilligini bo`g`ib qo`ymagan bo`ladi.

Bolalarning individual va birgalashib o`ynaydigan kunlarida badiiy so`z, ashula aytib turish juda foydalidir, chunki bunda bolaning ijobiy emotsional holati yanada yaxshilanadi, uning nutqi o`sadi, uncha murakkab bo`lmagan ashulalarni aytish malakasi ortadi. Masalan, o`yinchoq-ot ustida kichik bola o`tiribdi. Tarbiyachi kulib:

Bor mening bir toychog`im	Minsam sakraydi kukka,
Ko`zi tiyrak munchog`im.	Irg`ishlab dikka-dikka.
Sevgan adash — o`rtorim.	Chux desam tordan tikka
Yaqin qilar yirog`im.	Uchib o`tar chaqmog`im. deydi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

- 1.“Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo`yiladigan Davlat talablari” Toshkent-2018 yil
- 2.Nishonova Z.T., Alimova G.K. Bolalar psixologiyasi va psixodiagnostikasi T.: TDPU 2017.

## OLIV TA`LIM MUASSASALARIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA NUTQ FAOLİYATI TURLARINI INTEGRATSIYALASHTIRIB O`QITISH SHAKL VA METODLARI

**Bekberganova Munira Shokir qizi**

TATU, O`zbek tili va ijtimoiy fanlar kafedrası o`qituvchisi

#### Annotasiya

Ushbu maqolada oliy ta`lim muassasalarida ta`lim olayotgan talabalarni tayyorlashda nutq faoliyatining tinglab tushunish, gapirish, o`qish va yozish turlarini integratsiyalashtirib o`qitish orqali ularning kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirishning samarali usul va metodlari



yoritildi. Ingliz tili mashg'ulotlarida nutq faoliyatining to'rtala turini barobar egallash qiyinchiliklari va imkoniyatlari ko'rib chiqildi.

**Kalit so'zlar:** integratsiya, kommunikativ kompetentlik, language-based learning, task-based learning.

Jahonda globallashtirish natijasida yuzaga kelgan axborot-malumotlardan o'z sohasi doirasida keng miqyosda foydalanish ehtiyoji chet tillarida kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishga bo'lgan ehtiyojni yanada kuchaytirdi. AQSH, Angliya, Germaniya, Ispaniya, Rossiya, Hindiston, Koreya kabi jahonning rivojlangan mamlakatlarida turli soha mutaxassislarining xorijiy tillarda o'z kasbiy sohalarida erkin muloqot yurita olish, bo'lajak chet tillari mutaxassislarining kommunikativ: tinglab tushunish, gapirish, o'qish va yozish malakalarini mukammal rivojlantirish, language-based learning (til asosida o'rganish), task-based learning (vazifa asosida o'rganish), content-based learning (matn asosida o'rganish) va project-based learning (loyiha asosida o'rganish) masalalari bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borish muhim ahamiyat kasb etadi.

Integrativ yondashuv kompetensiya, kompetentlik tushunchalari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, kommunikativ kompetensiyani rivojlantirishning muhim omili sifatida ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Kompetensiyaviy yondashuv egallangan bilim, ko'nikma, malakalarni amalda qo'llash layoqatini shakllantirishni bildirsam, integrative yondashuv esa soha yuzasidan egallangan bilim, ko'nikma, malakalarni birgalikda, aloqadorlikda qo'llashni anglatadi. Ingliz tilini integrative yondashuv asosida o'qitishni tashkil etish fanlararo aloqalarni kuchaytirishga, talabalarning turli fanlardan kerakli ma'lumotlarni olish va mavzularga oid axborotlarni to'plash, ulardan nutqiy vaziyatga mos holda foydalanish kompetensiyasini shakllantirishga ko'mak beradi.

Nutq faoliyati tinglab tushunish, gapirish, o'qish va yozish jarayonlaridan iborat bo'lib, tilshunoslikda nutq tilning mahsuli sifatida, psixologiyada nutq jarayonining fiziologik nutq mexanizmlari sifatida tadqiq etiladi.

Tillarni o'qitishda gapirishning uzviy qismi deb qarab kelingan tinglab tushunish parallel jarayonlar bo'lib, ular o'zaro uzviy bog'liq va bir-birini to'ldirib turadi. Tinglab tushunishdagi asosiy qiyinchiliklardan biri bu lingvistik qiyinchiliklar bo'lib, ularni bartaraf etishda o'qish va yozishni integratsiyalashtirib o'tish muhim hisoblanadi. Tinglash va tushunish bir paytda sodir bo'ladigan jarayon bo'lib, mazmunni anglab olishda tinglovchi leksik va grammatik bilimlarga ega bo'lishi talab etiladi, ushbu bilimlar esa o'qish va yozish orqali sodir bo'ladi. O'qish faoliyati axborot-malumot olish, so'z boyligini ko'paytirib borishda katta ahamiyatga ega bo'lib, o'qish va yozish orqali egallangan bilimlardan talaba tinglab tushunish va gapirishda samarali foydalanadi.

Chet til mutaxassisligi bo'yicha ta'lim olayotgan filolog talabalarning nutq faoliyatining 4 turini mukammal egallashlari ularning kasbiy kompetentligi uchun juda muhim. Filologik OTMlardatil mashg'ulotlari shunday tashkil etilishi kerakki, dars jarayonida har bir talaba o'qisin, yozsin, gapirsin, aslyatda berilgan matnlarni tinglab tushunsin. Bularni e'tiborga olib, tadqiqot jarayonida nutq faoliyati turlarini integratsiyalashtirib o'qitishning didaktik va metodik ta'minoti ishlab chiqildi. Metodik ta'minot turli xil mavzu bo'yicha nutq faoliyati turlari integratsiyasini ta'minlaydi. 1-, 2-bosqich talabalari uchun nutq faoliyati turlari bo'yicha didaktik ta'minot esa o'qituvchi-talaba va dars uchun ishlab chiqilgan bo'lib, u talabalarda motivatsiyani uyg'otishdan iborat.

Maqolada nutq faoliyati turlarini integratsiyalashning birinchi va ikkinchi bosqich uchun qo'llaniladigan mashqlar turlari aniqlandi. Tadqiqot davomida nutq faoliyati turlarini integratsiyalashning birinchi bosqichida nutq faoliyatida ko'nikma va malakalarni shakllantirishga yo'naltirilgan retseptiv, reproduktiv, produktiv mashqlardan foydalanishni, ikkinchi bosqichida esa til ko'nikmalari dinamikasidan kelib chiqib, nutq faoliyati turlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan situativ-kommunikativ, ijodiy va integrativ mashqlar tizimini qo'llash tavsiya etildi.

Nutq faoliyati turlariga integrativ yondashuv kommunikativ kompetensiyani tezlashtirishga va rivojlantirishga yordam beradi. Bu jarayonda o'qituvchilardan ham, talabalardan ham yuqori interfaol bo'lish talab etiladi. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun «Yo'naltiruvchi intervyu»





(Guided interview), «Hikoyani qisqartirish» (Shrinking story), «Optimistlar va pessimistlar» (Optimists and pessimists), «Yakka, juft va jamoa bo'lib o'yla va baham ko'rish» (Think individual, pair, group and share), «A dan Z gacha» (From A to Z), «Rolli o'yinlar» (Role plays), «Muammoni top» (Find the problem) kabi mashqlar tavsiya qilingan va ulardan foydalanish yo'llari ko'rsatilgan.

Xulosa qilib aytganda chet tillarni, xususan, ingliz tilini o'qitishda nutq faoliyati turlarini integratsiyalashtirib o'qitishning 1- va 2- bosqich uchun mashq va topshiriqlar qo'llashni, bunda birinchi bosqich uchun retseptiv, reproduktiv, produktiv mashqlardan, ikkinchi bosqich uchun esa situativ - kommunikativ, ijodiy va integrativ mashqlardan foydalanish maqsadga muvofiq. Ushbu mashqlar birinchi bosqich talabalari tomonidan mashg'ulot davomida nutq faoliyatining tinglab tushunish, gapirish, o'qish va yozish turlarini teng darajada qo'llashga qaratilishi, ikkinchi bosqichda har bir autentik materialni o'zlashtirishda nutq faoliyati turlarining barchasidan foydalanishga yo'naltirilishi ko'zda tutiladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Gulyamova M.X. Useful subskills and techniques of developing reading // O'zMU xabarlar. – Toshkent, 2015. – №1/4. – B. 272-274.
2. Gulyamova M.X. Ingliz tili darslarida bilim, ko'nikma va malakalar integratsiyasi // Berdaq nomidagi Qoraqolpoq davlat universitetining axborotnomasi–Nukus, 2017. – № 3 (36). – B.60-62.
3. Рузметов, Х. К., & Сапаева, Д. Н. (2016). Жорж Дюруа: феномен "Милого друга". Молодой ученый, (17), 555-557.
4. Shodlik, S., & Narbayevna, S. D. (2023). STENTING OF THE CORONARY ARTERIES: PROBLEMS AND PROSPECTS. Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, 1(6), 57-59.
5. Izatullayevna.I.I.Xorijiy tillarni o'qitish sohasida zamonaviy yondashuv: tuzilishi, maqsadi va vazifalari. – Toshkent.:2022.

## CAQIRIQQACHA HARBIY TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA KASBIY MOTIVATSIYANI SHAKLLANTIRISH.

**Nurulloyev Ruslan Roziq o'g'li**

BuxDPI Harbiy ta'lim fakulteti 3-bosqich talabasi.  
nurulloyevruslan2021@gmail.com

**Annotatsiya:** Maqola talabalarining o'quv va jangovor faoliyati jarayonida ma'naviy, axloqiy, jismoniy sifat jihatdan samarali natijaga erishishi, guruhdagi o'zaro munosabatlar kishilar xulq-atvoriga ta'sir ko'rsatishi, talabani o'z ofitseriga bo'lgan ichki sub'ektiv munosabati unda harbiy xizmatga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

**Tayanch tushunchalar:** tenologiya, pedagog, mahorat, motivatsiya, malaka, bilim, ko'nikma, shijoatli mutaxassis.

Davlat mustaqilligi va hududiy yaxlitligini ta'minlash Qurolli Kuchlarning asosiy vazifasi ekanligini hisobga olsak, ofitserlarni tayyorlash va harbiy ta'lim tizimini takomillashtirish muammosi dunyoning barcha mamlakatlarida dolzarbdir. Harbiy ta'lim tashkil etilganidan buyon doimo olimlar va amaliyotchilar, turli bilim sohalari, ijtimoiy sohalar va davlat idoralari xodimlarining diqqatini tortgan. Ko'pchilik tomonidan harbiy ta'lim armiyaning va umuman davlat kelajagiga ta'sir qiluvchi, ya'ni jamiyat rivoji, global jarayonlar, harbiy rivojlanishga yo'nalish beruvchi omillardan biri hisoblanadi. Ushbu e'tibor harbiy ta'lim har doim Qurolli Kuchlarning yuqori jangovar qobiliyati va jangovar tayyorgarligini ta'minlaganligi bilan bog'liq.

Shaxsning motiv doirasi uning ehtiyojlarida, irodaviy sifatlarida va vazifaviy imkoniyatlarida o'z aksini topadi. Motivning tadqiqot tarixidan kelib, unga yondashsak, bu holda u



insonlar hayoti va faoliyatini ruhiy jihatdan boshqaruvchisi sifatida talqinidan iborat o'ziga xos turidir.

Guruh talabalari har doim jamoa muhitida bo'ladilar. Shuning uchun ham shaxslararo munosabatlar aniq bir tizimga solingan bo'lib, ular harbiy nizomlar bilan tartibga solib turiladi. Talabalar o'rtasidagi munosabatlar quyidagi shakllarda bo'ladi: Ta'limga oid, ta'limdan tashqari (maishiy) va shaxsiy munosabatlar.

Ta'limga oid munosabatlar xizmatni o'tashda, amaliy mashg'ulotlarda va kundalik hayotda nihoyatda zarur bo'lib, har bir kishidan eng avvalo jangovar, xizmatga va mehnatga oid, ijtimoiy-siyosiy majburiyatlarni so'zsiz bajarishni taqozo etadi. Ushbu o'zaro munosabatlar harbiy jamoaning tashkiliy tuzilishida rasman mustahkamlab qo'yilgan. Bundan tashqari ular harbiy nizom, buyruq, qoida va qo'llanmalarda bayon etilgan bo'ladi.

O'zaro munosabatlar tizimi jamoadagi rahbarlik usullariga, ijtimoiy-psixologik muhitga, an'analarga, harbiy intizomga va shaxsiy tarkibning o'z vazifalariga bo'lgan munosabatlariga ta'sir ko'rsatadi. Ushbu sanab o'tilgan omillar esa jamoaning rivojlanganlik darajasini belgilaydi.

Ma'lumki, harbiy guruhlardagi o'zaro munosabatlar umumharbiy nizomlar va axloq me'yorlari bilan tartibga solib turiladi. O'zaro hurmat, jangovar o'rtoqlik, jamoatchilik ishlarida faol ishtirok etish, har qanday sharoitda ham o'rtoqlariga yordam berishga intilish kabilar harbiy nizomlarga asoslangan o'zaro munosabatlarga xos.

Ofitserlar va talabalar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar yakkaboshchilik, turli yoshdagi harbiy xizmatchilar o'rtasidagi munosabatlarda ma'lum masofani saqlash, o'zaro hurmat va boshliqlarning obro'si kabi tamoyillarga asoslanadi. Boshliq va komandirlarga so'zsiz bo'ysunish harbiy xizmatchi shaxsini yerga urmaydi. Chunki, ularning qiziqishlari o'zaro mos keladi, ular bir maqsad, Vatan himoyasi uchun xizmat qiladilar. Jamoada harbiy nizomlarga asoslangan o'zaro munosabatlarni shakllantirish ko'p jihatdan askarlarning jamoaga moslashuviga, ularning muloqot usullariga va ruhiy jihatdan qanchalik mosliklariga bog'liq bo'ladi. Ushbu ko'rsatkichlarni bilgan holda guruhdagi o'zaro munosabatlarni boshqarish mumkin.

Qiziqish shaxsning muhim psixologik jabhalaridan biri hisoblanib, unda talabaning individual xususiyati bevosita mujassamlashadi. Qiziqishning psixologik mohiyatidan kelib chiqqan holda yondashilganda, qiziqish, insonda intilish, faollik, ichki turtki, ehtiyojni ro'yobga chiqarish manbai rolini bajaradi.

Jamoa kayfiyati, jamoa a'zolarida u yoki bu hodisaga nisbatan paydo bo'ladigan hissiyotlar majmuasi. Jamoa kayfiyati juda katta ta'sir kuchiga ega bo'lib, talabalar xulq-atvori va faoliyatining motivi hisoblanadi.

Darhaqiqat jamoa kayfiyatining ba'zi turlari (ishtiyoq, muvaffaqiyatga bo'lgan ishonch, ko'tarinki kayfiyat) uning muvaffaqiyatiga omil bo'lsa, boshqalari (yomon kayfiyat, o'z kuchiga ishonmaslik, zerikish, xafalik va norozilik) esa aksincha, jamoaning imkoniyatlarini pasaytiradi.

Bundan tashqari harbiy jamoalar o'ziga xos an'analarga ega bo'ladilar. Jamoaning o'ziga xos biron bir xususiyatini vaqt o'tishi bilan saqlab qolish hodisasiga an'ana deyiladi.

Shunday qilib, ofitser-o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi ijobiy munosabat xizmatni osonlashtirib, uni sevimli mashg'ulotga aylantiradi. Bu esa talabalarda kerakli jangovar sifatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Ta'lim vaqtida ham, ta'limdan tashqari holatlarda ham o'ziga xos his-tuyg'ularga, irodaviy sifatlarga, tafakkur va dunyoqarashga ega bo'lgan insonlar o'zaro munosabatlarga kirishadilar. Bu esa talabalar o'rtasidagi munosabatlarning chuqur ruhiy-emosional mazmunga ega ekanligidan dalolat beradi. Guruhdagi motivatsiya talabalar xulq-atvoriga juda kuchli ta'sir ko'rsatadi. Talabaning o'z ofitseriga bo'lgan ichki sub'ektiv munosabati unda harbiy xizmatga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'oziyev E.G'. Umumiy psixologiya.-T:Universitet, 2002.-B.137.
2. Raximov F.B. Harbiy psixologiya va pedagogika asoslari Darslik.-B.;Umid, 2022.-151 b.
3. Uzoqov A.M. Harbiy psixologiya va pedagogika O'quv qo'llanma.-B.;Kamolot, 2022.-131 b.
4. Nasriddinov Ch.R. Harbiy psixologiya. O'quv qo'llanma T.;Fan, 2004.-123 b.



## МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALAR XAYOTIDA O'YINNING ROLI

Umarova Muxayyo

Uychi tuman 30-MTT tarbiyachisi.

**Annotatsiya:** maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotida bolalarga o'yinning turlari va foydali xususiyatlari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Maktabgacha, o'yinlar, bolalar mehnati, tabiat, predmetli o'yinlar.

**O'yin.** Tabiatning oddiy hodisa va tasavvurlarini kengaytirish maqsadida o'tkaziladigan kuzatishlar bilan bir qatorda xilma-xil o'yinlardan keng foydalaniladi. Bu o'yinlarda bolalar sezuvchanlik tajribasini orttiradilar, egallagan bilimlarini ijodiy o'zlashtiradilar. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda didaktik, harakatli va ijodiy o'yinlardan foydalaniladi.

**Didaktik o'yinlar.** Didaktik o'yinlarda bolalar o'zlarida tabiatdagi narsa va hodisalar, xayvonlar va o'simliklar haqida mavjud bo'lgan bilimlarni aniqlaydilar, mustahkamlaydilar, kengaytiradilar. Ko'pgina o'yinlar bolalarni umumlashtirish hamda turkumlashga o'rgatadi.

Didaktik o'yinlar xotira, diqqat, kuzatuvchanlikning o'sishiga yordam beradi, yangi sharoitlarda bolalarni mavjud bilimlaridan foydalanishga o'rgatadi, turli aqliy jarayonlarni faollashtiradi, lug'atni boyitadi, bolalarda birgalikda o'ynash ko'nikmasini tarbiyalashga yordam beradi. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda predmetli, stol-bosma va og'zaki didaktik o'yinlardan foydalaniladi.

Predmetli o'yinlar — barglar, urug'lar, gullar, mevalar, sabzavotlar bilan o'ynaladigan «Ajoyib qopcha», «Mevalar va ildizlar», «Bu butoqda kimning bolakaylari» va shu kabi o'yinlardir. Bu o'yinlar yordamida bolalar faol muloqotda bo'ladigan predmetlarning xususiyat hamda belgilari haqidagi tasavvurlari aniqlanib boyitiladi. Predmetli o'yinlar, ayniqsa kichik va o'rta yoshli guruhlarda keng qo'llaniladi. Bu o'yinlar bolalarga tabiat jismlarining o'zidan foydalanish, ularni qiyoslash, hamda ularda sodir bo'ladigan ayrim tashqi belgilaridagi o'zgarishlarni qilish imkonini beradi. Predmetli o'yinlar barcha yoshda guruhlarining biroz murakkablashtirilgan bilimlarini kengaytirish tafakkurlarini kuchaytirish hamda harakatlarini rivojlantirish o'z ichiga oladi.

Stol-bosma o'yinlari — «Yilning to'rt fasli», «Kichkintoylar», «Mevalar», «O'simliklar», «Barglarni terib ol», OKuft rasmlar va shu kabilardir. Bu o'yinlar bolalarning o'simliklar, xayvonlar jonsiz tabiat hodisalari haqidagi bilimlarini o'zlashtirish, aytilayotgan so'zga qarab predmetni tasvirlash ko'nikmasini shakllantirishga yordam beradi. O'yin so'z bilan birgalikda olib boriladi so'z yoki rasm idrok etilishidan oldin keladi yoki o'yin bilan uyg'unlashib ketadi. Bunday o'yinlar ozchilik bolalar bilan o'tkaziladi.

Og'zaki o'yinlar («U nima uchun uchadi, yuguradi, sakraydi», «Suvda, havoda, yerda», «Kerak-kerak emas» va shu kabilar) hech qanday jihoz talab qilinmasligi tufayli juda maqbuldir. Ular u yoki bu predmetlarning vazifalari hamda harakatlari haqidagi bilimlarni mustahkamlash, umumlashtirish va bir tizimga solish maqsadida o'ynaladi. Bu o'yinlar diqqatni, zehnni, qabul qilish tezligini, ravon nutqni rivojlantiradi.

Tabiatga oid o'yinlarni o'rganish barcha didaktik o'yinlar uchun umumiy bo'lgan qoidalar bo'yicha amalga oshiriladi. Kichik yosh guruhlarda dastlabki bosqichlarda tarbiyachi o'yinni bolalar bilan birga o'ynaydi, o'yin davomida u bir qoidani aytib, uni shu zahotiyiq tadbiq qiladi. Takroriy o'yinda esa qo'shimcha qoidalarni aytadi. Ikkinchi bosqichda tarbiyachi o'yinda faol qatnashmaydi, chetdan rahbarlik qilib, o'yinni boshqarib turadi. Uchinchi bosqichda bolalar mustaqil o'ynaydilar.

O'rta yosh guruhdan boshlab o'yinga o'rgatish usuli o'zgaradi. Avval tarbiyachi o'yinning mazmunini aytib, oldindan 1—2 ta muhim qoidani ajratib ko'rsatadi. O'yin davomida u bu qoidalarni yana bir bor ta'kidlaydi. O'yin harakatlarini ko'rsatadi, qo'shimcha qoidalarni beradi. Keyingi bosqichda bolalar mustaqil o'ynaydilar. Tarbiyachi o'yinni kuzatib turadi, xatolarni



to'g'rilaydi, nizolarni bartaraf qiladi. O'yinga qiziqish susaygan vaqtda tarbiyachi o'yinning boshqa turlarini taklif qiladi.

O'yin mashqlari va o'yin-mashg'ulotlar. Aytib o'tilgan o'yinlardan tashqari bolalar bilan bo'ladigan ish jarayonida ko'pincha o'yin mashqlaridan («Bargiga qarab daraxtni top», «Ta'midan bilib ol», «Xuddi shunga o'xshash gulni top», «Sariq bargni olib kel» va boshqalar) foydalaniladi. O'yin mashqlari narsa va hodisalarni sifati hamda xususiyatiga ko'ra farqlashga o'rgatadi, kuzatuvchanlikni o'stiradi.

Bu o'yinlar butun guruh bolalari bilan yoki ularning bir qismi bilan o'tkaziladi. O'yin mashqlari kichik va o'rta guruhlarda alohida ahamiyatga egadir.

Didaktik o'yin-mashg'ulotlar «Ajoyib qopcha», «Gul magazini» kabi o'yinlarni o'z ichiga oladi. Ular ma'lum mazmunga ega bo'lib, o'yinmashg'ulotlarga qiziqarlilik kiritadi. Bunda o'qitish o'yin qoidalari, harakatlari orqali bevosita olib boriladi. O'yin-mashg'ulotlardan kichik va o'rta guruhlarda foydalaniladi, katta guruhlarda esa ular mashg'ulotning bir qismini tashkil etadi.

Harakatli o'yinlar. Tabiatshunoslik xarakteridagi harakatli o'yinlar xayvonlarning hatti-harakati, ularning hayot tarziga taqlid qilish bilan bog'liq bo'lib, ba'zilarida jonsiz tabiat hodisalarini aks ettiradi. Bu «Ona tovuq va jo'jalar», «Mushuk va sichqonlar», «Kuyosh va yomg'ir» va shu kabi o'yinlardir.

Ijodiy o'yinlar. O'yinda bolalar mashg'ulot, ekskursiya, kundalik hayot jarayonida olingan taassurotlarni aks ettiradilar (parrandachilik fabrikasi, issiqxona va shu kabilardagi ishlar), ular haqidagi bilimlarni egallaydilar, bunda ularda mehnatga ijodiy munosabat shakllanib, kattalarning tabiatdagi mehnatlarining ahamiyatini anglab oladilar.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari. T., 2018 y.
2. Ziyomuhamedov B. Ekologiya va ma'naviyat. T.: «Mehnat» nashriyoti, 1997.

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИ МОХИР УСТАСИ ЭТИБ ТАЙЁРЛАШ

Абдувахабова Дилором Абдувахабовна

Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат

саломатлиги техникуми «Педиатрия»

фани олий тоифали ўқитувчиси, кафедра мудири

**АННОТАЦИЯ:** Ўқимишли кишининг маънавий олами эътиборга молик бўлиб, у нисбатан бой, унинг ҳаёти эса фақат моддий фаровонлик билангина чекланиб қолмайди. Мазкур мақола мамлакатимизда профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини ўз касбини мохир устаси этиб тайёрлашда ёрдам беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** педагогик-психологик, индивидуал-психофизиологик

Жамият учун ҳар бир шахснинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиши, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириши учун имконият яратилиши катта аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Ўқимишли кишининг маънавий олами эътиборга молик бўлиб, у нисбатан бой, унинг ҳаёти эса фақат моддий фаровонлик билангина чекланиб қолмайди. Бу ҳол мавжуд давлат, мамлакат аҳолисининг ақлий салоҳиятини янада ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш, асосан, бугунги ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу



билан бирга мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, устозлар, олимлар ва умуман, барчанинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Бу борада ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек: Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлиги, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлиги ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир. Таълим тизимидаги янгиланишлар, аввало, замонавий касб-хунарларнинг эркин рақобатида сифат кўрсаткичларни таъминлашга қаратилган. Шунга биноан, республикамизда олий ва профессионал таълимни ривожлантириш йўлида йирик ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, профессионал таълим тизимида катта ютуқларга эришилди, бу бежиз эмас, албатта.

Тиббиётга йўналтирилган тиббиёт техникумларда ўқувчилар турли хил

касбларнинг илмий-амалий асосларини, профессионаллик даражасида зарур касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Ўқувчиларда касбий шаклланиш жараёнининг дастлабки ва айна дамда ўта муҳим босқичи бўлажак касб ва меҳнатни танлаш, яъни аниқ бир касбий қарорга келишгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мантиқан, бу давр профессионал таълим бошлагунга қадар ўз ниҳоясига етган бўлиши керак. борадаги тасаввурлари шаклланиб улгурган бўлмоғи даркор.

Бугунги кунга келиб, ёшларнинг касб-хунар танлашда тайёргарлик даражаси фақатгина ёш хусусиятига боғлиқ эмас, у маълум ёшга келиб ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди ҳам. Ёшларни касб-хунар эгаллашга педагогик-психологик усуллар, жамиятнинг умумий таъсири орқали тайёрлаш, тарбиялаш лозим.

Профессионал таълим ўқувчиларини мутахассисликка тайёрлаш жараёнида уларнинг ота-оналари таълим муассасасидан доимо хабардор бўлишлари, улар шахсий мулоҳазаларга эга бўлишлари керак.

Жамият ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқ муаммоларнинг энг долзарби бу кадрлар масаласидир. Чунки жамиятни идора этишнинг янги муносабатлари механизми ва усуллари тамомила бошқача тус олган ҳолда ўзига хос мураккаблашиб боради. Бу долзарб муаммони ҳар жиҳатдан пухта ва мукамал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишидан қатъи назар энг зарур ва масъулиятли вазифалардан бирига айланиши объектив қонуниятдир. Келтирилган фикр-мулоҳазалардан хулоса шундан иборатки, ривожланаётган шахснинг яқин келажакда маълум бир касб ёки фаолиятга йўналганлигини таъмин этувчи муҳим индивидуал-психофизиологик ва психологик хусусиятлари мажмуаси унинг касбий мувофиқлигини ташкил этади. Ўқувчиларнинг ўз касбий йўналганлик хислатларини чуқур тушунган ҳолда фаол изланиб, бўлажак касб-корини тўғри танлашларига имкон берувчи ички бир англанилган салоҳият мажмуаси эса касбни эгаллашга тайёргарлик даражасини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб саналади. Ўқувчи-ёшларнинг касбий шаклланишида касбий йўналганлик ва касб танлашга тайёрлик хислатлари биргалиқда, бир бутун ҳолда ривожланиб, бир-бирини тақозо этган ҳолда такомиллашиб боради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Профессионал таълим инновацион тизимнинг асоси Т-2022 М.Мукимов
2. Профессионал таълим тизимни махсус фанларни уқитишда инновацион платформалардан фойдаланиш Т-2021 Зияев.И



**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎҚИТИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ**

**Нусратова Дилором Ўктам қизи**  
Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми  
«Терапия» фани ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги кунда дунёда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устиворлик кучайиб бормоқда. Ушбу мақола илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида фойдаланишига ёрдам беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** иқтисодий ва ижтимоий соҳа, моделлаштирувчи дастурлар, локал ва глобал тармок

Электрон ҳисоблаш машиналарининг дастлабки авлодлари пайдо бўлиши билан педагогика соҳасида янги бир йўналиш – ўқитишнинг компьютер технологиялари соҳаси пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда дунёда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устиворлик кучайиб бормоқда. Уларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилади. Маълумки, ҳозирги кунда инсон фаолиятининг турли соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг, хусусан, компьютер технологияларининг кириб келиши, деярли барча соҳаларда эришилаётган ютуқларнинг тезлашиши ва сифат жиҳатидан такомиллашишига олиб келмоқда. Бундай соҳалардан бири бу албатта таълим соҳасидир. Таълим соҳасида бу технологиялардан самарали фойдаланишнинг бир омили – бу компьютерли ўргатувчи тизимлардир.

Ҳозирги вақтга келиб эса, ўргатувчи дастурларни яратиш учун жуда катта имкониятлар пайдо бўлди. Замонавий техник воситалар (компьютерлар, уларнинг кўшимча қурилмалари), уларнинг ранг-баранг дастурий таъминотлари фикримизнинг исботидир.

Ахборот коммуникатция технологиялари дарсларида компьютер ўргатувчи тизимлардан фойланиш компьютер сабоқларини самарали ўзлаштиришда хизмат қилади.

**Ишнинг мақсади:**

Ахборот-коммуникатция технологияларини тиббиёт ходимларига ўқитиш самарадорлигини оширишда компьютер ўргатувчи тизимлардан фойдаланиш.

**Ишнинг вазифаси:**

Тиббиёт ходимларини шуғуллантирувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан таништириш.

Тиббиёт ходимларига моделлаштирувчи дастурлар туғрисида тушунча бериш.

Бунда, назарий билимлар олдиндан эгалланган деб ҳисобланади. Бу дастурлар тингловчиларга тасодиқий кетма-кетликда савол ва масалалар таклиф қилади ҳамда берилган масалалар ечимининг тўғри ёки нотўғрилиги сонини ҳисоблайди.

Компьютер ўргатувчи дастурларини яратишда турли фан соҳалари, айниқса техника фанларини ўқитиш бўйича бир неча минглаб мутахассис-педагоглар жалб қилинди. Улар томонидан яратилаётган ўргатувчи дастурлар, уларнинг амалий тажрибасига таяниб, маълум фанни компьютер ёрдамида ўқитишга асосланган эди. Ўргатувчи тизимлар, ўқитишнинг бошқа техник воситаларидан қандай хусусиятлари билан фарқланади?:

**-ўқув гуруҳ аъзоларининг барчасини алоҳида ёки ўзаро боғланган (локал ва глобал тармок) компьютерларида ишлай олиш имкониятининг мавжудлиги;**



-юкори даражадаги график, матн, видео ва мултимедиа элементларидан фойдалана олиш имконияти;

-компьютерда қулай ва барча тушунадиган бошқариш тизимининг мавжудлиги;

Компьютерли ўргатувчи дастурлар тузиш бўйича шу кунгача умумий педагогик-психологик мезонлар, яъни қонуният ва принциплар ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамасдан, шахсий компьютерларнинг конструктив ва функционал имкониятларидан келиб чиқиб, турли ўргатувчи тизимлар яратилмоқда. Шунингдек, компьютер технологияларини турли фан

соҳаларини ўқитишга қўллаш, таълим тизимида янги ахборот технологияларининг асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Ўргатувчи тизимлар ёрдамида ўрта тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ва ихтисослаштиришда дарс жараёнларини ташкил этиш педагогик-психологик жиҳатдан эришилиши мумкин бўлган имкониятлари:

-ўқув жараёнини фаоллаштириш;

-ўқитишни индивидуаллаштириш;

-ўқув материалларини кўргазмали-электрон намойиш қилиш;

-бир вақтнинг ўзида назарий тушунчаларни амалиёт билан боғлаш;

-катта ҳажмдаги маълумотларни, яъни курсларни қисқа вақт мобайнида ўқитиш имконияти мавжудлиги;

-тингловчиларни таълим олишга бўлган қизиқишини ошириш;

Жавоб шундай: Компьютерни ўқитиш мақсадида фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, бунинг учун аввало, ўргатувчи дастурларни танлаш ҳамда уни қўллаш шаклларини ташкил қилиш лозим.

Ўрта тиббиёт ходимларини ўқитишда ахборот коммуникация технологиялари дарсларида компьютерли ўргатувчи дастурлардан фойдаланган ҳолда ўқув дарсларини ташкил этиш компьютер саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т. 2021 й

2. Таълим ва тиббиёт 2021 №2

3. «Навоий пресс» газетаси №17 2022й

## КИТОБ-ИНСОННИ МАЪНАВИЙ БОЙИТИБ, МАЪРИФИЙ КАМОЛОТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Отабоева Назокат Исмаиловна

Карши Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми «Терапия» фани ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Профессional таълим тизимида таълим олаётган ёш авлодни китобга бўлган меҳрини оширишдир.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Китобхонлик, интеллектуал ўсиш, педагогик муоммо

Китобхонлик инсонни маънавий бойитиб, уни маърифий камолот сари етаклайди. Зеро, инсонни шахс сифатида шаклланиши маънавий тафаккур илдизининг қанчалик чуқур ва мустаҳкамлигига боғлиқ. Бу мустаҳкамлик эса китоб ўқиш, ўқиган китобининг энг муҳим нуқтасини илғаб олишидан иборатдир. Китоб ёш авлодга таъсир этишнинг энг қулай воситасидир, у инсон ҳис-туйғуси, ахлоқи, ҳатти-ҳаракати, дунёқарашига таъсир этади, айниқса ўсмирлар ёшида, яъни унинг шаклланиш даврида алоҳида мавқега эга. Бадий



адабиёт турли фанларга доир қизиқарли китоб, луғат, маълумотлар болалар маънавиятини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бола улғайиб бораркан, уларда физиологик ўзгаришлар юз беради, бу эса болаларнинг ўқиш фаолиятида, атрофдагилар билан муносабатида ҳам акс эта боради. Улар мактабда ўқишни бошлаганларида ота-оналар билан бир қаторда ўқитувчи ҳам таъсир этиши мумкин. Агар ўқитувчи болаларда ишонч руҳини сингдира олса, бу унинг ғалабасидир. Китобхонлик ана шу ишонч туйғусини уйғотувчи муҳим восита. Китобхонлик болаларнинг бошқа ўқув фанларини ўзлаштиришидагина эмас, умуман шахс сифатида шаклланишига, бутун маънавий қиёфасини ўзгартиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиши керак. Бунда оддийдан мураккабликка, яъни боланинг камолот даражасига мос китобларни танлаш қўл келади. Шарқ мутафаккирларнинг тажрибасига кўра, китобхон (бола, ўсмир) қайси мавзуга қизиқса шу мавзудаги китобни тақдим этиш керак. У китоб ўқишга кўникма ҳосил қилгач, аста-секин унга ихтисослашадиган китоблар тақдим қилиб борилади. Ота-онанинг бола, ўсмирда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилишдаги илк вазифаси китоб танлаб беришдир. Унинг савиясига мос бўлган адабиётларни кенг тарғиб қилиш ўсмирларни жамиятнинг муносиб фуқораси, мустақил давлатимизнинг етук, баркамол инсонлари бўлиб етишиши ва маънавиятининг юксаклиги билан жамиятга, оиласига фойда келтиришга олиб келади.

Китоб танлашда ўсмирнинг маънавий даражасига таяниш унинг интеллектуал ўсишига олиб келади. Китоб танлашда боланинг ёш хусусиятининг ҳисобга олиш унинг рационал ўсишига олиб келса, маънавий даражасини ҳисобга олиш эса интеллектуал ривожлантиради. Бу эса рационалликдан кўра кенг қамровли ва самаралидир. Шунинг учун бутун оилада китобхонлик руҳи бўлиши керак. Бунда оилада китобга бўлган муносабат катта роль ўйнайди. Оилада китобхонлик руҳи булса, бу бевосита бола руҳиятига ҳам таъсир қилади.

Маълумки, ўсмирнинг уй ёки мактабдаги ҳаёти ҳар қанча қизиқарли бўлганда ҳам агар у китоб ўқимаган ва унда китобга меҳр уйғонмаган бўлса, унинг ана шу ёш даври кемтик бўлиб қолади ва бу кемтикликнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдира олмайди. Бунинг икки асосий сабаби бор: биринчиси, ўсмирлик даври бола ҳаётида энг беқарор давр бўлиб, уни барқарорлаштириш учун китобхонликка ўргатиш муҳим восита саналади.

Иккинчиси, ўсмирлик даврида унинг ҳис-туйғулари шунчалик кучли бўладики, китобдан олган таъсуротлари унинг кейинчалик ҳаёт тарзини белгилашига, шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Чунки китоблар уни ҳис этишга, яхшидан ёмонни ажратишга ёрдам беради. Ўсмирнинг келгусида ҳаёт тақдирини ҳал этишга, бир умрлик мақсадини белгилашга ёрдам беради.

Оилада болалар китобхонлигини тарбиялаш муҳим педагогик муоммо бўлиб, шахс маънавиятини шакллантиришда асосий воситалардан ҳисобланади. Хозирги мустақиллик шароитида бунинг моҳияти янада кучайиб, болаларнинг ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаб олиши, ижтимоий турмуш хусусиятларини тушуниши, ҳаётда ўзига тўғри йўл топа оладиган ақл-заковатли инсон бўлиб етишиши учун доимий ва узлуксиз ташкил этишни талаб этади. Оила китобхонлиги, одатда, маҳалла китобхонлиги билан қўшилиб кетган. Натижада оила абадийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни авайлаб асрайдиган ва бу билан келажак авлодлар давомийлигига таъсир кўрсатадиган тарбия воситаси бўлиб ҳисобланган.

Китоб тавсия этишда асарларнинг болаларга маъқуллиги, ёзувчи ва шоирлар, илмий-оммабоп адабиётларга бўлган қизиқишлари, китобни ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан баҳолай олиши, бола танлаган китоб уни фикр-туйғуларини ўзгартира олиши, китобдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳисобга олиниши оилада китобхонликни самарали ташкил этиш гаровидир.





**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Китобхон Т-2021 й
2. Таълим ва тиббиёт 2021 №2
3. Навоий пресс» газетаси №14 2022й

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ТЎГРИСИДАГИ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ МОХИЯТИ**

**Рахманова Рахима Элибоевна**

Шахрисабз Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми «Терапия» фани  
ўқитувчиси, кафедра мудири

**АННОТАЦИЯ:** Ахборот - коммуникация технологияларнинг шахсият ривожини, касбий ўзи белгилаш ва оёққа туришдаги аҳамияти катта. Ушбу мақолада мавзу осон ва энгил ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** АКТ, Компьютер АТ, Илмий – техник ривожланиш

Таълим жараёнида ўқувчилар АКТ ёрдамида матн билан ишлашни, аудио, видео, анимацион материалларни, тасвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан фойдаланишни ўрганади. Ўқувчилар ахборот йиғишнинг янги усуллари, улардан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёқараши кенгайди. Ахборот - коммуникация технологияларининг шахсият ривожини, касбий ўзи белгилаш ва оёққа туришдаги аҳамияти яққол сезилиб турибди.

Бугунги кунда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кенг қўламда ривожланмоқда. Шубҳасиз, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация технологияларини киритиш зарурдир. Замонавий жамият ахборот узатиш ҳажми ва тезлиги жиҳатидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан характерланади.

Мультимедия ва Интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши АКТ ни мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситасида ишлатиш имконини беради.

Дарсларда АКТнинг ишлатилиши ўқишга бўлган мотивациясини, ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Компьютер АТ билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълим АКТ шахсининг бўлажак касбининг асосий инструменти бўладиган вазият вужудга келади. Таълим ҳақиқатдан

ҳам ҳаётимизга бутун ҳаёт фаолияти давомида кириб келаверади. АКТни қўллашда шахсининг барча қобилиятларини – қизиқувчанлик, одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш керак. Бу қобилиятлар кераклича юқори даражада руёбга чиқиши учун педагогнинг АКТ соҳасидаги билимдонлиги зарур. Педагогларда бу билимдонликни ривожлантиришни олий уқув юртларидаги ўқиш давомида бошлаш керак.

АКТ соҳасидаги билимдонликни қуйидагилар билан ифодаласа булади: замонавий ахборот муҳитида тажрибани баҳолаш ва фаолиятда қўллаш қобилияти шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш умумий коммуникатив маданиятнинг, ахборот алмашишни ташкиллаштиришда тажриба ва назарий билимларнинг мавжудлиги: ахборотни олиш, танлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш, тақдим этиш, узатиш ва қўллаш маданиятини ўзлаштириш. Илмий-техник ривожланиш халқ хўжалигини қайта қуроллантиришини ва турли соҳаларда қўлланилувчи техника ва технологияларнинг тез алмашиб туришини тақозо қилмоқда. Бугунги кун учун фан ва техниканиннг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган янги восита ва технологияларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши оддий ҳолга айланиб қолди. Илмий – техник ривожланиш жараёнида



замонавий ишлаб чиқариш асосларининг ўзгариши, янги қурилма ва технологияларнинг қўлланилиши ақлий меҳнат ҳиссасининг, ишчининг меҳнатдаги ижодий қобилиятининг, унинг касбий мобиллигининг ошишига олиб келмоқда ва табиийки, ўқувчилар

таълим олиши керак бўлган билим ва қобилиятлар тизимининг ўзгартирилишига олиб келмоқда. Касбий таълимни компьютерда қўллаб-қувватлаш соҳасининг тизимли ўрганилиши йилдан узунроқ тарихга эга. Бу давр ичида АҚШ, Франция, Япония, Россия ва бошқа қатор ривожланган давлатларнинг таълим муассасаларида турли хилдаги ЭЎМлар учун таълимга мўлжалланган кўплаб компьютер тизимлари ишлаб чиқилган. Лекин бундай тизимларнинг қўлланилиш соҳалари анча

кенгдир. Бу–катта таълим муассасалари, ҳарбий ва жамоатчилик соҳаларида кадрларни мустақил тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб боровчи ташкилотлар учун осон йулдир. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда янги мураккаб қурилма ва технологияларни ўрганиш ва амалга киритиш жараёнларини тезлаштириш учун уларга компьютерли ўрганиш тизимларини киритиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Чет элда ўргатишга мўлжалланган юмшоқ дастурий воситани ишлаб чиқиш юқори малакали ишчилар (рухшуносларни, фан ўқитувчиларини, компьютер дизайнерларини, дастурчиларини) меҳнатини талаб қилгани учун жуда "қиммат" соҳа ҳисобланади. Шунга қарамай кўпгина чет эл фирмалари таълим масканларида янги компьютерли ўқув тизимлари яратилишини молиялаштиришади ва бу соҳада ўз изланишларини олиб боришади. Бугунги кунда ўқувчилар ва ўқитувчиларларнинг электрон кутубхоналардан кенг ва осон фойдаланиши ёрқин мисолдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги педагогик технология моҳияти ва замонвий лойихаси

Т-2019 Саидахмедов. Н, Очилов. А

2. Ахборот технологиялар ва уларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти Т-2022 Темиров. Ш. У

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МУХИМ БИР ВОСИТАСИДИР

Рахмонова Малика Собир қизи

Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат

саломатлиги техникуми

«Терапия» фани ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Масофавий таълим турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва ўқувчини боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқадор махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур мақолада мавзу кенг ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Масофавий таълим, ноанъанавий шакллар, почта ва телефакс

Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири масофавий таълим бўлиб, бу айниқса, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида, олий ва ўрта махсус профессионал таълимда, малака ошириш, касбий қайта тайёрланиш ва қўшимча мутахассисликларга эга бўлишда самарали усул ҳисобланади. Масофавий ўқитиш - бу таълим олувчига стандартларга мос келувчи ўқув фанларини эркин танлаш, ўқитувчи билан ўзаро фикр алмашиш (диалог) имконини берувчи, ўқитишнинг замонавий, янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялар ва техник воситаларнинг кенг спектрини қўллашга асосланган, таълимнинг универсал инсонпарвар шакли бўлиб, таълим жараёни таълим олувчининг турар жойи ва олиш вақтига боғлиқ эмас ва у таълим муассасасига келмасдан, лекин мунтазам равишда таълим муассасаси ўқитувчиси ёки шу таълим муассасасининг сертификатига эга кишиларнинг маслаҳатлари билан таълим олиш имконига эга. Масофавий таълим - масофавий ўқитиш жараёни амалга ошириладиган тизим бўлиб, у таълим



олувчининг кейинги ижодий ва меҳнат фаолиятининг асоси бўладиган муайян таълим даражасига эришиш ва тасдиқлаш мақсадини амалга оширади. Масофавий таълим – бу масофавий ўқитиш жараёни амалга ошириладиган тизим бўлиб, таълим олувчи томонидан цензига (таълим даражасига) эришиш ва тасдиқлаш учун амалга оширилади. Масофавий таълим турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва ўқувчини боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқадор махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Ўзаро алоқаларни амалга оширишда турлича усуллар қўлланилади: почта ва телефакс орқали типографик босма материаллар алмашиш, аудиоконференция, видеоконференция, компьютер орқали виртуал конференция. Ўқув муассасадан узоқда яшовчилар, катнаб ўқиш учун шароити бўлмаганлар, малакасини оширишни хоҳловчилар, ногиронлар ва бошқа турли сабабларга кўра бевосита олий ўқув юртларида билим олиш имконига эга бўлмаганлар масофадан туриб билим ва таълим олишга талаб ортиб бориши табиий. Айниқса иш билан банд бўлган катта ёшдаги кишилар, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳловчилар учун масофавий таълим жуда қулай воситадир. Дунёнинг барча мамлакатларида масофавий таълимни ривожлантириш долзарб бўлиб бормоқда. АҚШ таълим департаментининг маълумотларига кўра, бу мамлакат олий таълим муассасалари талабаларидан 43% нинг ёши 25 дан кичик, атиги тўртдан бир қисми 18-22 ёшли ёшлардир. Талабаларнинг қолган қисми оила ва иш ташвишларига кўмилган катта ёшдагиларидир. Улар учун университет таълимининг кундузги шаклларида ўқиш анча муаммо. Масофавий ўқитиш ҳаётнинг ҳозирги замон талабларига жавоб беради, шунинг учун ҳам масофавий ўқитишга қизиқиш катта. Умуман, жаҳонда таълимнинг янги, ноанъанавий шаклларида ўтиш янги технологиялар бўйича тайёрловчи олий таълим муассасалари сонининг кўпайиши билан сезилмоқда. Буларга очиқ университетлар ёки масофавий ўқитиш университетлари деб аталувчи олий таълим муассасалари киради. Масофавий таълим технологияларининг такомиллашуви ва кенгайиши шу жараёнга бевосита ва билвосита алоқадор ташкилотлар ва тузилмалар доирасини кенгайишига олиб келмоқда. Технологиялар ўқув даргоҳининг бир қисмига айланиб бормоқда, бундан кейин нафақат илмий-тадқиқотлар учун, балки ўқитиш жараёнлари учун ҳам бир хилда муҳимдир. Янги ахборот технологиялари таълим жараёнининг сифати ва даражасига жиддий талаблар кўяди. Ахборот технологияларини қўллаш орқали ўқув-тарбиявий жараён сезиларли даражада оптималлаштирилади. Шунингдек, улар масофавий таълимнинг асосий икки тамойили интеграциялашганлик ва технологиялашганликни жорий қилишни таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т. 2019 й
2. Таълим ва тиббиёт 2021 №2
3. Навоий пресс» газетаси №14 2022й

### ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ УСТУВОРЛИГИ

**Рузиева Дилшода Умаровна**  
Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми  
«Педиатрия» фани уқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Масофавий ўқитиш (distant education) – ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологияси ёрдамида тингловчи ва ўқитувчилар масофадан туриб интерфаол мулоқот қилиш жараёнидир. Мазкур мақола барча тингловчилар учун фойдали.



**КАЛИТ СЎЗЛАР:** тасаввур ва кўникма, мослашувчанлик, электрон почталар, компьютер конференция

Масофавий таълим – аҳолининг кенг қатлами учун махсус информацион таълимга қаратилган бўлиб, масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситалари (йўлдошли, алоқа, телевидение, радио, компьютер) ёрдамида амалга оширилувчи таълим хизматлари мажмуи ҳисобланади.

Интернетнинг ривожланиши кишиларнинг коммуникатив (алоқа) имкониятларини тубдан ўзгартирди. Айниқса глобал тармоқнинг инсон фаолияти доирасига, билим йиғиш ва тарқатиш технологияларига, таълим ресурсларининг яратилиши ва фойдаланишларига таъсири жиддий.

Масофавий ўқитиш (distant education) – ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологияси ёрдамида тингловчи ва ўқитувчилар масофадан туриб интерфаол мулоқот қилиш жараёнидир.

Масофавий таълимнинг мақсади тингловчиларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш – уларни илмий фикрлашга ўргатиш, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида фаоллигини кучайтиришдан иборат.

Масофавий таълимда ўқиш харажатлари тежаллади, худудий чекланиш бўлмади, ўқишнинг хилма-хил замонавий техник воситаларидан фойдаланилади, нуфузли таълим муассасаларининг дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларидан фойдаланиш имкониятлари вужудга келади.

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади: мослашувчанлик – таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезликда таълим олиш имконияти мавжудлиги. модуллилик – бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги. кенг қамровлилик – кўп сонли ўқувчиларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва б.) захираларига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли ўқувчиларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти.

Масофавий таълимнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш; узлуксиз таълим имкониятларини яратиш таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципаал таълим даражасини таъминлаш.

Ўқитувчининг янги роли – масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукамаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади.

Масофавий ўқитиш услубининг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

а) ўқитишнинг ижодий муҳити. Мавжуд кўпгина услублар асосида ўқитувчи билим беради, ўқувчи эса фақат берилган материални ўқийди. Таклиф қилинаётган масофавий таълим бериш асосида ўқувчиларнинг ўзлари компьютерлар асосида ахборотлар банкидан керак бўлган маълумотларни қидириб топадилар ва албатта ўзларининг тажрибаларини бошқалар билан электрон тармоқлари асосида алмашадилар.

б) мустақил таълим олишнинг имконияти борлиги. Масофавий услуб асосида таълим олиш - бошланғич, ўрта, университет, сиртқи - кечки ва малака ошириш босқичларини ўз ичига олади. Тайёргарликлари ҳар хил даражада бўлган инспекторлар ўзларининг шахсий дарс жадваллари асосида ишлашлари мумкин ва ўз даражасидаги ўқувчилар билан мулоқотда бўла оладилар.



в) иш жойидаги катта ўзгаришлар. Масофавий услуб асосида таълим бериш тури миллионлаб инсонларга, айниқса ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётганлар учун қулай шароит яратиб беради. Бундай услуб асосида ўқитиш кадрларни тайёрлашда катта роль ўйнамоқда, яъни жуғрофий ва молиявий қийинчиликларсиз ўзининг ишлаб турган ўрнида илм олиши мумкин.

г) ўқитиш ва таълим олишнинг янги ва унумли воситаси. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, масофавий услуб асосида таълим бериш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш каби унумлидир. Таълим бериш ва бошқариш услубиётига асосланган ҳолда, ўқитувчи аудиторияда ўқитиш шартларидан ҳоли бўлиши керакдир. Масофавий услуб асосида ўқитишнинг ўқув қоидаларидан келиб чиқсак, ўқувчилар интернет орқали жаҳон бўйлаб саёҳат қилишлари мумкин.

Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри интернет тармоғига кириш хизмати масофавий услуб асосида таълим бериш учун электрон почталар, компьютер конференциялари ва маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т . 2019 й
- 2.Таълим ва тиббиёт 2023 №2
- 3.Навоий пресс» газетаси № 9 2022й

## **ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ЎРТАСИДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУХИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Саидова Нафиса Бахриддиновна**

Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми «Педиатрия»  
фани ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** . Баркамол авлод тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган энг долзарб масалалардан ҳисобланади.Мазкур мақолада келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиз ҳақида тушунтирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** узлуксизлик ва узвийлик, мониторинг

Бола туғилган кундан бошлаб жамият муҳитида яшайди. Миллий анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар билан бир қаторда таълим-тарбия жараёни унинг онгини шакллантиради. Баркамол авлод тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган энг долзарб масалалардан ҳисобланади.Келажак бугундан бошланади. Ҳозир таълим-тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда янгиланиш жараёни кечадиган ҳозирги даврда маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ушбу муаммоларни ижобий ечими сифатида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ўнлаб қарор ва қонунлар, давлат дастурларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғриси»



қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда таълим тизимининг ўрта бўғини ҳисобланадиган профессионал ва олий таълим муассасалари ўртасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашни тақозо этади.

Ёш авлодга ўзлимиз, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш масалаларида таълим тизимининг узлуксизлик ва узвийликни

таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, бугунги кунда таълим тизимининг узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб олиш вазият тақозосидир. Ушбу ишларни амалга ошириш жараёнида, авваламбор, қуйидаги бажарилиши керак бўлган йўналишлар ва вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-Таълим турлари ва босқичлари узвийлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш.

-Таълим турлари ва босқичларининг ўқув дастурлари мутаносиблигини таъминлаш.

-Таълим турлари ва босқичлари ҳамкорлиги бўйича мониторинг ишларини йўлга қўйиш.

-Таълим турлари ва босқичлари ўртасида иш олиб борувчи бўлимлар иш фаолиятини такомиллаштириш.

-Таълим турлари ва босқичлари ҳамкорлиги йўналишидаги журнал ва ахборотномалар иш фаолиятини йўлга қўйиш.

-Таълим турлари ва босқичлари ҳамкорлиги мавзусидаги услубий қўлланмалар яратиш.

иш фаолиятини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Албатта, маълум бир соҳани ривожлантириш учун кераклича миқдорда маблағ, меҳнат ва албатта етарлича эътибор талаб этилади. Ҳозирги шароитида ушбу ижтимоий лойиҳани амалга оширишда таълим муассасалари педагогик юклама соатлари ва лойиҳа номидан чоп этиладиган журнал, ахборотнома ҳамда услубий қўлланмалар маълум миқдорда лойиҳа ишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлиш билан бирга лойиҳа иш фаолиятидаги янгиликлар,

ривожланиш тенденцияларини ёритиб бориш, ахборотлар билан таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имкониятларини беради. Хулоса қилиб айтганда, таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласи бугунги кунда бажарилиши керак бўлган долзарб масалалардан ҳисобланиб, ёш авлодни ўзи туғилиб ўсган ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини амалиётга қўллай олиш, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамияти билан муносиб интеграциялашув жараёнига муносиб ҳисса қўшиш, маълум бир соҳани чуқур эгаллаш каби жиҳатлари билан ўз қийматини мустаҳкамлашига ишониш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Профессионал таълим инновацион тизимнинг асоси Т-2022 М.Мукимов
2. Профессионал таълим тизимни махсус фанларни уқитишда инновацион платформалардан фойдаланиш Т-2021 Зияев.И



ТАЪЛИМНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ВА ЁШЛАРГА КАСБ-ХУНАР  
ЎРГАТИШДАГИ МУОММОЛАР

Тўракулова Сурайё Равшановна  
Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми «Педиатрия»  
фани етакчи ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги дунёда муҳим ижтимоий-иқтисодий ва технологик ўзгаришлар юз бериши натижасида постиндустриал жамиятнинг ахборот жамияти сари тадрижий ривожланиши кузатилмоқда. Мазкур мақолада ёшларга касб-хунар ўргатишдаги муоммолар кенг ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ижтимоий-иқтисодий, глобаллашув, электрон почта, инновацион

Ҳозирги дунёда муҳим ижтимоий-иқтисодий ва технологик ўзгаришлар юз бериши натижасида постиндустриал жамиятнинг ахборот жамияти сари тадрижий ривожланиши кузатилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, инсониятнинг бўлғуси мавжудлиги барча даражаларда:

иқтисодиёт (ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳаси)да ҳам, табиийки, таълим соҳасида ҳам интеграциялашув билан белгиланади, зеро таълим ўз вазифасига кўра ўзгарувчан муҳитни бошқаришга қодир бўлган кадрлар тайёрлашга бурчлидир. Глобаллашув таълим соҳаси, унинг тарихий-педагогик жиҳатлари, қиёсий-педагогик тадқиқотлар, таълим методлари ва таълимнинг мазмунини ҳам четлаб ўтгани йўқ. XXI асрда

—глобал таълим тушунчаси пайдо бўлди. Глобал таълим деганда, шундай бир алоҳида мегатизим тушуниладики, унда миллий ва жаҳон таълим сиёсатининг мақсадлари қўйилади ва амалга оширилади, давлатлар ва уларнинг таълим тизимлари ўртасида шахсни камол топтириш

имкониятларини кенгайтиришга қаратилган алоҳида алоқа ва муносабатлар амал қилади. Таълимнинг интернационаллашуви укувчи бир мамлакатда, унга таълим хизматлари кўрсатувчи ўқув муассасаси эса бошқа мамлакатда бўлган ҳар қандай таълим фаолиятини англайди. Таълим олиш ёки ўқув материаллари билан танишиш учун интернет, электрон почта,

радио, телевидение ёрдамида ёки бошқа йўл билан давлат чегарасидан кесиб ўтилиши мумкин. Бугунги кунда илмий-таълим мажмуининг самарадорлигини ошириш зарурати жамиятда ҳам, бошқарув органларида ҳам теран англаб етилмоқда. Бу вазифа турли дастурий ҳужжатларда

белгиланган, оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинади. Жойлардаги фан ва таълим ташкилотлари амалий интеграцияга кучли эҳтиёж сезади. Ёшларга касб-хунар ўргатиш муаммолари барча замонларда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Ёшларни касбга йўналтириш муаммосини ўрганишга бағишлаб кўп сонли диссертациялар, монографиялар, рисоалар, мақолалар бағишланган, юзлаб амалиётчилар тажрибаси

умумлаштирилган. ўқувчиларини касбга йўналтириш масалаларининг илмий ва амалий ечимлари мамлакатнинг кадрларни тўғри танлаш, уларни тайёрлаш ва кейинчалик танланган касбда мустаҳкамлашга ижтимоий буюртмасига жавоб ҳисобланади.

Касбга йўналтириш – касблар олами ва турли фаолиятлар хусусияти билан таништириш тадбирлари тизими. Касбга йўналтириш индивидуал қобилият ва майлларга, шунингдек, инсонга жамият яратган имкониятларга мувофиқ касбни танлашга кўмаклашади.

Касбга йўналтириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) касбга доир билимлар бериш – ёшларни касблар олами, касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш имкониятлари ҳақида ахборот билан таъминлаш;



2) касбий тарбия – ёшларда меҳнаткашлик, ишчанлик фазилатларини, ўз касбий вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш, қобилият ва майлларни шакллантириш;

3) касб танлаш, ишга жойлашиш, касбий тайёргарликдан ўтиш масалалари бўйича касбий маслаҳат бериш;

4) шахсни касбий ривожлантириш ва унинг касбий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ўз касбини ўзгартириш ва қайта тайёргарликдан ўтишда унга қўмаклашиш.

Бугунги кунда ғарб мамлакатларида касбга йўналтириш тизимли моделга асосланади. Ёшларни касбга йўналтириш ва ишга жойлаштириш ягона мажмуанинг асосий қисмлари сифатида қаралади. Бу мажмуа касбга доир ахборот, маслаҳат ва тавсиялар бериш, касбий танлаш ва саралаш, дастлабки тарзда ишга жойлаштириш ва меҳнат фаолиятига мослашиш чора-тадбирларини ўз ичига олади.

Қуйидагилар ёшларни касбга йўналтиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- инновацион фаолиятга рағбатлар яратиш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўли билан ёшларнинг инновацион хулқ-атворини шакллантириш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва ўз бизнесини юритиш кўникмаларини ривожлантириш;

- минтақа ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши стратегик йўналишини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг таркибий номуносаблигига барҳам бериш;

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Профессионал таълим инновацион тизимнинг асоси Т-2022 М.Мукимов
2. Профессионал таълим тизимни махсус фанларни уқитишда инновацион платформалардан фойдаланиш Т-2021 Зияев.И

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КЎРГАЗМАЛИ КУРОЛЛАР ВА ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ**

Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми «Терапия» фани ўқитувчиси  
**Хасанова Дилшода Ўктамовна**

**АННОТАЦИЯ:** Дарсда буюм ва нарсаларнинг асли, тасвири, техник воситалар, тасвирий-кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтилса, яъни мавзу шу асосда баён этилса дарс тўғри ташкил қилинади ва самарали яқунланади.Мазкур мақола тингловчиларга фойдали бўлади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** иллюстрация ва экскурсия, диаграммалар

Ўқитиш жараёнида кўргазмали усуллардан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга, ўқувчини ундаш ва уларнинг назарий билимларни амалиётда қўллаш олишга ўргата билиши билан изоҳланади. Дарсда буюм ва нарсаларнинг асли, тасвири, техник воситалар, тасвирий-кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтилса, яъни мавзу шу асосда баён этилса дарс тўғри ташкил қилинади ва самарали яқунланади. Ўқув материалнинг кўрсатмали бўлиши ёшларни ўзлаштирилган илмий билимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллаш олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Таълим жараёнида кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Ўқитишда намойиш этиш усулидан фойдаланиш материалларнинг характериға – мазмуни, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Кўргазмали материаллар характер эътиборига кўра икки турда бўлади: 1.Аслича





кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: беморлар, дори моддалари, ўсимликлар, хайвонлар, коллекциялар, асбоб ва ускуналар, моделлар ва ҳ.к.

2. Тасвирий-кўргазмали материаллар: буюм, нарса ва ҳодисаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар: расм, сурат, видео, анимацион фильм, кинофильм, касаллик тарихи карталари, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к. Тасвирий - кўргазмали материаллар – иллюстрация материаллари деб ҳам аталади. Таълим жараёнида тасвирий – иллюстрация материалларидан фойдаланиш кенг қўлланилади. Таълим воситалари (ҳажмли табиий объектлар, тоғ жинслари, қазилма бойлик намуналари, ўсимликлар, машиналар, деталлар, материаллар, объектлар тасвири, босма ўқитиш воситалари ва ҳоказо) нинг мазмунини ўқувчиларга етказиб бериш катта қулайликлар яратиб, узатилаётган материални ўқувчилар томонидан тез идрок қилишларида замин яратади. Бундан ташқари ўтилган материал ўқувчилар хотирасида узок вақт сақланишида ёрдам беради. Таълим воситалари қуйидаги турларга бўлинади: Таълим воситалари турлари ўқитишнинг техник воситалари ўқиш воситалари мазмунини ўқувчиларга етказиб берувчи ўқитиш куролидир. ўқитишнинг техник воситалари ўқитиш воситалари билан биргаликда ишлатилади. ўқитиш техник воситалари ўқитиш жараёнида тутган ўрнига қараб информацион, назорат ва дастурлашган техник воситаларига синфланади. Таълим жараёнида кўргазмали қўлланма ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали талабалар томонидан ўзлаштириладиган материал пухта ўзлаштирилишига, узок вақт хотирасида сақланишига, идрок қилиш вақтини қисқартиришига замин яратилади. Бунда ўқитувчи дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланади, талабалар диққатини ўқув материалига жалб қилади ва талабаларда фанга нисбатан ижобий муносабатларини шакллантиради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахборот технологиялар ва уларнинг таълим жараёнидаг аҳамияти Т-2022 Темиров.Ш
2. Таълим ва тиббиёт 2022 №2

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми «Педиатрия» фани олий тоифали ўқитувчиси  
**Шодиева Зебинисо Ибрагимовна**

**АННОТАЦИЯ:** Олий таълим билан профессионал таълим ўртасидаги алоқаларни таъминлаш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида университет ва институтларга бириктирилган. Ушбу мақолада ҳамкорликнинг аҳамияти чуқур ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** тадқиқот, илмий ва ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий, соҳа ва йўналиш

Маълумки, олий таълим муассасалари профессионал таълим муассасалари билан кўпчилик соҳа ва йўналишлар бўйича билим берадиган ўқув даргоҳи ҳисобланади.

Олий таълим билан профессионал таълим ўртасидаги алоқаларни таъминлаш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида университет ва институтларга бириктирилган. Юқорида келтирилган вазифаларни изчил ва узлуксиз амалга ошириш борасида профессионал таълим муассасаларига университет маъмурияти томонидан фаол, билимли профессор-ўқитувчи вакил қилиб бириктирилган. Чунки олий таълим муассасалари вакилининг муҳим вазифаси техникум жамоаси ва университет ўртасидаги ўрнатилган режали, истиқболли ва мақсадли



хамкорлик ва уни янада мустақамлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳисобланади. Аввало, ҳар бир вакил ўқув йили бошида иш режасини тайёрлайди ва ушбу иш режа асосида ўқув йилининг охиригача техникумларда самарадорликни ошириш бўйича фаолият олиб борадилар. Иш режа университет ва техникум маъмурияти томонидан тасдиқланиб, тузилади. Вакил ҳафтанинг ихтиёрий бир куни ўзига бириктирилган техникумда бўлиб, дастурда белгиланган вазифани амалга оширишлари лозим. Бу дастур икки томонлама ҳамкорлик асосида

тузилади ҳамда шу асосда режа тайёрланади. Шунингдек, техникумларга олий таълим муассаса томонидан кўпгина ўқув, илмий

тадқиқот, илмий ва ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича амалий ёрдам берилади ҳамда ижобий ишлар амалга оширилади. Бевосита бу ишлар техникумларга бириктирилган вакиллар томонидан бажарилади ҳамда вакил томонидан техникум базасидаги техникумнинг

педагогик ва маънавий-маърифий ишлар режаси, тарификация жадвали, ўқув дастурлари ва режалари, очик дарслар маълумотлари ҳам тўпланади ва ҳолисона таҳлил қилинади. Шу билан бирга, университетда амалга оширилган ва оширилаётган ижобий ишлар ҳақида мунтазам маълумот бериб турилади ҳамда янги чоп қилинган адабиётларнинг кўргазмаси вакил

орқали тушунтирилади. Айнан, университет факультетларида тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг дарс машғулотларига кириб, техникум ўқитувчиларини ўрганишлари ва билим-малакаларини ошириб боришлари ҳам маъсул вакил томонидан ташкил қилинади.

Бундан ташқари, ўқув-услубий ва илмий ёрдам кўрсатиб бориши, турли қизиқарли ва долзарб мавзуларда тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказиб бориши, университетдаги янгиликлар ҳақида хабардор қилиши ва бошқа ишларни кўрсатиш мумкин. Вакил техникумда ўқитувчиларга янги ахборот технологиялари ва воситаларини дарс машғулотларини қўллаш бўйича тушунтириш ишларини ҳам олиб боради. Жумладан, техникумда

уларни дарс машғулотларида қандай қўллаш лозимлиги ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан биргаликда қўллаш жараёнини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб беради.

У техникум ўқитувчиларининг педагогик тажрибасини ошириш мақсадида янги педагогик технологияларга асосланган дарс машғулотини ўтказиш бўйича ҳам кўрсатмалар бериб боради. Агар вакил ўз ишини яхши

бажара олса, техникум ва университет ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш ва ижобий ўзгаришларга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Профессионал таълим инновацион тизимнинг асоси Т-2022 М.Муқимов
2. Профессионал таълим тизимни махсус фанларни уқитишда инновацион платформалардан фойдаланиш Т-2021 Зияев.И

### **ZAMONAVIY INTEGRATIV METODLARI ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA ILMIY XABARDORLIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI**

**Avazbekova Shohsanam Nurmamat qizi**  
Namangan davlat universiteti erkin tadqiqotchisi  
shohsanamavazbekova807@gmail.com

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada Tabiiy fanlarning rivojlanish tarixi, uning ahamiyati va mazmuni, fanni rivojlantirish istiqbollari, boshlang'ich sinf o'quvchilarida ilmiy xabardorlik kompetensiyasini rivojlantirish boyicha tavsiyalar va usullar yoritilgan.



**Kalit so'zlar:** tabiiy fan, tabiat, o'simliklar dunyosi, hayvonot dunyosi, dorivor o'simliklar, ijodkorlik, tanqidiy fikrlash, kompetensiya, o'qitish usullari, ilmiy xabardorlik kompetensiyasi, integratsiya, integrativ metodlar

### МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ НАУЧНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНТЕГРАТИВНЫХ МЕТОДОВ

**Аннотация:** В данной статье описана история развития естествознания, его значение и содержание, перспективы развития науки, рекомендации и методы развития компетенции научного сознания у учащихся начальных классов.

**Ключевые слова:** естествознание, природа, растительный мир, животный мир, лекарственные растения, творчество, критическое мышление, компетентность, методы обучения, компетентность научного сознания, интеграция, интегративные методы.

### DEVELOPMENT MECHANISMS OF SCIENTIFIC AWARENESS COMPETENCE IN PRIMARY CLASS STUDENTS BASED ON MODERN INTEGRATIVE METHODS

**Abstract:** This article describes the history of the development of natural sciences, its importance and content, prospects for the development of science, recommendations and methods for developing the competence of scientific awareness among primary school students.

**Key words:** natural science, nature, plant world, animal world, medicinal plants, creativity, critical thinking, competence, teaching methods, competence of scientific awareness, integration, integrative methods

Bugungi kunda ta'lim sohasida juda ko'p o'zgarishlar sodir bo'lmoqda, darslarni sifatli, interfaol metodlar asosida tashkillash har bir pedagogning oldiga murakkab vazifalarni qo'yayapti. Biz raqamli texnologiyalar asridamiz. Zamonaviy ta'lim bizning nafaqat bilim va ko'nikmalarimizni belgilab beruvchi mezon, balki dunyoqarashimizni va mana shu dunyo taraqqiyotiga qo'shadigan hissamizni ham aks ettiradigan muhim qadriyatdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga va O'zbekiston xalqiga murojatnomasida ta'lim sohasiga alohida to'xtalib o'tdi. Ta'lim sohasidagi islohotlarni amalga oshirish zarurligi haqida so'zlar ekan "Ta'lim sihatini oshirish-Yangi O'zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to'g'ri yo'lidir" deya ta'kidlab o'tdi. Zamonaviy ta'lim bugungi kunda o'quvchilarga kreativ va tanqidiy, ijodiy fikrlashni, insonlar bilan hamkorlik qilish va jamoada o'zini tuta olish ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'limdir.

Tabiiy fanlarning quyi sinflarda qo'shib o'qitilishi o'quvchiga olamni bir butun tasavvur qilish, fanlarga oid mavzular kesimida loyiha ishlarini amalga oshirib, tadqiqotchilik ko'nikmalarini rivojlantirish, o'quvchilarning faolligini oshirish, tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini yaxshilash, ularni ijodkorlikka yo'naltirishga xizmat qiladi.


4-sinf o'quvchilari O'simliklarning barglari ularning rangi, shakl va o'lchamlari haqida tushunchalarga ega bo'lishadi. Masalan: gulli o'simliklarning barglari yapaloq shaklda, ignabargli o'simliklarning barglari esa ignasimon bo'lishini farqlay oladilar. Ba'zi o'simliklar, masalan, lola qirg'oqchilikka boshqacha moslashgan. Yangi uylar, inshootlar qurish uchun tabiatga zarar yetkazadi. Masalan: daraxtlarni kesishadi buning oqibatida kislorod aylanishi kamayib, havoning ifloslanish darajasi ortib ketadi.

4-sinf tabiiy fan darsligida o'rganiladigan manbalar



Ma'lumki, tabiatda hamma narsa bir-biriga uyg'undir. Bunga misol qilib fan-texnika yutuqlaridan unumli foydalanayotgan inson mana shu uyg'unlikni buzmoqda, unga nisbatan ob-havo va atrof muhitga shafqatsizlarcha munosabatda bo'lmoqda. Korxonalarning ko'pligi va ulardan chiqayotgan is gazlarining havoni ifloslashiyu oqib chiqayotgan zaharli oqavalar suv havzalarini ifloslantirishi biz bilamizki o'z navbatda hayvonot olami va o'simliklar dunyosiga zarar keltirmoqda.

O'simliklar o'sishiga ta'sir qiluvchi zararli omillar



4-sinf Tabiiy fan darsligida yovvoyi o'simliklarning madaniy o'simliklardan farqli tomonlarini topish ko'rsatilgan. Avvalo o'quvchilarga madaniy va yovvoyi o'simliklar haqida tushunchalarni shakllantirishimiz zarur,

Dars jarayonida interaktiv metodlarni qo'llash va o'quvchilarni erkin ijod qilishiga undaydigan zamonaviy fan texnikalaridan foydalanish bugungi zamonaviy ta'limning oldiga bir qancha talablarni qo'yadi. Diqqatni bir vazifadan boshqasiga tez qara olishi, ijodiy fikrlash, qaror qabul qilishi, tengqurlari va insonlar bilan hamkorlik qila olishga undovchi tanqidiy fikrlashlarga erishiladi. Bundan tashqari yangi darsliklarimizda 4"K" modeli asosida o'quvchilarni tanqidiy fikrlashlari, kreativ, muloqot va jamoaviy ishlash ko'nikmalari shakllantirilmogda. Kreativ fikrlash orqali tevarak atrofda olamga qiziqish va u haqida ko'proq bilishga intilish va tabiat hodisalarining sabab-natijalarini aniqlash, mustaqil izlanish va o'z savollariga mustaqil javob bera olish ko'nikmalarini shakllantira olishdir. Oddiygina o'simlik va jonivorlarni misol tariqasida olsak A "o'simlik" B "Jonivor" deb olsak va buni diagramma ko'rinishida ham izohlasak bo'ladi.

Shu yo'l bilan yashil o'simliklar atmosfera tarkibining doimiyligini saqlab turadi. O'simliklar organik moddalarni hosil qiluvchi oziq zanjirining asosini tashkil etadi.



O'simliklar dunyosidan oqilona foydalanish va muhofaza qilishda o'rmon o'simliklari alohida o'rin egallaydi. Respublikadagi o'rmonlar yagona davlat o'rmon fondini tashkil etadi. O'zbekiston o'rmonlari o'zining xususiyatlari bilan tog', cho'l, to'qayzor va vodiy o'rmonlariga ajratiladi. O'quvchilar yovvoyi o'simliklar va aholi orasida yetishtiriladigan daraxtlarning inson hayoti va turmush tarzi uchun foydali va zararli bo'lgan tomonlarini ajrata olish ko'nikmalarini shakllantiradilar. Bunga misol tariqasida qurilish inshootlar uchun foydalaniladigan terak, qayin, sadalarni misol qilib olishimiz mumkin. Bundan tashqari faqat qurilish inshootlari uchun emas balki ularni soyalarida dam olish va hordiq chiqarish uchun ham foydalanamiz.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki yangilanayotgan zamonda ona zamin va atmosferamizga bo'layotgan e'tibor kundan kunga yuksalib bormoqda. Yangilanayotgan ta'lim tizimimizda birqancha o'zgarishlar sodir bo'lmoqda, yangi darsliklarimiz yangicha talqinda o'quvchilarga taqdim etilishi yangicha tanqidiy fikrlash va tahlil qilish ko'nikmalarini shakllantirmoqda. Ta'limni rivojlantirish markazi huzuridagi ilmiy-metodik kengash tomonidan tavsiya etilgan tabiiy fan darsligining ish daftari joriy etilishi o'quvchilarni ijodiy tafakkurini, qiziquvchanlik va tasavvurlarini yanada orttiradi. Har bir mavzuga oid turli xildagi rasmlar asosida berilishi tasavvur doiralarini kengaytirmoqda.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-apreldagi "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5024-sonli Farmoni.
2. Y.V.Kosyanenko Tabiiy fanlar 4-sinf darsligi Toshkent-2023
3. Balashev I.N., Zeman G.O., Sabzavotchilik, T. 1982. Bo'riyev X.Ch., Abdullayev A., Tomorqa sabzavotchiligi, 1989
4. Bahromov A., Sharipov Sh., Nabiyeva M. 4-sinf "Tabiatshunoslik" darsligi 2017

## TABIIY FANLARNI O'QITISH METODIKASIGA INNOVATSION YONDASHUV

**Jo'rayeva Surayyo.**

Namangan davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi  
Jurayevasurayyo02@gmail.com

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada Tabiiy fanlarni o'qitish metodikasiga innovatsion yondashuv bo'yicha boshlang'ich sinf o'quvchilarining fanni o'zlashtirishini rivojlantirishga e'tiborini kuchaytirish masalalari asosida ta'lim-tarbiya sifatini takomillashtirish, uning asosiy yo'nalishlari, mezonlari va ko'rsatkichlari hamda amaliyotdagi holatining o'rganilishi, boshlang'ich sinf o'quvchilarining fan bo'yicha malaka va ko'nikmalarni shakllantirish bo'yicha, tanqidiy fikrlash texnologiyasini qo'llash bo'yicha tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** mustaqil fikrlash, innovatsion texnologiya, an'anaviy dars, metodlar, zamonaviy o'qitish texnologiyalari, tanqidiy fikrlash texnologiyasi, demonstratsiya, illyustratsiya (tasvirlash, rasmlar bilan ko'rsatish) va ekskursiya.

## ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

**Аннотация.** В данной статье повышение качества образования, его основные направления, критерии и показатели и практическое изучение ситуации, формирование у учащихся начальных классов квалификации и умений в науке, рекомендации по применению технологии критического мышления.



**Ключевые слова:** самостоятельное мышление, инновационная технология, традиционный урок, методика, современные технологии обучения, технология критического мышления, демонстрация, иллюстрация (изображение, показ с картинками) и экскурсия.

## INNOVATIVE APPROACH TO THE METHODOLOGY OF TEACHING NATURAL SCIENCES

**Annotation.** In this article, the improvement of the quality of education, its main directions, criteria and indicators and practical study of the situation, formation of primary school students' qualifications and skills in science, and recommendations on the application of critical thinking technology.

**Keywords:** independent thinking, innovative technology, traditional lesson, methods, modern teaching technologies, critical thinking technology, demonstration, illustration (depicting, showing with pictures) and excursion.

**Kirish.** 2022-yil 7-13 oktyabr kunlari O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-fevraldagi "Pedagog ta'limi sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4623-son qarorining ijrosi o'rganish bo'yicha Jahonda sodir bo'layotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlar har bir sohaga o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Shu jumladan ta'lim sohasida ham nazariy va amaliy jihatdan yangi bir qarashlar, usullar, metodlar bugungi kunning talabiga aylanmoqda. Bundan ko'zlangan maqsad iqtisodiy va ijtimoiy geografyasi fani taraqqiyoti, o'qitish metodikasi bo'yicha boshlang'ich sinf o'quvchilarining fanni o'zlashtirishini rivojlantirishga e'tiborini kuchaytirish masalalari asosida ta'lim-tarbiya sifatini takomillashtirish, uning asosiy yo'nalishlari, mezonlari va ko'rsatkichlari hamda amaliyotdagi holatining o'rganilishi juda dolzarb va muhim masaladir.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrlashga o'rgatish, tushunish boshqalar o'zlari uchun yangi narsalarni kashf etishlari uchun ma'lumotni tuzish va uzatish. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi o'tgan asrning 90-yillari o'rtalarida amerikalik o'qituvchilar tomonidan taklif qilingan. Stil va K. Meredit savolga javob beradigan maxsus o'quv mavzusi sifatida fikrlashni qanday o'rgatish kerak degan savolga javob topishadi. Tanqidiy fikrlash, amerikalik o'qituvchilarning fikriga ko'ra, insonni o'rganishda tadqiqot usullaridan foydalanadi, savollar beradi va ularga muntazam ravishda javob izlaydi. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi-bu shaxsga yo'naltirilgan ta'limning bir turi hisoblanib, faqatgina farq shundaki, ushbu versiyada shaxsga yo'naltirilgan ta'lim umumiy shiorlarda to'xtamaydi, balki usulni texnologik o'rganish darajasiga yetkazadi [9].

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasining xususiyatlarini o'qitishning yaxlit usuli sifatida ochib berishda E. O. Galitskiy boshlang'ich sinf o'quvchilarining mustaqil ishlashi uchun guruh topshirig'ining to'rtta muhim tarkibiy qismini ajratib ko'rsatadi:

- unda boshlang'ich sinf o'quvchilar o'zlarining qadriyatlariga e'tibor qaratadigan tanlov holati mavjud bo'lishi;

- boshlang'ich sinf o'quvchilarining roli pozitsiyalarini o'zgartirishni o'z ichiga oladi;

- guruh a'zolarining bir-biriga bo'lgan ishonchini kuchaytiradi;

- inson doimiy ravishda foydalanadigan usullar bilan amalga oshiriladi (taqqoslash, tizimlashtirish, tahlil qilish, umumlashtirish) [9].

**Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya" fanining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda quyidagilar mavjud:

-zamonaviy o'qitish texnologiyalaridan foydalanish xususiyatlari asosan, ta'lim muassasasidagi mavzu va ular xaritalar, modellardan foydalanish bilan bog'liq;

Boshlang'ich sinf o'quvchilarning fan bo'yicha malaka va ko'nikmalarni shakllantirish quyidagi havolalarni o'z ichiga oladi:





mahoratning qiymatini ko'rsatish va uni o'zlashtirish



o'qituvchi tomonidan bajariladigan harakatlar namunasini ko'rsatish



o'qituvchi tomonidan bajariladigan harakatlar namunasini

#### Darslik bilan ishlash metodi

Ta'lim tizimida darslik bilan ishlash metodi asosiy o'rinlardan birini egallaydi. Binobarin, darslikdan foydalanmay biror fan, texnika yoki san'at sohasini egallab bo'lmaydi. Darslik bilan ishlash ta'lim jarayonida o'qish-o'qitish ishlarini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun yordam bersa. ikkinchi tomondan, o'quvchilarning kelajakdagi faoliyati uchun zarur bo'lgan ilmiy va ilmiy-ommabop adabiyotlarni mustaqil o'qib-o'rganish madaniyatini tarkib topdirish bilan birga u bolalarni ko'nikma va malakalar bilan qurollantirishda katta ahamiyatga ega. O'quv adabiyoti bilan ishlash murakkab psixik jarayonni o'z ichiga oladi. O'qish jarayoni o'qituvchi tomonidan bayon qilinayotgan bilimlarni o'quvchilarning eshitib, o'qishlarinigina emas, balki o'quv materiallarini (ma'lumotlarni) kitob matnidan ko'rib, ongli idrok qilish faoliyatini ham taraqqiy ettirishni nazarda tutadi.

Kitob bilan ishlashning har ikkala shakli o'quv fanlari bo'yicha deyarli hamma sinflarda qo'llanishi mumkin. O'quvchilarni darslik va boshqa o'quv ma'lumotlari bilan birga qo'shimcha adabiyot, ilmiy va ilmiy-ommabop maqolalar, shuningdek gazeta, jurnallardan foydalanishga ham o'rgatish kerak.

#### Demonstratsiya, illyustratsiya va ekskursiya (sayohat) metodi

Demonstratsiya va illyustratsiya o'quv ma'lumotlarini aniq usullar orqali bevosita idrok qilish jihatidan muhim ahamiyatga ega. O'rganilayotgan buyum va hadisalarni to'liq va aniq tasavvur etgan taqdirdagina o'quvchilarning olgan bilimlari chuqur va puxta bo'ladi. O'quvchilar turmush va texnikadagi narsa, hodisa va voqealarni demonstratsiya metodi orqali bevosita ko'rib, idrok qilishlari natijasida ular haqida mustaqil fikr yuritish, tahlil qilish, tegishli xulosalar chiqarishga muvaffaq bo'la oladilar. Bu metod dars davomida yoki darsning ayrim qismlarida qo'llaniladi. Iллюстрativ- tasvirlash. Rasmlar ko'rsatish. Maktabda qo'llaniladigan ko'rsatma ma'lumotlar ikki turda bo'lishi mumkin.

1. Tabiiy ko'rsatma materiallar: o'simliklar, hayvonlar, foydali qazilmalar, ularning to'plamlari, fizik asbob va boshqalar.

2. Tasviriy ko'rsatma materiallar. Bu materiallar mazmuni, tuzilishi va shakliga qarab ikki turga bo'linadi:

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).** Boshlang'ich sinf o'qituvchining har daqiqa, har soniyada o'z ustida ishlashi, kasbiy faoliyatida har doim uzviy izlanishi, pedagogik ijodkorlik uchun joy mavjud va endi an'anaviy metodologiya darajasida emas, balki keyingi - texnologik darajada. Zamonaviy ta'limning eng yaxshi an'analarga tayanib, talabalarning individual xususiyatlarini hisobga oladigan tubdan yangi ta'lim tizimiga muhtoj.

Shuning uchun o'qitish texnologiyalarini ishlab chiqish, boshqacha qilib aytganda, aniq belgilangan maqsad va rejalashtirilgan natijalar bilan o'quvchilarni o'quv faoliyatini tashkil etish muhim ahamiyatga ega. Dars jarayonida yangi innovatsion texnologiyalarni mavzuga, fanga mos holda to'g'ri qo'llash o'quvchilarni fanga qiziqishini oshiradi hamda mavzuni o'zlashtirishi osonlashadi, esda saqlab qoladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar



1. Sh.Mirziyoyev “Yangi O‘zbekiston strategiyasi” Toshkent. 2021 yil
2. Bent V.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013. ISBN 978-5-7777-0556-3. p.3
3. Давыдов, В.В., Учебная деятельность и моделирование. / [Текст] / В.В. Давыдов, А.У. Варданян - Ереван: Луйс, 1981. - 219с.
4. Cecilia Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech. ISBN 978-953-51-0579-4, p.31

## TABIY FAN MAVZULARINI O‘QITISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

**M.Qo‘ldasheva.**

Namangan davlat universiteti dotsenti., PhD

**S.Tursunova.**

Namangan davlat universiteti 3-kurs talabasi

**Annotatsiya:** Texnologik innovatsiyalar hozirgi globallashtirish davrida ta’lim tizimlariga sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda. Onlayn tarzida olib borilayotgan kurslar, o‘quv qo‘llanmalari, o‘quv dasturlari, dars ishlanmalari, ta’limdagi dasturlar ijtimoiy tarmoq vositalari hamda yana boshqa rivojlanib borayotgan texnologiyalar shular jumlasidir. Ushbu maqolada o‘quvchilarga STEAM ta’lim dasturini tatbiq etish orqali yuqori natijalarga erishish nazarda tutilgan.

**Kalit so‘zlar:** Innovatsiya, texnologiya, tabiiy fan, STEAM, tadqiqot, energiya, suv, tabiiy fan, filtrlash

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ЕСТЕСТВЕННОНАУЧНЫХ ПРЕДМЕТОВ

**Аннотация:** технологические инновации оказывают значительное влияние на системы образования в нынешнюю глобализированную эпоху. К ним относятся курсы, учебные пособия, учебные программы, разработки уроков, программы в сфере образования, инструменты социальных сетей и другие развивающиеся технологии. В этой статье предполагается, что учащиеся достигают высоких результатов, внедряя образовательную программу Steam.

**Ключевые слова:** инновации, технологии, естественные науки, STEAM, исследования, энергия, вода, естественные науки, фильтрация

## THE USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE TEACHING OF NATURAL SCIENCE TOPICS

**Annotation:** technological innovation has a significant impact on educational systems in the current globalized era. These include courses, tutorials, curricula, lesson developments, programs in education, social networking tools, as well as other emerging technologies. This article provides students with high performance through the implementation of the STEAM education program.

**Key words:** Innovation, Technology, Natural Science, STEAM, research, Energy, Water, Natural Science, filtering

Hozirgi rivojlanib borayotgan davrda ta’lim tizimining rivojlanishini hamda hozirgi holatini axborotlashtirishsiz tasavvur qilish mumkin emas albatta. Zamonaviy bo‘lgan axborot texnologiyalaridan foydalanish ta’lim sifatini oshirishga keng yo‘l ochib beradi.

Zero, Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning Yangi O‘zbekiston strategiyasi nomli kitobida “Hozirgi paytda dunyo miqiyosida raqobat qanday keskin tus olib borayotganini hammamiz ko‘rib





turibmiz. Bu shiddatli raqobatga faqat zamonaviy ilm-fan, yuqori texnologiyalar va innovatsiya yutuqlarini keng joriy etish orqali munosib javob bera olamiz” deya ta’kidlaganlar.

Bu holatda esa pedagogik jarayonning mazmuni takomillashadi va o’qitishning innovatsion modellari joriy etiladi, shu bilan birga, o’quvchi hamda o’qituvchilarning hamkorlikda olib boradigan faoliyati tashkil etiladi. Fanlararo integratsiya o’quvchilarda zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyotning imkoniyat va muammolari, ekologik muammolarning mohiyati, tabiatdan oqilona foydalanish yollari, sog’lom turmush tarziga amal qilish tamoyillari hamda moliyaviy-iqtisodiy savodxonlik asoslarini tushunish va kundalik hayotda foydalanish ko’nikmalarini shakllantirishga qaratilgan.

Tabiiy fanlar bu fanning olamni u biror tabiiy qonunlarga bo’ysunadi, deb qarovchi va uni ratsional o’rganuvchi bo’limlari hisoblanadi. Tabiiy fanlar o’z ichiga astronomiya, kimyo hamda biologiyani oladi. Endi esa biz so’z ochgan Innovatsion faoliyatlar nima - bu ilmiy tadqiqotlar yoxud ilmiy-texnik yutuqlarni, jarayonlarni amaliy faoliyatda ishlatiladigan yangi yoki bo’lmasam takomillashtirilgan mahsulot texnologik jarayonlarga yoxud ijtimoiy xizmatlarga nisbatan yangi yondashuvga aylantirish bilan bog’liq bo’lgan faoliyat turidir. Tabiiy va iqtisodiy fanlar blok-moduli o’z ichiga biologiya, geografiya, fizika, kimyo, iqtisodiy bilim asoslari va tadbirkorlik asoslari o’quv predmetlarini qamrab oladi hamda ularning o’zaro aloqadorligini ta’minlaydi. Blok-modul tarkibiga kiradigan o’quv predmetlari o’quvchilarda tabiiy-ilmiy, texnik, ekologik va



iqtisodiy savodxonlikni shakllantirish hamda tanqidiy va ijodiy fikrlashni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda ta’lim jarayonida interfaol uslublar (inovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari) dan foydalanib, ta’limning samaradorligini ko’tarishga bo’lgan qiziqish, kundan-kunga kuchayishi tabiiy. Inovatsion texnologiyalar qo’llanilgan mashg’ulotlar o’quvchi yoshlar egallayotgan bilimlarini o’zlari qidirib topishlariga, mustaqil o’rganib tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o’zlari keltirib chiqishlariga qaratilgan. Maktabda robototexnika, sexmateknika xonalari bilan bir qatorda STEAM xonasi ham mavjud bo’lib, u zamonaviy interaktiv platforma, ish qurollari, tikuv mashinalari, to’quv moslamalari, Arduino platformalari va 5 xil turdagi kesish va randalash uskunalaridan iborat. Qizig’i shundaki, bu uskunalar o’quvchilar tomonidan qayta yasali, boshqa ko’rinish va vazifani bajarish imkonini beradi. Maktabda STEAM va robototexnika darslari o’zaro uyg’unlikda olib boriladi. Tabiiy fani o’qitishda, uning dastlabki tushunchalari boshlang’ich ta’limning atrofimizdagi olam, tabiatshunoslik va yuqori sinflarda tabiiy geografiya, fizika, kimyo, biologiya fanlarini o’rganishda shakllanadi. Dasturning yana bir jihati shundan iboratki, spiralsimon shaklda ma’lumotlar berilib, bunda o’quvchilarning bilim, ko’nikmalarini amaliyotda qo’llashga e’tibor qaratilgan. STEAM ta’limi-bilim, ko’nikma va malakalarning ilmiy jihatdan qanday qilib kundalik hayot bilan bog’liqligini ko’rsatish orqali sinfdagi dars mashg’ulotlari va maktabdan tashqari kundalik faoliyatida o’quvchilarning o’quv tadqiqotlarini o’tkazish, tajribalarni bajarib ko’rish, loyihalashtirishga yo’naltirilgan ijodkorligini tarbiyalash, yangiliklar yaratishga bo’lgan qiziqishlarini rivojlantirishga qaratilgan. Statistika ko’ra, 2011-yildan buyon STEAM-kasblarga bo’lgan talab darajasi 17% ga oshdi, oddiy kasblarga bo’lgan talab esa faqat 9,8% ga oshdi, bu esa butun dunyo bo’ylab ushbu ta’lim tizimiga katta talabni ko’rsatadi. 3-sinf tabiiy fan darsligida STEAM mashg’ulotlariga oid Relyef maketini yasash, urug’ va mevani o’rganamiz, Quyosh sistemasi modelini yasash, Energiyaning bir turdan boshqa turga aylanishi hamda Kunlik suv sarfini hisoblash kabi bir qancha amaliy mashg’ulotlar taqdim etilganini ko’rishimiz mumkin. Biz tadqiqot ishimizda suvni tozalash bo’yicha quyidagi STEAM mashg’ulotini ishlab chiqdik. Buning uchun bizga bitta baklashka kerak. Baklashga tepasini qirqib olamiz unga grammlar hisobida aytsak, kamida 10gr dan ko’mir kukuni, qum, gel, shag’al, tosh olamiz va uni ketma-ketligida, birinchi o’rinda eng pastida ko’mir, keyin qum, gel va shag’al solamizda so’ngra unga suv quyamiz. Ifloslangan suvni quygan bo’lsak ham baklashgani o’giz



qismidan suv filtirlanib, tozalanib tushadi. Buni tabiiy usulda suvni tozalash deb ayto olishimiz mumkin.

Xulosa sifatida aytishimzi mumkinki, STEAM mashg'uloti o'quvchilarda olgan bilimlarini amalda mustahkamlashda muhim ahamiyatga egadir, hamda kreativ ya'ni ijodiy yondashishga yo'naltiramiz. Shu bilan birga biz tabiat qonuniyatlarini to'liq tushinishga yordam bergan bo'lamiz. Hozirgi paytda dunyo miqyosida raqobat qanday keskin tus olib borayotganini hammamiz ko'rib turibmiz. Shu shiddatli raqobatga faqat zamonaviy ilm-fan, yuqori texnologiyalar va innovatsiya yutuqlarini keng joriy etish orqali munosib javob bera olamiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 28 iyuldagi «Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida»gi PQ-3160 sonli qarori

2. D.A. Muminova, M.N. Qo'ldasheva, S.A. Tursunov, S.I. Jo'rayeva. Boshlang'ich ta'limda tabiiy fanlar. Darslik. Namangan. 2023. – B. 98

3. Жўраев Р, Зуннунов А. Таълим жараёнида ўқув фанларини интеграциялаш. Шарк нашриёти. – Т.: 2005. – Б. 52

4. <https://hadoop.apache.org>



## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### BOSHLANG'ICH SINFLARDA TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILARNING RASM ISHLASH MALAKALARINI O'STIRISH

**Abdurahimova Farog'at Bozor qizi**  
GDPI, "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi"  
yo'nalishi 2-bosqich sirtqi ta'lim o'quvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada yoshlarga qaratilgan etibor, umumiy o'rta ta'lim maktablarida tasviriy san'at darslarining faoliyati, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni dars jarayonida qo'llanilishida ta'lim sifatini oshirishida muhim ahamiyati. An'anaviy metodlardan noan'anaviy metodlarning farqi va ijobiy hislatlari to'g'risida misollar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** mehnat, o'qituvchi, o'quvchi, ta'lim, zamonaviy texnologiya, an'anaviy va noan'anaviy metodlar, tasviriy san'at, pedagogik texnologiya, ijod.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tasviriy san'at darsining asosiy maqsadi o'quvchilarning badiiy-estetik tarbiyasi bilan bog'liq bo'lib, u yoshlarni komil inson qilib shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Tasviriy san'at darslari o'quvchilarning rasm ishlash malakalarini o'stiribgina qolmay balki ularni badiiy fikr doirasini kengaytiradi, ijodiy qobiliyatlari, kuzatuvchanligini, ko'z xotirasini rivojlantiradi. Shuningdek, bu o'quv predmeti o'quvchilarda milliy istiqlol g'oyalari shakllantirishda, ayniqsa axloqiy, vatanparvarlik, mehnatsevarlik ruhida tarbiyalashda katta imkoniyatlarga ega.

Tasviriy san'atning asosiy vazifalaridan biri bu o'quvchilarni estetik, xususan, badiiy tarbiyalash ekan, u hayotdagi, tabiatdagi, san'atdagi, kishilarning munosabatlaridagi go'zalliklarni to'liq idrok etishni shakllantirishdir. Zotan go'zallik kishilarning aqliga, qalbiga, irodasiga, ta'sir etib, ma'naviy dunyosini boyitadi. Hayotga estetik munosabatda bo'lish ilhomning asosi bo'lib, mehnatni quvonch va ma'naviy manbaga aylantirishga yordam beradi.

Xozirda o'quv rejalarida ta'lim mazmuniga ajratilgan dastur talablariga yarasha yoshlarga talablar darajasida bilim va malakalar berish ancha mushkul. Mazkur muammoni yechishga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash unga samarali ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Shunday ekan, o'qituvchi o'quvchilarni mustaqil kitob o'qishlari va tasviriy-ijodiy ishlarni bajarishlari elektron hisoblash mashinalari va testlardan keng foydalanish, viktorina, mustaqil qoralama va ranglamalar bajarish kabilarga yo'llashi kerak bo'ladi. Tasviriy san'at darslarida pedagogik texnologiyalarni qo'llash jarayonida quyidagi masalalar muhim hisoblanadi:

Ular ta'lim jarayonini samalari tashkil etish va bunda tashxisli ta'limga asoslanish, mazkur jarayonni doimo boyitish va yangilab turish, shuningdek bu masalada turli-tumanlikka erishish, ta'lim jarayonini to'xtovsiz taxlil qilib turish hamda uning mavjud pedagogik, jarayonlar bilan solishtirish, ta'lim oluvchilarning faoliyatlarini doimiy nazorat qilish va baholash hisoblanadi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyani muhim xususiyatlaridan yana biri bu ta'lim oluvchilarni o'qitish emas, ularni mustaqil bilim va malakalarni egallashlariga yo'naltirishdir. Bunda o'quvchining mustaqil ishlariga rahbarlik qilishdan iborat bo'ladi. Pedagogik texnologiyaning samadorligi esa ko'proq o'quvchilarni tegishli o'quv-metodik majmualari bilan ta'minlanganligi ham bog'liq bo'ladi. Mazkur texnologiyani asosiy shartlaridan yana biri bu o'quvchilarni pedagogik texnologiya nazariyasi va uni amaliyotda qo'llash mexanizmlarini puxta o'zlashtirib olishlari hisoblanadi.

Pedagogik texnologiyaning samadorligi ko'p jihatdan badiiy ta'lim jarayonida o'qituvchini o'quvchilar bilan hamkorlikda ishlab ularning faolligini oshirishga bog'liqdir. Shuningdek, u ta'lim oluvchilarni tasviriy san'at fanidan o'quv metodik majmualar va axbarot texnologiyalari materiallarini mustaqil taxlil etish ko'nikmalarni hosil qila olishiga ham aloqadordir. U



o'quvchilarni ta'lim jarayonida erkin fikr yuritishga, ularni o'qituvchi bilan tortinmasdan munozara qila olishga, o'z nuqtai nazarini isbotlashga imkoniyat va sharoit yaratish ham zarur.

Ta'lim jarayonida zamonaviy ilg'or texnologiyalardan foydalanish degani bu har bir darsda mavjud texnologiyalarni qo'llash shart degani emas. U dars mavzusi, uning mazmuni, darsdagi sharoitlar va imkoniyatlardan kelib chiqqan holda tadbiiq qilinishi mumkin. Xususan, tasviriy san'atni o'qitishda ko'p yillar davomida o'qituvchilar tajribasidan o'tgan hamda yuqori natijalar berib kelayotgan texnologiyalar ham borki, ularni bir chetga surib qo'yib, uning o'rniga zamonaviy deb atalayotgan va o'qituvchi tajribasida sinovdan o'tmagan texnologiyani darsga tiqishtirish katta xatodir.

Tasviriy san'atni o'qitishda tabiat qo'yniga sayohat, tabiat qo'ynida qoralama va rangalama chizdirish, viktorina va eng yaxshi yaxshi rasmlar tanlovini o'tkazish, bolalar rasmlari, ko'rgazmalarini tashkil etishdek an'anaviy texnologiyalar shular jumlasidandir. Shunday ekan, tasviriy san'at darslarida zamonaviy texnologiyalarni qo'llash masalasiga to'g'ri yondashish uchun uni yaxshi o'ylab amalga yondashish lozim.

O'quvchilar faoliyatini nazorat qilish va baholash:

Darsning boshlang'ich qismida, o'tgan darsda uyga berilgan topshiriqlarni tekshirish maqsadida ham o'tkaziladi. Amaliy ishlarni har bir darsda tekshirish orqali har bir bola faoliyatini nazorat qilish va baholash imkoni bor. Ularning ma'lum qismini darsning boshlang'ich qismida, bir qismini dars davomida, qolgan qismini esa o'qituvchi bolalarning ishlarini yig'ib olib, darsdan so'ng tekshiradi.

Bolalarning darsdagi faolligini rag'batlantirish, qiziqishini oshirish maqsadida ular tomonidan bajarilgan ishlarnigina emas, balki, topshiriqlarni bajarishga bo'lgan munosabatlari, ijodiy hatti-harakatlari uchun ham baholash mumkin. Shuningdek, o'qituvchi har qanday baho qo'yganida butun sinfni nima uchun shunday baho qo'yilganligidan habardor etsalar, bolalar baho mezoblarini ongli ravishda tushunib oladilar.

Ba'zan shunday bo'ladiki, bolaning o'zlashtirishi chorakma-chorak yaxshilanib boradi aksincha yomonlashib boradi. Bunday xolda o'quvchining so'ngi chorakdagi baholarni, qayta tekshiruvdan olgan baholari hal qiluvchi ro'l o'ynaydi. Pedagogik amaliyotda o'quvchilar faoliyatini baholash maqsadida nazorat ishlari quyidagilari yo'nalishlarida olib boriladi: Og'zaki, Mashq, Tasviriy ijodiy mustaqil ish, Test sinovlari, Uy vazifalari

**Og'zaki so'rov.** Nazoratning bu yo'nalishida o'quvchilarning maxsus atamalar, rassom va haykaltaroshlarning ishlatadigan asosiy ish qurollari va materiallari, mashhur rassomlar va ularning asarlari haqidagi tushunchalari hajmi aniqlanadi. Og'zaki so'rov frontal va individual tarzda amalga oshiriladi, hamda u o'quvchilarni tez-tez nazorat qilish imkonini beradi. Nazoratning bu turida hikoya qilish, tavsif berish, sharxlash va boshqa usullardan foydalanish samaralidir.

**Mashq.** Nazoratning bu yo'nalishida o'quvchilarning qalam, mo'yqalam, stek va boshqa ish qurollari, badiiy materiallar bilan ishlash malakalari va ko'nikmalarining darajasi aniqlanadi. Bu ish ko'proq naturaga qarab rasm ishlash va kompazitsiya mashg'ulotlari bilan bog'liq bo'ladi.

**Tasviriy-ijodiy mustaqil ish.** Nazoratning bu yo'nalishida o'quvchilarning badiiy tafakkuri va qobilyatlari, rivojlanish darajalari aniqlanadi. Bu ish ko'proq rangtasvir, dekorativ ishlar va haykaltaroshlikdan kompazitsiyalarni bajarishda qo'llaniladi.

**Test sinovlari.** Nazoratning bu turida o'quvchilar tomonidan tasviriy san'atning nazariy asoslari, maxsus atamalar, rassom, haykaltaroshlar va ularning asarlari, ish jarayonida qo'llaniladigan ish qurollari va jihozlari, materiallari, rang nomlarini o'zlashtirganlik darajalari aniqlanadi. Testlardan foydalanish tasviriy san'at darslarining barcha turlari bilan bog'liq holda amalga oshiriladi.

**Uy vazifasi.** Uy vazifalari sinfda o'tilgan mavzy bilan bog'liq holda ijodiy ishlar, mashqlarni bajarish, sinfda tugallanmay qolgan ishlarni tugatish, tevarak-atrofdagi ko'rinish va xodisalarni kuzatish, kelgusi dars uchun materiallar to'plash yoki tayyorgarlik ko'rish, san'at asarlarining reproduksiyalari va foto nusxalarini, illustratsiya va rasmlarni to'plash yo'nalishlarida namoyon bo'ladi.



Uy vazifalari tasviriy san'at mashg'ulotlarining barcha turlariga taaluqli bo'lib, u nafaqat yangi materiallarni puxta o'zlashtirish, balki o'tilganlarni mustahkamlash, bilimlarini kengaytirish va chuqurlashtirish, malakalar va ijodiy qobiliyatlarini o'stirishga ham xizmat qiladi. Bolalarning tasviriy ishlarini va bilimlarini baholashda bir qator mezonlar qo'llaniladi. O'quvchilarni tasviriy faoliyatdan bilim va malakalarini baholashda quyidagi mezonlar ishlatiladi.

#### Adabiyotlar/Literatura/References:

1. A.Haydarov. Inson kamoloti va milliy-ma'naviy qadriyatlar. T.: "Muharrir", 2008y.
2. N.Vohidova. Sharq mutafakkirlarining ta'limiy-axloqiy qarashlari. Oliy ta'lim. 2008 y. 8- son.
3. S.Bulatov. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. T.:1991 y
4. Sh.K.Shoyoqubov. Zamonaviy O'zbekiston miniatyurasi. T.: "O'zbekiston" nashriyoti 2006 y.
5. N.Jumaboev. Sharq miniatyura san'atining estetik tarbiyadagi o'rni. "Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari" elektron jurnali. 1-son. 2022 y.
6. V.Qo'chqorov. Ma'naviyat va milliy o'zlikni anglash. T.: Akademiya, 2008 y
7. Yakubova N.O. FAN VA JAMIYAT(N2)ISSN 2010-720X.202
8. Yusupova Sh. A. PHILOSOPHICAL READINGS E-ISSN:2036-4989  
Издатель:Ca Foscari University Department of Philosophy and Cultural Heritage  
10.5281/zenodo.5750235

### O'QUVCHILARNING BILISH FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH ORQALI IJODIY YONDSASHISHGA YO'NALTIRISH.

**Amonova Zarina Sharobidin qizi**

GDPI, "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi"  
yo'nalishi 2-bosqich sirtqi ta'lim talabasi

**Annotatsiya:** Fazoviy tassavurni o'stirishning birinchi usulida narsalarda berilgan chizmalardan foydalanib ularni oddiy figuralarga fikran ajratib o'qish va uning yaqqol tasvirini bajarish yo'li bilan talabalarning fazoviy tassavuri oshiriladi.

**Kalit so'zi:** Chizma, qobiliyat, tasavvur qilish, fazoviy tasavvurlarini shakillantrish, idrok, modellashtirish, fa'oliyat.

Pedagogik faoliyat yosh avlodni hayotga, mehnatga tayyorlash uchun jamiyat oldida, davlat oldida javob beradigan, ta'lim-tarbiya berishda mahsus tayyorlangan o'qituvchilar mehnati faoliyatidir. Pedagogik jarayonning mohiyatini anglamagan, bolaga nisbatan chuqur hurmatda bo'lmagan o'qituvchi ta'lim-tarbiya samaradorligi va inson kamolatini ta'minlovchi fikriga ega bo'lmaydi.

O'quv jarayonidagi sirtlarning o'zaro kesishish chizig'ini aniqlash mavzusini o'qitish vositasida o'quvchilarda fazoviy tasavvurni rivojlantirish haqida gapirilganda, bu masalaning ikki tomonini nazarda tutamiz.

Birinchidan, o'rgatuvchi shaxslarning (o'qtuvchi, o'quvchi uchun yozilgan kitob mualliflari) o'tilayotgan materialni o'quvchilar o'zlashtirishi uchun yaxshi sharoit ishlab chiqish maqsadida sirtlarning o'zaro kesishish chizig'ini aniqlash mavzusini o'qitishdan unumli foydalanish haqida so'z yuritiladi.

Ikkinchidan, o'quvchilarning chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanidan fazoviy tasavvurni rivojlantirish uchun ulardan foydalanishlari muhimdir.



Chizmachilik darslarida **ko'rgazmalilik** o'quvchilarning bilish jarayonini follahtirishga ma'lum darajada yordam beradi. O'rganiladigan ob'ektlar (tekis parallel ko'chirish usuli, almashtirish, aylantirish, joylashtirishlar) ni turli ko'rinishda berilishi o'quvchilar ularni kuzatish va tahlil etish jarayonlarini osonlashtiradi. Chunki, bu erda idrok etish jarayoniga ko'rish, sezish va muskul retseptor apparatlari kabi analizatorlar qo'shiladi. Bundan tashqari, texnik detallarni ushlab ko'rib bilish va sirtining tashqi ko'rinishini ko'zdan kechirib idrok qilish, o'quvchilarga sirtlarga ishlov berish sifatini, detal o'lchamini, o'tish joylarining ravonligini va boshqa xususiyatlarini aniqlashga yordam beradi.[2.105b] Ma'lumki, ilmiy texnikaviy rivojlanish ko'p jihatdan, texnikaviy loyhalashga asoslangan.

Umumiy o'rta ta'limda o'quvchilarni erkin fikirlashga, o'z fikrini bayon qila olishga, uni asoslashga va ularda ko'pchilik bilan fikirlashish madaniyatini rivojlantirishga chizmachilik fanidagi ijodiy izlanish talab qiladigan masalalar katta xizmat qila oladi.[4.67b]

Chizmachilik faning proeksiyon chizmachilik bo'limida model va detallarning ko'rinishlarini bajarish qoydolari o'rganiladi. Bunda o'quvchi idrok qilgan narsaning tekislikdagi proeksiyalarini qurishni o'rganadi. Idrok – bu bevosita sezgi a'zolariga ta'sir etayotgan obektiv mavjudot, predmet va hodisalarning kishi ongidagi inikosidir. Shunigdek, o'quvchi bub o'limda uch o'lchamli fazoda joylashgan model va detallarning tekislikdagi chizmasidan uning fazoviy holati va shakliga ko'cha olish lozim bo'ladi. Buning uchun kishida fazoviy tasavvur deb ataluvchi psixologik jarayon kechadi. Tasavvur – arabcha so'zdan olingan bo'lib, o'ylash, hayol qilish, ko'z oldiga keltirish, o'ylab zehinda gavdalandirish degan ma'nolarni beradi.

Ijodiy izlanish talab etiladigan masalalarda esa tasavvur bilan birgalikda inson tafakkuri ham muhim o'rnini egallaydi. Fazoviy tasavvur qilish – inson ongida shakillangan obrazni ko'z oldiga keltrish, fazoviy tafakkur etish esa–inson ko'z oldiga keltirgan obrazni tahlil qilish yoki u bilan “muloqot” da bo'lishdir.

Chizmachilikning hayot bilan bog'lanishi chizmani bajarishdan ko'ra ko'proq tayyor chizmani o'qiy olishni talab qiladi. Chunki chizmani o'qiy olish hozitgi zamon ishchisidan tortib konstruktorgacha kerak. Loyha ishlarini ham, yangi tehnikani bilib olish va o'zlashtirish ham chizmalarsiz amalga oshmaydi. O'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini rivojlantrish, tasavvurning yangi turlarin shakillantrish, bu bilan bog'liq bo'lgan grafik malakani oshirish chizmachilik o'quvchisining eng asosiy vazifasidir. Bundan ko'rinib turibdiki, chizmani bajarish va o'qish mutakkab jarayondan iboratdir. Shuning uchun bu jarayon uzoq vaqt o'rgatishni talab qiladi. [1.78b]

O'quvchining fazoviy tasavvur qilishi, bir tomondan, chizmani o'qishda hal qiluvchi ro'l o'ynasa, chizmani o'qish ham o'z o'rnida fazoviy tasavvurning rivojlanishida katta ahamiyatga ega. Shuning uchun chizmani o'qish davrida asosiy e'tibor o'quvchinng fikr yuritish faoliyatini, faollashtirishga, chizmani mantiqan to'g'ri ko'ra olishga, analitik-sintetik fikirlash qobiliyatni rivojlantrishga, texnik terminlarni to'g'ri qo'llay olishga qaratilmog'i lozim. Ammo bu vazifalarni amalga oshirishda o'quvchilar ayrim qiyinchiliklarga duch keladilar. Bular quydagilardan iborat:

- O'quvchilarda fazoviy tasavvur qila olish qobiliyatining etarli rivojlanmaganligi.
- O'quvchining qisqa vaqt ichida ko'proq mashiqlar bajara olmasligi. Ko'rsatilgan qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun, o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarni rivojlantruvchi geometric shakillar haqidagi tushunchalarni kengaytiradigan mashiqlar o'tkazish; individual topshiriqlaar berish bilan o'quvchilarning faolligini oshirish lozim. Chizmachilik darslarida narsalarning asliga qarab eskizlar va chizmalar chizish darslarida ko'pchilik o'quvchilar detallar tanlashi va ularni komplektlash ishida qiynalayotganliklari sir emas natijada, o'quvchilar yaqqol tasviriga qarab ish tutishga majbur bo'ladilar.

Bajarilayotgan chizma va fazoviy tafakkur etish o'zaro dialektik munosabatda bo'lgani uchun ular bir–birini qiziqarli g'oyalar bilan to'ldirib boradi. Natijada fazoviy tafakkur qilish chizmani ortda qoldrib, qog'ozda o'ylagan obrazini chizish bilan uni mustahkamlaydi.[3.127b]

Chizmachilik o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini shakllantirishda juda katta imkoniyatlarga ega. Fazoviy tasavvur va uni rivojlanishisiz chizmachilik dasturining asosiy mavzularini o'zlashtirish mumkin emas.



**Adabiyotlar ro'yxati.**

1. Murodov Sh.K., Tashimov N.E. “Grafik tasvirlash asoslari”. -T.: “Navro‘z”. 2013-y.
2. Ro‘ziyev E.I., Ashirboyev A.O. “Muhandislik grafikasini o‘qitish metodikasi”. - T.; “Yangi asr avlodi”. 2010-y
3. Sh.K. Murodov va b. “Yaqqol tasvirlar nazariyasi (aksonometrik proyeksiyalar)” T. TDPU rizograi. 2010y.
4. Rahmonov I., Valiyev A. Chizmachilik. -T., “Voriz-nashriyot”, 2011.
5. Yakubova. N.O. Chizmachilik (1-qisim) qo‘llanma –T.: “Ilm ziyo zakovat” 2023.

**Elektron ta’lim resurslari**

1. www.edu.uz
2. http://www.mv.gov.uz

**AQLIY HUJUM PEDAGOGIK TEXNOLOGIYASI ORQALI OQUVCHILARNI CHIZMACHILIK DARSLARIGA QIZIQTIRISH**

GDPI, “Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi”  
yo‘nalishi 2-bosqich sirtqi ta’lim o‘quvchisi

**Barotova Ma’mura Begali qizi**

GDPI, “Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi”  
yo‘nalishi 2-bosqich sirtqi ta’lim o‘quvchisi

**Mirvalieva Shahlo Insofalieyvna**

**Annotatsiya:** O‘qituvchi o‘quv yili boshida qaysi mavzularda aqliy hujum metodidan foydalanish mumkinligini o‘zining ishchi rejasiga belgilab qo‘yishi lozim. Aqliy hujum metodi o‘quvchilarning fazoviy tasavvur qilish, mustaqil fikrlash kabi fazilatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Shu boisdan qisqa muddatli didaktik mashq texnologiyalaridan, testlardan foydalanish tavsiya etiladi.

**Kalit so‘zi:** Chizma, qobiliyat, tasavvur qilish, fazoviy tasavvurlarini shakillantrish, idrok, modellashtirish, fa’oliyat.

Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida chizmachilik darslarida yoshlarga zamonaviy bilim berish va ularda amaliy ko‘nikmani rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning o‘rni beqiyosdir. Bu metodda o‘rtaga tashlanadigan savol to‘satdan beriladi. O‘quvchilarning savolga berilgan har qanday javobi qabul qilinadi va muhokamadan keyin javobi topiladi. Noto‘g‘ri javob bergan o‘quvchi tanqid qilinmaydi. Barcha javoblarning berilgan savolga nisbatan ijobiy tomonlari muhokama qilib ko‘riladi. Ma’lum miqdorda javobning savolga qiyosiyliги hisobga olinadi. Bunday yondashish savolga nisbatan ijodiy fikrlash qobiliyatini o‘stiradi. O‘quvchilarni har qanday savolga javob izlashga undaydi va ularni befarq qoldirmaydi<sup>15</sup>.

Ijodiy fikrlashning usuli aqliy hujumning asosiy maqsadi va uni o‘qitishning faol didaktik yo‘llari mavjud:

- o‘qishning faol shakli;
- o‘quvchilar o‘zlarining qisqa va lo‘nda fikrlash qobiliyatini o‘stiradi;
- o‘qituvchi o‘quvchilarning bir-birini tinglashi rag‘batlantiradi va kimda-kim o‘rtoqlarining fikrlarini rivojlanishiga intilsa, ularga yordam beradi;
- qiyin o‘zlashtiruvchi o‘quvchilarning fikrini qo‘llash orqali uni bahsga faol ishtirokini ta‘minlaydi;
- o‘rganilayotgan mavzuni o‘zlashtirishda yangi usullar yetilishi mumkin;



- o'rganilayotgan aqliy hujum o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otadi va ularni chizmachilikdan turli innovatsion pedagogik texnologiyalardan tuzilgan qisqa muddatli evristikali, intuitivli, vaziyatli, hamkorlikdagi mashqlarni o'tkazishga imkon yaratadi.

Bu yerda, berilgan savolga olingan javoblar oldin sinf doskasiga yoki qog'ozga yozib boriladi. Keyin har bir javob o'zaro solishtiriladi va javob tanlab olinadi. Lekin noto'g'ri yoki kulgili javoblar bo'yicha hech qanday tanqid qilinmasligi lozim. To'g'ri javob aniqlangandan so'ng, har bir o'quvchi o'zining javobidan qoniqa olmaganligini tushunib yetadi.

Bu metoddan o'rganilayotgan mavzuning tushunishi qiyin bo'lgan lahzadan foydalanib, o'quvchilarda ushbu qismdan xabardorligi yoki munosabatni aniqlashda qo'llaniladi, uni quyidagi tartibda o'tkazish tavsiya etiladi:

1. Mavzu bo'yicha o'quvchilarga muhokama qilish uchun savol beriladi.
2. Ushbu savolga har bir o'quvchi o'zining munosabatini javob orqali ifoda qilishga intiladi.
3. O'quvchilar qanday fikr bildirishgan bo'lsa xuddi shunday yozib boriladi. Ba'zi hollarda aniqlashtirish maqsadida o'sha o'quvchiga aniqlantiruvchi savol berilishi mumkin.
4. Barcha fikr va mulohazalar aytib bo'lingandan so'ng, savol vazifani qaytarish va o'quvchilardan olingan javoblarni takrorlab chiqiladi.
5. O'quvchilardan qaysi javob haqiqatga yaqin, to'g'ri va aniq berilganligini muhokama qilish topshiriladi.
6. O'qituvchi yakun yasaydi va mohiyat nimada ekanligiga ahamiyat beradi hamda natijani e'lon qiladi.
7. Aqliy hujum ko'p vaqtni olmasligi muhim hisoblanadi. Uni 4-5 daqiqadan oshmaslik, barcha javoblardan asosiy va ikkinchi darajaliligi aniqlanishi lozim.
8. Aqliy hujum kerakli paytda ta'sir etuvchi metod hisoblanadi. Aqliy hujum uyushtirish texnologiyasi 7 – 8 o'quvchidan tuzilgan guruhlarda o'tkazish yaxshi natija beradi.

1. Hujum uyushtirishdan oldin ko'rsatma beriladi, bu yerda asosiy qoida – har qanday javobga tanqidiy fikr bildirilmaydi, hatto to'g'ri javobga ham, mantiqsiz javobga ham. Har bir guruhda o'qituvchi tomonidan lider (peshvo) tayinlanadi yoki saylanadi. Lider aqliy hujumning qoidasini buzilmasligini kuzatib boradi, g'oya (fikr)ni izlash yo'lini kuzatadi, u yoki bu qiziqarli (to'g'ri) g'oyaga urg'u berib, uni rivojlantirishga intilishni diqqat bilan kuzatib turiladi. Guruhdagi bittasi barcha fikr va go'yalarni kim tomonidan aytilganligini yozib boradi.

2. Mavzu bo'yicha masala sharti aniqlanadi va birinchi muhokama o'tkaziladi.

3. O'qituvchi birinchi bosqich uchun vaqt (muhlat) belgilaydi va uni sinf doskasiga yozib qo'yadi.

1 – bosqich. Fikr (g'oya) bankini tashkil qilish. Bu yerda asosiy maqsad imkon bo'lgan barcha yechimlarni ishlab chiqish, so'ngra reflektiv nuqtai nazardan qanday xatolar qoida buzilishlar aniqlanadi.

2 – bosqich. G'oya (fikr)lar tahlili. Guruhda aytilgan barcha fikrlar tanqidiy nuqtai nazardan muhokama qilinmaydi. Bu yerda har bir g'oyada foydali tomonlarini aniqlashga urinib ko'riladi. Balki unday g'oyadan qanday foydalanish mumkinligi inobatga olinishi izlab ko'riladi. Yoki boshqa mavzuda, sharoitda qo'llash maqsadga muvofiq bo'lishi hisobga olinishi mumkinligi o'ylab ko'riladi.

3 – bosqich. Natijalarni ishlab chiqish. Har bir guruh ikkitadan beshtagacha qiziqarli yechimlarni tanlab olishadi va ularni lider yoki boshqa tayinlangan ishtirokchi sinfga hamda o'qituvchiga gapirib beradi. Tanlangan yechimlar ichida eng yaxshi qiziqarli, to'g'rilari qatori judayam “g'alati” javoblar ham muhokamaga qo'yiladi. Muhokama davrida barcha javoblar hech ham tanqid qilinmasligi lozim. Aks holda o'quvchilarning izlanish jarayoniga putr yetkazish mumkin. Ulardan faqat foydalanish, tomonlarini qidirish orqali o'quvchilarda fikrlash qobiliyatini o'stirishga qaratilishi lozim.

Ba'zi hollarda teskari aqliy hujum uyushtirish orqali sinf yechimi topilgan g'oyalarni tanqid qilishi mumkin. Bunda har bir aniqlangan kamchilik yangi g'oya deb qabul qilinadi va ularning yechimini izlashga to'g'ri keladi.





Aqliy hujum metodidan ba'zi mavzularni o'tayotganda foydalanish tavsiya etiladi. Masalan, detalga o'lcham qo'yish mavzusida – nima sababdan baza tanlanadi? Yoki tutashmalar mavzusida nima uchun tashqi tutashma deyiladi? Yoki kesim mavzusida qanday shartliklar mavjud? kabi savollar to'satdan berilishi lozim. Shunda aqliy hujum uyushtirilgan bo'ladi.

O'qituvchi o'quv yili boshida qaysi mavzularda aqliy hujum metodidan foydalanish mumkinligini o'zining ishchi rejasiga belgilab qo'yishi lozim. Aqliy hujum metodi o'quvchilarning fazoviy tasavvur qilish, mustaqil fikrlash kabi fazilatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Shu boisdan qisqa muddatli didaktik mashq texnologiyalaridan, testlardan foydalanish tavsiya etiladi. Aqliy hujum metodidan foydalanilayotganda quyidagi xatolar kelib chiqishi mumkin: 1. Tanlangan mavzu aqliy hujum texnologik jihatdan bu metodga to'g'ri kelmasligi mumkin.

2. Tanlangan mavzu oldin o'quvchilarga darsda o'tilmagan bo'lsa.

3. Kichik guruh lideri yoki o'qituvchi o'quvchilarning fikrlarini oxirigacha tinglamay fikrlarini bo'lib tursa.

4. Muhokama davrida ba'zi fikrlar inobatga olinmay yakunlansa kabilar. Dars jarayonida aqliy hujum uyushtirish texnologiyasiga o'quvchilar intuitsiyadan keng foydalanishida. Bundan tashqari berilgan savolga hamda mashq bajarishda intuitsiyaga suyanishadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. N.Azixodjaeva. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.– T.: Cho'lpon, 2005.
2. Raxmonov I., Qirg'izboyeva N., Ashirboyev A., Valiyev A., Nigmanov B. Chizmachilik. – T.: "Voriz-nashriyot", 2016-456 bet.
3. Ashirboyev A., Valiyev A., Nigmanov B. Chizmachilik. –T.: "Voriz-nashriyot", 2016-456 bet.
4. N.X.Gulomova, D.A.Yuldasheva Chizmachilik (umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun metodik qo'llanma) –T.: "Zuxra baraka biznes" 2017.
5. Yakubova. N.O. Chizmachilik (1-qisim) qo'llanma –T.: "Ilm ziyo zakovat" 2023
6. Rahmonov I., Valiyev A. Chizmachilik. -T., "Voriz-nashriyot", 2011.
7. Yusupova Sh. A. PHILOSOPHICAL READINGS E-ISSN:2036-4989 Издатель:Ca Foscari University Department of Philosophy and Cultural Heritage 10.5281/zenodo.5750235

#### TO'GARAK MASHG'ULOTLARIDA KAMOLIDDIN BEHZODNING IJODI BILAN O'QUVCHILARNI TANISHTIRISH

GDPI, "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi"  
yo'nalishi 2-bosqich sirtqi ta'lim o'quvchisi  
**Rustamova Bahorgul Abdulkarimovna**

**Annotatsiya.** Maqolada ilm-fan, adabiyot, san'at sohalarida iste'dodli yoshlarni izlab topish ularning ijodiy salohiyatini yurtimiz mustaqilligi va xalqimiz ma'naviyatini boyitishga yo'naltirish, g'amho'rlik qilish kabilar kun tartibiga qo'yilganligiga urg'u berilgan. To'garak mashg'ulotlarida o'quvchilarni Kamoliddin Behzodning sharqona tasviriy san'at uslubi bilan tanishtirish yullari hamda to'garak rahbarligi kabi muammolarni xalq etishga urinish ifoda etilgan.

**Kalit so'zlar:** ta'lim va tarbiya, estetik tarbiya, madaniy meros, komil inson, badiiy meros, yuksak fazilat, tasviriy san'at, miniatyura san'ati, ijodiy to'garak.

Har bir jamiyatning ma'naviy darajasi, bilimli, iste'dodli, qobiliyatli va o'quvli insonlarni qadrlash ularga alohida g'amxo'rlik qilish, kamol topishi uchun etarli shartsharoitlarni ta'minlab berishi bilan belgilanadi. Ma'naviy jihatdan rivojlangan jamiyatdan iste'dod egalari millatning g'ururi kelajagi deb qaraladi. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng, har sohada bo'lgani kabi iste'dod egalari bo'lgan munosabat ham o'zgaradi. Halol, nomusli, pok qalbli, o'ziga talabchan bo'lmasdan turib, g'oyaviy inson bo'lishi mumkin emas. Ya'ni jamiyat ideallari, prinsiplari va qadriyatlari qanchalik zo'r g'ayrat bilan qaror toptirib borilsa, olib



borilayotgan ijodiy to'garak tarbiyaviy jihatdan samarali bo'ladi. Bu esa g'oyaviy ishlar samaradorligini oshirishning nosog'lom muhitlar ro'y berishidan saqlanishning eng ta'sirchan usulidir.

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalariga bolalar, o'smirlar ijodiyot saroylari, uylarklublari va markazlari, bolalar-o'smirlar sport maktablari, san'at maktablari, musiqa maktablari, studiyalar, kutubxonalar, sog'lomlashtirish muassasalari va boshqa muassasalar kiradi. Tasviriy san'atdan ommaviy va tarbiyaviy ishlarga oid to'garaklarda o'quvchilarning badiiy-estetik didini, ma'naviyatini, axloqini, Vatanga, el-yurtga bo'lgan mehr-muhabbatini mehnatga, bilim olishga bo'lgan intilishini, qobiliyatini oshirish va albatta yangi-yangi samarali ishlarga bosh qo'shmog'i muhim ahamiyat kasb etadi [1:37]. Tadbirni amalga oshirish rejasida estetik tarbiyaga e'tiborni qaratish lozim.

O'quvchilar qalbini urf-odatlarimiz, qadriyatlarimizni o'rgatish orqali ulardan odobxloq nurlarini yoritmoqchi bo'lgan tarbiyachi o'qutuvchi chuqur bilim, keng maxorat va tarbiyachilik, tashkilotchilik san'atini egallamog'i lozim.

Maktabda sinfdan tashqari tasviriy san'at to'garaklarini amalga oshirish metodikasi kursining maqsadi:

-bo'lajak o'qituvchi tarbiyachilar, to'garak rahbarlariga tarbiyaga doir tadbirlarni amalga oshirishning nazariy va amaliy asoslari haqida bilim berish;

-o'quvchilarni ma'naviy barkamol qilib tarbiyalashda o'zbek xalqining urf-odatlari, milliy va ma'naviy qadriyatlaridan foydalanish, manbashunoslikka o'rgatish;

-ommaviy tadbirlarni rejalashtirishda o'quvchi yoshlarning yosh xususiyatlari qiziqishi, jamoadagi ijobiy va salbiy tomonlarining mavjud darajasiga e'tibor berish;

-tarbiyaviy tadbirlar, ijodiy to'garaklarni sifat va samaradorligini oshirishda yangicha ishlash metodi va shakllaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lish kabilar.

Tasviriy san'atda nafosat tarbiyasi masalasi hozirgi zamon pedagogikasida ta'lim tarbiyaning umumiy muammosi bilan bog'liq. Tasviriy san'at ijodida va idrokida intellektual asosiy qaror topshirishdan hech qachon voz kechmaslik kerak. Tasviriy san'at mashg'uloti, tasviriy san'atdan sinfdan tashqari to'garak ishlarini olib borish tarbiya berishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

To'garak mashg'ulotlarida o'quvchilarni Kamoliddin Behzodning sharqona tasviriy san'at uslubi bilan tanishtirishning samarali yo'llari, pedagogik shart-sharoitlari ko'rsatib berildi. Tadqiqot ishida ilgari surilgan nazariy qarashlar sinfdan va maktabdan tashqari ta'lim-tarbiya jarayonini mazmunan boyitadi, ushbu jarayonni takomillashtiradi hamda sinfdan va maktabdan tashqari ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Tadqiqot natijalaridan sinfdan va maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish borasidagi adabiyotlar, qo'llanmalar hamda uslubiy ishlanmalarni yaratishda foydalanish mumkin.

Tasviriy, amaliy san'at va me'morchilik tashkil etiladigan to'garaklar umumiy o'rta ta'lim maktablarining barcha sinflarini qamrab oladi. Ular kichik (1-4 sinflar), o'rta (5-7 sinflar), katta (8-9 sinflar) guruhlardan tashkil etiladi va rangtasvir, haykaltaroshlik, grafika, naqqoshlik, ganchkorlik, misgarlik, qashtachilik, yog'och o'ymakorligi, badiiy sopoldo'zlik, shuningdek, me'morchilik, san'atshunoslik to'garaklari hisoblanadi.

To'garak tasviriy san'atning u yoki bu turi janri asosida ham tashkil etilishi mumkin. Miniatyura, monumental, badiiy bezak, mozaika v.b. Bu to'garaklarning turlari ularga ajratilgan soatlar, xajmi va ta'lim mazmuni bolalarning istaklari, mayllari va maktab imkoniyatlari, bolalarning yoshlik hususiyatlaridan kelib chiqib tanlanadi. Maktablarda to'garaklarning maqsad va vazifalari asosan bolalarning badiiy-ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish hisoblanar ekan, ular qat'iy reja asosida muntazam olib borilishi talab etiladi. To'garaklar har bir maktabda san'atning turlari, guruhlar bo'yicha bitta yoki bir nechta bo'lishi mumkin. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida to'garak rahbarining asosiy e'tibori quyidagilarga qaratiladi:

- to'garaklarga tasviriy yoki amaliy san'atga qiziqishi va qobiliyati bor o'quvchilar qabul qilinadi hamda har bir guruhda ularning soni 10-15 tadan oshmasligi lozim. Aks holda ular bilan olib boriladigan ishlarning sifati pasayib ketadi;



- to'garakka bolalarning qiziqishi, idroki, tasviriy malakalari, ijodiy qobiliyatlari o'rganilib va ma'lum vaqt mobaynida sinovdan o'tkazilib, qabul qilinadi.

Tasviriy va amaliy san'atdan nazariy bilimlar to'garak turiga qarab oddiy yoki murakkab mazmun beriladi.

1. San'shunoslik to'garaklari (Tasviriy san'atning alohida tur va janrlari, O'zbekiston tasviriy san'ati, u yoki bu davr tasviriy san'ati bo'yicha). bunday to'garaklarda nazariy bilimlar bolalarga ancha keng va chuqurroq hajmda beriladi.

2. Tasviriy san't (rangtasvir, haykaltaroshlik, grafika) to'garaklari. Bunday to'garaklarda nazariy bilimlar o'rtacha hajmda beriladi.

3. Amaliy-bezak san'ati to'garaklari. Bunday to'garaklarda nazariy bilimlar qisqartirilgan hajmda beriladi. Biroq, xalq amaliy san'ati tarixi uni nazariy asoslari, xalq ustalari, amaliy san'atda ishlatiladigan ish turlari va jihozlar, materiallar, ish uslublari, xalq san'ati rivoj topgan markazlar, san'at va viloyat o'lkashunoslik muzeylari, ulardagi eksponatlar haqida keng ma'lumotlar berilishi talab etiladi.

Amaliy san'atning u yoki bu turi bo'yicha mashg'ulotlarda bolalar kompozitsiya ishlar ekanlar avvalo uni bevosita amaliyot yoki buyumlar bilan bog'lab amalga oshiradilar, ya'ni bajariladigan naqsh yoki bezaklar u yoki bu buyumning badiiy bezagi uchun mo'ljallangan bo'lishligi lozim. Bunda bolalar buyumning vazifasi, materiali, shakli, o'lchovlari kabilarni hisobga oladilar. Ular buyumning vazifasi, shakli, materialini hisobga olib, yo'lsimon, kvadrat, uchburchak, to'rtburchak, doira, ko'pburchak, namoyon shakllarida badiiy bezak ishlarini bajaradilar. Bu ishlar amaliy san'atning turiga qarab ham eskiz, ham bevosita buyum yuzasiga ishlanishi mumkin. San'atshunoslik asoslari tasviriy va amaliy san'atdan barcha to'garak mashg'ulotlarida o'rganiladi. San'atshunoslik bo'yicha to'garaklarda san'at tarixi ancha keng va chuqur o'rgatilsa amaliy tarzdagi rangtasvir, haykaltaroshlik, grafika, shuningdek, amaliy san'atning turlari bo'yicha tashkil etilgan to'garaklarda uning hajmi ma'lum miqdorda torayadi. Quyida tasviriy san'at tarixi bo'yicha to'garak mashg'ulotlarining mazmuni bayon etiladi. Shuningdek, bolalar san'at asarlarining reproduksiyalari va otkritkalarini, rassom, haykaltaroshlar haqida materiallar to'plashga odatlantirish yaxshi natijalar beradi. Tasviriy san'atning tur va janrlari rassom va haykaltaroshlar haqida albom tayyorlashlari mumkin [11:7]. Bu ish ularni san'atga qiziqishini oshirishda, badiiy fikr doirasini kengaytirishda, badiiy tafakkurini o'stirishda katta yordam beradi. San'at tarixiga doir to'garak mashg'ulotlarida o'qituvchi o'zbek mashhur san'atining mustaqillik yillaridagi taraqqiyoti, jahonga mashhur o'zbek rassomlari va ustalari, o'zbek tasviriy va amaliy-bezak san'ati ustalarining yuksak badiiy saviyada yaratgan asarlari jahonning yirik va mashhur muzeylaridan o'rin olganligi hamda o'zbek xalqi bundan faxrlanishi haqida so'zlab berishi lozim. Afrosiyob, Varahsha, Xalchayonda va boshqa er ostidan topilgan shaharlar va uylar devorlariga ishlangan devoriy rasmlar, shuningdek haykallar nushalarini namoyish etish va Sharq uyg'onish davrida Movarounnaxr miniatyura san'ati, Kamoliddin Behzod va uning shogirdlari tomonidan yaratilgan tengi yo'q asarlar, IX-XV asrlarda O'zbekiston me'morchiligining noyob asarlari haqida ma'lumot berish bolalarda san'atga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi.

Ma'lumki Sharq miniatyura rangtasviri ma'lum davrlarda katta shuhrat qozondi. Uning shuhrati hozirgi davrda ham ko'pgina Sharq va G'arb sharqshunoslarining e'tiborini o'ziga qaratib kelmoqda. U o'zining ishlanish uslubi, bezakdorligi bilan G'arb san'atidan keskin farq qiladi. Shuning uchun ham Sharq miniatyura maktabi asarlarini, uning namoyondalari faoliyatini o'rganish tasviriy san'atdan to'garak mashg'ulotlari jarayonida o'quvchilar uchun faqat turli san'at maktablarini bilishda ahamiyatli bo'libgina qolmay, balki Sharq san'atining o'ziga xos xususiyatlari o'sha davrdagi xalq hayotini bilib olishga yordam beradi. To'garak mashg'ulotlarida Sharq miniatyura asarlarini o'rganishda o'qituvchi Behzod va uning miniatyura maktabiga alohida e'tibor berishi, uning shogirdlari hisoblanmish Sulton Muhammad, Qosim Ali, Darvish Muhammad, Muzaffar Ali, Rustam Ali, Mir Said Ali, Maxmud Muzaxhib, shuningdek, Muhammad Murod Samarqandiy, Sa'di Buxoriy, Muhammad Nodir Samarqandiy, Ahmad Kalla va boshqalarining hayoti va faoliyati haqida to'xtalishi o'quvchilarni san'atga bo'lgan qiziqishlarini yanada oshirishga yo'l ochib beradi.



**Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. A.Haydarov. Inson kamoloti va milliy-ma'naviy qadriyatlar. T.: "Muharrir", 2008y.
2. N.Vohidova. Sharq mutafakkirlarining ta'limiy-axloqiy qarashlari. Oliy ta'lim. 2008 y. 8- son.
3. S.Bulatov. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. T.:1991 y
4. Sh.K.Shoyoqubov. Zamonaviy O'zbekiston miniatyurasi. T.: "O'zbekiston" nashriyoti 2006 y.
5. N.Jumaboev. Sharq miniatyura san'atining estetik tarbiyadagi o'rni. "Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari" elektron jurnali. 1-son. 2022 y.
6. V.Qo'chqorov. Ma'naviyat va milliy o'zlikni anglash. T.: Akademiya, 2008 y

**ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

ГДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси  
йўналиши 2-босқич сиртки таълим ўқувчиси

**Жанузакова Зухра Нарбековна**

ГДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси  
йўналиши 2-босқич сиртки таълим ўқувчиси

**Юсупова Нилуфар Пўлотовна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада фазовий тасаввур олийгоҳда ўқитиладиган геометрия, математика, чизма геометрия, перспектива, қалам тасвир, ранг тасвир, композиция ва шу каби фанларни ўзлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Ўқувчи буюмнинг шакли (қиёфаси) ҳақида аниқ бир фикрга келиши учун геометрик жисмлар ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

**Калит сузи:** Фазовий тасаввур, фазовий тасаввурнинг тузилиши, фазовий образнинг масалани ечиш, фазовий визуализация, объект, чизма, буюм, детал

Хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий тадқиқот марказларида чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантиришда график билимлар, объектларнинг функционал ва конструктив ўзига хослигини билишга асосланган кўникма ва малакалар (компетенциялар)ни самарали қўллаш, график касбий йўналганлик ва фаолият тажрибаси касбий-педагогик фаолият, унинг аҳамияти ва муайян технологик масалаларга муносабат, чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчиси йўл қўядиган камчиликларни олдини олишга қаратилган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича алоҳида илмий изланишлар талаб этади. Шу жиҳатдан олий таълим муассасаларида чизмачилик ва чизма геометрия фанида педагоглар тайёрлайдиган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурларида конструкторлик, ишлаб чиқариш технологик ва коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнида касбий график компетентликни ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимининг ҳозирги босқичида таълим мазмуни ва методикасига таълим мазмуни лойиҳалаш, касбий график компетенцияларни тузилмаларга ажратиш, ўқитишнинг янги методик моделларини яратиш ва уларни таълим амалиётида қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш бўйича “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим механизмларини амалга ошириш, меҳбугунги куннинг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>26</sup> асосий вазифа сифатида белгиланган. Бунда бўлажак чизмачилик таълими ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ҳамда касбий график фаолиятнинг репродуктив, продуктив ва креатив даражаларини пухта эгаллаши учун барча дидактик имкониятларни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.



Ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини шакллантириш ва у билан боғлиқ бўлган малакани ошириш график фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмидир. Зеро, ҳеч бир ўқув фани фазовий тасаввурни чизмачилик фанидан ривожлантира олмайди [1].

Илмий-методик адабиётларда фазовий тасаввур, фазовий тушунча, хотира образлари, хаёлий образлар, фазовий тафаккур каби сўзларни кўп учратиш мумкин [3].

Бу сўзлар мазмунига кўра ҳар хил моҳият касб этади, чунки тасаввур тафаккурдан, тафаккур эса тушунчадан кескин фарқ қилади. Чизмачилик дарсларида бу сўзларни кўллашда жисм проекцияларини яшаш билан нарсанинг фазовий қиёфасини тасаввур этишни тушунамиз. Буюмлар ва уларнинг фазовий муносабат ва хусусиятларини англаш билан боғлиқ бўлган бу тушунчалар ўқувчиларда тасодифан содир бўлмай, балки график тасаввурни ўргатиш жараёнида чизмачилик ўқитувчисининг ёрдами билан ҳосил бўлади.

Кўпгина деталларнинг шакли геометрик жисмларнинг йиғиндиси ёки уларнинг айрмасидан тузулганлиги учун уларни геометрик тушунчалар билан аниқланиши бежиз эмас.

Ўқувчи буюмнинг шакли (қиёфаси) ҳақида аниқ бир фикрга келиши учун геометрик жисмлар ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

**Фазовий тасаввур ўзи нима?** Берилган жисмнинг шаклини, ўлчамларини, қисмларини ҳамда унинг фазода тутган ўрнини фикран қайта тиклашга **фазовий тасаввур** дейилади. Фазовий тасаввурлар жисмнинг хотирада шаклланган образи ёки хаёлий образлари орқали фикран киши онгида қайта тикланади. Ушбу хусусиятига кўра психологлар фазовий тасаввурларни иккига ажратадилар: **хотара образлари ва хаёлий образлар** [3].

Предметни хотирада мавжуд тушунчалар орқали қайта ишлагандан тахминий кўринишда тасаввур қилишга **хотира образи** дейилади.

**Хаёлий образлар** эса хотира образидан фарқ қилади. Бунда жисм тўғрисида хотирада мавжуд образлар фикран қайта ишланади ва жисм янги фаразлар билан бойитилган ҳолда тасаввур қилинади. Ўз навбатида хаёлий образлар ҳосил бўлишига қараб иккига бўлинади: а) фикран қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган **хаёлий тасаввур образлари**; б) **ижодий тасаввур образлари**.

**Хаёлий тасаввур образлари** берилган материаллар (чизма, тавсиф, яққол тасвир)ни фикран қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган янги образдир. Чизмачилик дарсларида жисмнинг шаклини унинг чизмаси асосида фикран тасаввур қилиш, тавсифи бўйича жисмни тасаввур этиб, унинг тасвирини ҳосил қилиш, детални берилган иккита проекцияси бўйича тасаввур этиб, учинчи проекцияни яшаш фикран қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган хаёлий тасаввур образлар асосида амалга оширилади. Яққол тасвири бўйича детал чизмасини ҳосил қилиш, тасаввур этиш асосида унинг йиғма чизмаларини, қурилиш чизмаларини ва схемаларни ўқиш ҳам фикран қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган хаёлий тасаввур образларини маҳсулдир.

Куйидаги берилган машқларни бажариш ҳам ўқувчиларда фазовий тасаввурни шакллантириш жараёнини фаоллашувига ёрдам беради. Ўқувчига деталнинг берилган иккита кўринишига асосан учунчи кўринишини чизиш ҳамда унинг ёзма тафсифини баён этиш топширилади. Бу хилдаги машқларни бажарганда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурда ҳосил бўлган образларни ёзма тарзда баён этиш малакалари ошади. Ёинки, яққол тасвири берилган детални оғзаки таҳлил қилиб, унинг қирралари, ёқларини алоҳида-алоҳида тасвирлаш ва детал учларини тегишли ҳарфлар билан белгилаш топширилади. Бу машқларни бажарганда ўқувчилар яққол тасвирда берилган учлар-нуқталар эканлигини, қирралар тўғри чизик кесмалари, ёқлар эса текислик бўлаклари эканлигини англаб етадилар. Деталнинг тавсифига яққол тасвирини ва шу асосда унинг чизмасини чизишга доир мисоллар ечганда ўқувчилар матндаги маълумотларга таяниб, детал элементларини тасаввур қилади ва детал образини кўз олдида келтириб унинг тасаввирини чизади. Ана шундай тасвирларни алмаштиришга доир машқ ва масалалар ечиш ўқувчилар фазовий тасаввурларининг кўзгалувчанлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Айниқса, чизмада деталнинг фазовий вазияти ва шаклини ўзгартиришга доир машқлар ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини



ривожлантириш билан бирга уларнинг техник ижодини ўстиришга сезиларни ёрдам кўрсатади. Ҳозирча бундай машқ ва масалалар методик адабиётларда етарлича эмас.

Тасвирларни алмаштиришга доир бундай машқларни бажариш ўқувчилар фазовий тасаввурини ривожлантириш билан бирга келгусида уларни олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида график фанлардан муваффақиятли дарс беришларига замин ҳозирлайди.

**Ижодий тасаввур образлари**-булар янги образлар бўлиб, уларни яратишда чизма, схема, тавсиф каби топшириқлар ва йўлланмалар берилмайди. Ижодий тасаввур жараёнида шундай янги образлар шаклланадики, уларни амалда жорий этиш натижасида янги машиналар лойиҳасини ихтиро этиш, янги санъат ва бадиий адабиёт асарларини яратиш мумкин бўлади.

Олийгоҳ ўқувчилари фаолиятида бундай тасаввур образларига мисол қилиб олийгоҳ чизмачилик курсида тавсифи бўйича конструкциялашга доир берилган турли топшириқлар ва уларни ечиш учун зарур бўлган барча чизмаларни бажариш талаб этадиган ижодий характердаги масалаларни кўрсатиш мумкин.

Бундай янгиликлар бизларнинг иқтисодий ва маданий бойликларимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Ижодий тасаввур этиш конструктор, ихтирочи, архитектор, мусаввир ва ёзувчи каби ижодкорларга хосдир.

Фазовий тасаввур олийгоҳда ўқитиладиган геометрия, математика, чизма геометрия, перспектива, қалам тасвир, ранг тасвир, композиция ва шу каби фанларни ўзлаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Олийгоҳда чизмачилик фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда фазовий тасаввурларни етарли даражада ривожлантирмай туриб, бу фанни талаб даражасида уларга ўргатиб бўлмайди.

Мазкур фанни ўқувчилар чуқур эгалласалар, олийгоҳда ўқитиладиган бошқа график фанларни тез ва осон ўзлаштирадilar. Шу сабабли ҳам ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларни ривожлантириш олийгоҳда ўқитиладиган чизмачилик курсининг долзарб масаласи ҳисобланади. Масала моҳияти олийгоҳларнинг чизмачилик ўқув дастурида ўз аксини топган. Бу масалани ҳал этиш учун кўрсатмали воситалар, компьютер техникаси, шунингдек дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмаларида етарли материаллар мавжуд. Масалани муваффақиятли ҳал этиш эса чизмачилик ўқитувчисининг билим, малака ва маҳоратига боғлиқ бўлиб, ундан шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақазо этади.

Санъат аввало маънавий ишлаб чиқариш тури, онг ҳамда билиш соҳасидир. У санъатнинг туб моҳиятини ифодалайди. Шу муносабат билан унинг назариясини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир, чунки шундай қилинганда унинг олдида замонавий амалиёт томонидан қўйилган долзарб муаммоларни шунчалик тез ҳал этиш мумкиндир. Шу ҳақиқатни очиқ айтиш лозим: бизнинг мамлакатимизда дизайн имкониятларидан тўла равишда фойдаланилаётгани йўқ. Бу борада вужудга келган муаммоларни тушуниш мумкин; чунки биринчидан дизайнерлик фаолиятининг ниҳоятда мураккаблиги бўлса, иккинчидан, унинг фан-техника, муҳандислик-конструкторлик, иқтисодий фаолияти билан боғликлигидир, учинчидан, жамиятнинг ижтимоий маданий ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетганлигидир.

Инсон шундай яралганки, у табиат ва жамиятда пайдо бўладиган кўпдан-кўп муаммоларга ёшлигиданоқ жавоб излайди, ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга интилади, дунёнинг сир-асрорини содда ва аниқ қилиб изоҳлаб берадиган билимлар, тасаввури ва тушунчаларга қизиқади. Шу тариқа у доимо ҳақиқатни билишга интилиб, ниманидир кашф қилиб, янгиликларни қидириб яшайди.

Инсон бирор нарсани яратишдан олдин идрок этиб, тасаввур ва фантазия қилиб, зеҳн билан илҳомланиб ижод қилган ҳар бир асари муваффақиятли чиқади. Хўш, ижод нима? Ижод инсоннинг меҳнатида пайдо бўлган қобилияти туфайли у воқелик материалдан янги реаллик яратади. Ижодда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади.



Ижод дастлаб инсон тасаввурида туғилади, сўнг ижодга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади. Ижодий қобилиятнинг дастлабки кўриниши зеҳндир. Зеҳн инсоннинг қизиқувчанлигида, интилишида намоён бўлади. Қизиқувчанлик ижодий фаолиятнинг ривожлантирувчи омилидир. Ҳар бир ижодкор хаёл суриш, тасаввур қилиш қобилиятини ўзида ривожлантириши лозим. Тасаввур нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларни эслаш, шунингдек, ижодий хаёл суриш жараёнидир. Тасаввур хотира шаклида ҳам намоён бўлади. Тасаввурни янги образлар билан бойитиш, фикрлаш топшириқларни ечишда муҳим ўрин эгаллайди. Тасаввур билан тафаккурнинг ҳамкорликдаги муносабатлари янгилик унсурлари пайдо бўлишини ижодий хаёл тимсоллари вужудга келишини таъминлаб туради.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Тасврий санъат ва уни ўқитиш методикаси. Б.Н.Орипов “ИЛМ-ЗИЁ” Тошкент-2016.
2. Тасврий санъат асослари. Раҳим Хасанов. Тошкент-2008.
3. Тасврий санъат ўқитиш методикаси. С.Ф.Абдурасулов Тошкент-2002.
4. Умумий педагогика. Ў.Ж.Йўлдошев таҳрири остида (Ўқув қўлланма) Тошкент-2017.
5. Электрон ресурс: <https://hozir.org/zamonaviy-ahborot-tehnologiyalarining-rivojlanaetgan-junalishl.html>
6. Yakubova. N.O. Chizmachilik (1-qisim) qo'llanma –T.: “Ilm ziyo zakovat” 2023.



БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ  
ТАДҚИҚОТЛАР

КАЧЕСТВО ЖИЗНИ БОЛЬНЫХ С МИГРЕНЬЮ

к.м.н., доцент Тошкенов Э.М.,

Студент магистры 3го курса Хамидов О.Х.

Кафедра неврологии Андижанского Государственного медицинского института.

**Введение:** Мигрень (М) значительно ухудшает качество жизни (КЖ) пациентов оказывая неблагоприятное воздействие на профессиональную деятельность и социальную жизнь. КЖ у больных М вне зависимости от возраста оказывается ниже чем у лиц не страдающих головными болями (ГБ), при этом имеет место нарушение всех составляющих КЖ. Влияние М на жизнь пациента не ограничивается только аспектами, связанными с физическим здоровьем и приемом лекарственных препаратов. Страдает качество жизни членов семей больных М и семейные отношения. Снижение КЖ при мигрени оказывается более выраженным чем при диабете, артериальной гипертензии, остеоартрите, боли в пояснице и примерно соответствует КЖ при сердечной недостаточности т. е. влияние М на благополучие пациентов значительно и сравнимо с другими хроническими заболеваниями известными как несомненно ухудшающие КЖ.

**Ключевые слова:** качество жизни больных, мигрень, тревога, депрессия.

**Цель исследования** изучить качество жизни пациентов страдающих мигренью и его связь с личностными особенностями пациентов ( уровнями тревоги и депрессии пациентов) и клиническими особенностями заболевания.

**Материал и методы:** Обследовано 70 пациентов (женщин 66 , 4 мужчин) в возрасте 16–57 лет (средний возраст  $38,01 \pm 9,84$ ) года ( $M \pm StD$ ), страдающих мигренью последовательно обратившихся за помощью в отделение неврологии клиники АГМИ. Обследование проводилось в межприступном периоде в амбулаторных условиях .

**Результаты и обсуждение.** У обследованных пациентов выявлены высокие уровни актуальной и конституциональной тревоги, тогда как уровень депрессии по опроснику Бека оказался невысоким. Показатели тревоги и депрессии в контрольной группе оказались ниже, чем у страдающих мигренью, но различия не были статистически значимыми актуальная тревожность у здоровых лиц составила в среднем ( $37,40 \pm 10,71$ ) ( балла  $t = 1,748$ ;  $p = 0,084$ ), личностная –  $43,20 \pm 11,42$  ( $t = 1,290$ ;  $p = 0,201$ ). По неспецифическому Гетеборгскому опроснику КЖ у пациентов с М оказалось сниженным , составив в среднем ( $56,00 \pm 10,71$ ) балла. В контрольной группе аналогичный показатель составил ( $67,00 \pm 6,45$ ) балла различие достоверно: ( $t = 2,806$ ;  $p = 0,006$ ).

**Заключение.** На качество жизни при мигрени значительное влияние оказывают особенности личности пациента. а именно приверженность пассивным стратегиям преодоления боли. уровни тревоги и депрессии.

### Литература

1. Белова А.Н., Шкалы тесты и опросники в неврологии и нейрохирургии М., 2004. 432 с.
2. Новик А.А., Одинак М.М., Ионова Т.И., Бисага Г.Н. Концепция исследования качества жизни в невро - логии Невролог журн // . . 2002. № 7 (6). С. 49–52.





**Ибрагимова З.Ж.**

Ферганский медицинский институт  
общественного здоровья  
ziyodaibragimova75@gmail.com

## ПЛОСКОКЛЕТОЧНАЯ МЕТАПЛАЗИЯ В РЕСПИРАТОРНОМ ТРАКТЕ

**Аннотация:** Этот тезис обсуждает плоскоклеточную метаплазию как преднеопластическое изменение бронхиального эпителия, возникающее в ответ на токсическое воздействие, особенно от сигаретного дыма. Описывается процесс изменения эпителия от многорядного столбчатого реснитчатого к многослойному плоскому и связанные с ним последствия, такие как хронический бронхит и риск развития рака легких, особенно у курильщиков. Текст также подчеркивает важность предотвращения и устранения факторов, способствующих этим изменениям, для предотвращения возможной злокачественной трансформации эпителия.

**Ключевые слова:** Слизистая оболочка дыхательных путей, однослойный многорядный столбчатый реснитчатый эпителий, бронхоэктазы, плоскоклеточная карцинома.

Плоскоклеточная метаплазия - это преднеопластическое изменение бронхиального эпителия, наблюдаемое в легких в ответ на токсическое повреждение, вызванное сигаретным дымом. Это часть многостадийного процесса, который в конечном итоге может привести к полной неопластической трансформации, к бронхиальной карциноме. Не все поражения плоской метаплазии прогрессируют до неоплазии, особенно если они имеют низкий уровень, а некоторые могут регрессировать до нормального эпителия, особенно после прекращения курения.

В слизистой оболочке дыхательных путей человека однослойный многорядный столбчатый реснитчатый эпителий может переходить в многослойный плоский неороговевающий эпителий. Этот переход от столбчатого к плоскому эпителию называется столбчато-плоскоклеточная метаплазией или плоскоклеточной метаплазией. Подобные изменения эпителия являются обратимыми и характеризуются переходом от одного типа полностью дифференцированной зрелой клетки к другому типу зрелой клетки. Следует отметить, что, по средством постоянных внешних раздражителей базальные клетки в знак защиты пролиферируются в плоскую клетку. В последующем все клетки эпителия предомногослойного столбчатого реснитчатого эпителия заменяются на многослойный плоский неороговевающий эпителий. Эти клеточные изменения считаются контролируемыми и адаптивными.

Однако изменения характера респираторного эпителия могут происходить и в других участках реснитчатого эпителия, когда при изменении характера воздушного потока или при форсировании воздушного потока, как, например, при хроническом кашле. Как правило, при хроническом бронхите и бронхоэктазах респираторный эпителий изменяется в отдельных участках до расслоенного плоского. Измененный эпителий более устойчив к физическим нагрузкам, но менее эффективен функционально.

Курение сигарет в анамнезе ассоциируется с 90% случаев рака легкого, при этом рак легкого развивается у 15% курильщиков в течение всей жизни

У курильщиков происходят аналогичные изменения эпителия. Вначале реснички реснитчатых клеток под воздействием вредных элементов, содержащихся в дыме, теряют синхронность биения. В результате нарушается удаление слизи. Чтобы компенсировать это, человек начинает кашлять, тем самым облегчая отхождение скопившейся в дыхательных путях слизи. Дыхательных путях, особенно в трахее. Со временем из-за хронического кашля количество реснитчатых клеток уменьшается. Такое уменьшение количества реснитчатых



клеток еще больше нарушает нормальную структуру эпителия и приводит к тому, что нормального эпителия и приводит к его замещению расслоившимся плоским эпителием в пораженных участках дыхательных путей. Если не устранить факторы (например, табакокурение), предрасполагающие к плоской метаплазии, то метапластический эпителий может подвергнуться злокачественной трансформации. Таким образом, одна из двух наиболее распространенных форм рака респираторного тракта - плоскоклеточная карцинома - берет свое начало из плоских метапластических клеток.

**Список используемой литературы:**

1. Бахтин А. А., Туманова Е. Л. Экспрессия цитокератинов реактивно измененного цилиндрического реснитчатого эпителия синоназального тракта при хронических воспалительных процессах //Научно-практический рецензируемый журнал Клиническая и экспериментальная морфология. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 14-24.
3. Jalolidinova I. Z. Onkologik kasalliklarda limfa tugunlarida morfofunktsional o'zgarishlar //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 952-955.
4. Histology: a text and atlas: with correlated cell and molecular biology/Michael H. Ross, Wojciech Pawlina.—6th ed.
6. TISHABAEVA N. A., IBRAGIMOVA Z. J., MIRZAJONOVA S. A. Iron deficiency anemia as an actual problem in medical practice //THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука, (4). – 2022. – С. 653-656.

**UDK: 616.428 :578.834.11**

**КОВИД-19 ДА МЕЗЕНТЕРИАЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ  
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**Раимқулов Ривож Собир ўғли**  
e-gmail: rivoj.raimqulov13@gmail.com  
Тошкент тиббиёт академияси

**Аннотация.** Ковид-19 да инфекциясида лимфа тугунларининг ўзига хос морфологик ўзгаришлари бири бу пўстлоқ қаватидаги трабекуляр қон томирлар ва посткапилляр венуларининг эндотелийсининг бўқиши ва гидропик дистрофияга учраши билан намоён бўлишидир. Айни вирусли табиатли ҳар қандай касалликда, иммун хужайралардан Т-лимфоцитларнинг ҳар хил субпопуляциялари ёки В-лимфоцитларнинг антиген тутувчи популяцияларининг ҳар хил даражадаги ўзгаришлари, сон ва сифат ўзгаришлари билан намоён бўлади. Иммун аъзолардаги ўзгаришлар лимфоцитларнинг ҳар хил популяцияларини тўпланиши билан кечиши аниқланади.

**Калит сўзлар:** лимфа тугуни, лимфоцитлар, лимфоид фолликула, маргинал майдон, герминатив марказ, иммуногистохимия.

Ковид-19 (SARS-CoV-2) да асосан нишон хужайралари билан таъсирланиши, иммун хужайраларнинг дисфункциясига олиб келади [1]. Натижада касаллик кескин ривожланиши билан намоён бўлади.

SARS-CoV-2 кўзгатувчиси, асосан ангиотензин ҳосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши, хужайра хужайрасида пироптозга учратиши (лейкотриенлар, СРБ, ААБ, МРСА ва бошқалар) яллиғланиш жараёнини кучайиши билан намоён бўлади. Пироптоз жараёнида ҳосил бўлган оралиқ махсулотлар қўшни хужайралардан: эпителиал хужайра, эндотелиал хужайралар, алвеоляр макрофаглар, семиз хужайралар, яллиғланиш олди цитокинларини (ИЛ-6, ИЛ-8, МIP1 $\alpha$ , МIP1 $\beta$ , МСР1 ) массив равишда ажратиши томир бўшлиғидаги оқ қон таначаларини: моноцитлар, Т-лимфоцитлар, макрофаглар, плазмоцитларни ўзига жалб этиб, яллиғланишга



жавобан юзага келувчи реактивликни асосан гиперэргик тусда ривожланишига олиб келади[7,8].

Натижада касаллик клиник жиҳатдан жуда оғир кечиб, хаётий муҳим аъзоларда ўпка, юрак, буйрак, ошқозон ости беши, буйрак усти беши ва иммун аъзолардаги қон айланишининг кескин бузилиши (капилляр даражасида) ва полиорган етишмовчилик кўринишида намоён бўлиши ўлим кўрсаткичларини юқорилиги, касалликни пик босқичларида қон айланишини қайта тиклашда клиник самародорликни яънада ошириш мақсадида ушбу ўзгаришларни айна ишимизда иммун аъзолардан хисобланган талоқ тўқимасидаги ўзига хос умумий ва маҳаллий морфологик ўзгаришларни ўрганиш ҳозирги даврда ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради[9].

Кортикал соҳада В-лимфоцитларнинг кескин пролиферацияси, В-лимфоцитларнинг SARS-CoV-2 қўзғатувчиси таъсирида гипермутацияси ва моноцеллюляр цитоллиз ўчоқларининг бўлиши билан характерланди. Ушбу цитолизга учраган плазмоцитларнинг атрофида хужайра детритлари ва атрофида макрофагал инфильтрация ўчоқларининг кескин ривожланиши билан намоён бўлди. Шу билан бирга посткапилляр венулалар ва трабекуляр артерияларнинг кескин кенгайиши ва юқори цитоплазмали эндотелий хужайраларининг гидропик дистрофияси эндотелиоз ўчоқларининг шаклланиши ва микротромбоз билан давом этиши характерлидир.

Паракортикал соҳалар атрофида тожсимон троекторияни эгаллаган Т-лимфоцитларнинг аксарияти антигенга боғлиқ бўлган пролиферациясининг нисбатан камайганлиги, интерстициал бўшлиқлар атрофининг кенгайиши хужайравий иммун тизимнинг шикастланганидан ва шаклланмаган CD20+, CD25+ маркерли лимфоцитларнинг камайганлиги шу соҳаларда макрофаглар ва ретикулоцитларнинг кўплаб тўпланиши ва сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг ўсиши билан характерланади.

**Хулоса,** Т-майдондаги лимфоцитлар атрофида макрофаглар ва ретикулоцитларнинг кескин пролиферацияси, лимфа тугуни строма-томир тузилмаларидан бириктирувчи хужайраларнинг пролифератив фаолигини ошириш, томир деворининг қалинлашиши, посткапилляр венулалардан Т-лимфоцитларнинг миграцияси бузилиши (микроангиосклероз), кейинги навбатда, томир орқали лимфа суюқли динамикасини бузилиши, кўплаган кистоз кенгайган ўчоқларнинг пайдо бўлиши аниқланди. Пўстлоқ қавати трабекуляр артериялар ва посткапилляр венулаларнинг тўлақонлиги, эндотелий хужайраларининг гидропик дистрофияси, эндотелиози ва микротромбози билан давом этиб, мезентериал лимфа тугунларида лимфааденопатия ва лимфаденит кўринишида кечиш билан характерланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Федоров Д.Н., Коростелева П.А., Зыбин Д.И., Попов М.А., Тюрина В.М., Варламов А.В. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований). Альманах клинической медицины. 2020;48:37-42.
2. Walls AC, Park YJ, Tortorici MA, Wall A, McGuire AT, Veesler D. Structure, Function, and Antigenicity of the SARS-CoV-2 Spike Glycoprotein. *Cell*. 2020;181(2):281–92.e6. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.058.
3. Perrella A, Trama U, Bernardi FF, Russo G, Monastra L, Franganza F, Orlando V, Co. Brancatella A, Ricci D, Viola N, et al. Subacute thyroiditis after SARS-CoV-2 infection. *J. Clin Endocrinol Metab*. 2020;105(7): dgaa 276. <https://doi.org/10.1210/clinem/dgaa 276>.
4. Stafford VV. Use of an immunohistochemical method in diagnostics. *RJOAS*. 2016 Aug;8(56):18-21. doi: 10.18551/rjoas.2016-08.03.



УДК: 616.428:578.834.11  
ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БРОНХОЛЕГОЧНЫХ  
ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ УМЕРШИХ ПРИ COVID-19

Раимкулов Ривож Собир угли  
Ташкентская медицинская академия  
e-gmail: rivoj.raimqulov13@gmail.com

**Аннотация.** Патогенез новой коронавирусной инфекции COVID-19 находится в стадии активного изучения. Тем не менее сведения об изменениях лимфоидной ткани во вторичных органах иммунной системы, сопровождающих тяжелое течение заболевания, пока остаются крайне ограниченными. Цель исследования – изучить гистологические и иммуноморфологические изменения лимфатических узлов умерших пациентов с COVID-19 тяжелого течения.

**Ключевые слова:** COVID19, патогенез, патоморфология, лимфатические узлы, иммунопатологические механизмы, повреждения эндотелия.

Возбудителем новой коронавирусной инфекции COVID-19 стал одноцепочечный РНК-вирус SARS-CoV-2, который принадлежит к семейству Coronaviridae и отнесен ко II группе патогенности [1, 2]. Проникновение в организм человека происходит через клетки-мишени, имеющие рецепторы ангиотензинпревращающего фермента II типа (АПФ2) и мембранный белок CD147 [3,4], наиболее часто – через эпителий воздухоносных путей и альвеолоциты легких, слизистую оболочку желудочно-кишечного тракта. Поражение, обусловленное вирусом SARS-CoV-2, обычно носит системный характер, что связано с широкой экспрессией рецепторов АПФ2 и CD147 на поверхности клеток различных органов, в том числе на эндотелии кровеносных сосудов, нефротелии, в миокарде и на клетках центральной нервной системы [5].

Было подтверждено [1], что COVID-19 является системным заболеванием с обширным вовлечением не только легких и сердца, но и других органов. При этом все пациенты имели поражение кровеносных сосудов [2]. К настоящему времени опубликовано много работ по патоморфологическому исследованию секционного материала пациентов, умерших от COVID-19, но об изменениях, возникающих в органах лимфатической системы, в частности в лимфатических узлах, по-прежнему информации недостаточно. По данным литературы, распространенность внутригрудной лимфаденопатии составляет примерно 6% среди всех случаев COVID-19 [3, 4]. РНК SARS-CoV-2 удалось обнаружить в прикорневых и субкаринальных лимфатических узлах, как методом иммуногистохимии (моноклональные антитела к белку шипа), так и методом полимеразной цепной реакции (ПЦР) [5, 6]. Морфологически лимфатические узлы имели нормальную структуру фолликулов с картиной гемофагоцитоза приблизительно в половине описываемых случаев [3, 5]. РНК коронавируса была также идентифицирована в трахее, селезенке, эпителии почечных канальцев, что подтверждало диссеминированный характер течения новой коронавирусной инфекции. Ткани лимфатических узлов аутопсий-ный материалы умерших пациентов тяжелой формой COVID 19 исследовали гистологическими иммуногистохимическими методами с использованием антител к CD4, CD8, CD20, CD30, CD123, CD138.

**Заключение.** Гистологические изменения в большинстве своём носят неспецифический характер и являются проявлением лимфаденита с гиперактивацией и истощением лимфоцитов вследствие их усиленного апоптоза: нормальная, иногда стертая структура фолликулов с гемофагоцитозом, снижение количества лимфоцитов, макрофагальная инфильтрация, гиперплазия эндотелия сосудов, очаговый некроз и ядерная фрагментация. Интересным является то, что при тяжелой инфекции, сопровождающейся неадекватным иммунным ответом гуморального звена выявляются изменения в виде



отсутствия формирования зародышевых центров, которое в свою очередь является специфическим проявлением дисрегуляции иммунного звена.

Таким образом, течение коронавирусной инфекции, вызываемой различными типами возбудителей имеет сходные черты патоморфологических изменений. Для полноценного понимания о возможных специфических изменениях требуется дальнейшее изучение проблемы.

### Список литературы

1. Федоров Д.Н., Коростелева П.А., Зыбин Д.И., Попов М.А., Тюрина В.М., Варламов А.В. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований). Альманах клинической медицины. 2020;48:37-42.
2. Park WB, Kwon NJ, Choi SJ, Kang CK, Choe PG, Kim JY, Yun J, Lee GW, Seong MW, Kim NJ, Seo JS, Oh MD. Virus Isolation from the First Patient with SARS-CoV-2 in Korea. J Korean Med Sci. 2020;35(7):e84. doi: 10.3346/jkms.2020.35. e84.
3. Hoffmann M, Kleine-Weber H, Schroeder S, Krüger N, Herrler T, Erichsen S, Schiergens TS, Herrler G, Wu NH, Nitsche A, Müller MA, Drosten C, Pöhlmann S. SARS-CoV-2 Cell Entry Depends on ACE2 and TMPRSS2 and Is Blocked by a Clinically Proven Protease Inhibitor. Cell. 2020;181(2):271–80.e8. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.052
4. Wang K, Chen W, Zhou YS, Lian JQ, Zhang Z, Du P, Gong L, Zhang Y, Cui HY, Geng JJ, Wang B, Sun XX, Wang CF, Yang X. SARS-CoV-2 invades host cells via a novel route: CD147-spike protein [Internet]. bioRxiv. 2020 Mar. doi: 10.1101/2020.03.14.988345.
5. Walls AC, Park YJ, Tortorici MA, Wall A, McGuire AT, Velesler D. Structure, Function, and Antigenicity of the SARS-CoV-2 Spike Glycoprotein. Cell. 2020;181(2):281–92.e6. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.058.
6. Perrella A, Trama U, Bernardi FF, Russo G, Monastra L, Franganza F, Orlando V, Co. Brancatella A, Ricci D, Viola N, et al. Subacute thyroiditis after SARS-CoV-2 infection. J Clin Endocrinol Metab. 2020;105 (7):dga276.

UDK: 616.24-002-039.35-02:616.98:578.834.1

## ПОСТКОВИД СИНДРОМИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИНИ МАКРОСКОПИК ЎЗГАРИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАХЛИЛЛАР

Шералиев Илѐсжон Иброхим ўғли

Тошкент тиббиёт академияси

e-mail: SHERALIYEV726ILYOS.@gmail.com

**Аннотация.** Постковид синдромида ўпкаларда юзага келадиган макроскопик ўзгаришларни аниқ талқини ифода этиш учун Республика патологик анатомия марказига олиб келинган мурдалар аутопсиясида касаллик тарихи ўрганилди. Анамнезида ковид-19 юқтирганига 3 ойдан кам бўлмаган, лекин бошқа соматик касалликлар билан хасталанганлар ўпка тўқимасининг макроскопик органометрияси амалга оширилди. Олинган натижаларнинг ёшга доир ўзгаришлари тахлил қилинди ва рақамларда келтирилди. Натижаларнинг тахлили постковид синдромида асосан эркак жинслилар ўпкасида, пневмосклероз жараёнини ривожланиши, вазн бўйича ўпка тўқимасининг ўртача вазни меъѐрга нисбатан 1,6 баробаргача ошганлиги ва патологик ўчоқлар асосан кутбли кўринишда, ўпкаларнинг пастки бўлақларида ривожланганлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** постковид синдром, ўпка тўқимаси, ўпка карнификацияси, пневмосклероз, пневмофиброз, патоморфология.



**Муаммонинг долзарблиги.** Постковид синдромида ўпкаларнинг интерстициал яллиғланиши билан боғлиқ патологик ўзгаришларнинг ёшга доир ўзгариши, касалланган контингентнинг умрини иккинчи ярмида ривожланадиган касалликларнинг индуцирланиши ва яширин кечаётган касалликларни юзага келши билан давом этганлиги АҚШ, Япония, Европа олимлари томонидан кўп маротаба келтирилган [1,2,3]. Лекин шунга қарамасдан постковид синдромида аксарият, паренхиматоз аъзолардаги патологик ўзгаришларнинг номаълум этиологияларга кўра ковид-19 инфекциясидан кейинги даврда индуцирланиши, қандли диабет, юрак ишемик касалликлари, ўпканинг интерстициал склеротик ўзгаришлари билан давом этиши бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, аниқ бир мақсадли мезонлар келтирилган ва ёшга доир ўзгаришларнинг патоморфологик ҳос жихатлари хақида маълумотлар келтирилмаган. Холбуки, постковид синдромида қайта пневмониянинг юзага келиши ёки қайд этилиши ковид-19 нозологияси билан ташхисланиб, ўпка тўқимасида юзага келган, иккиламчи склеротик ўзгаришлар фонида қолиб кетишлиги ва ўпка гипертензияси кўринишида, юрак хуружлари кўринишида кам даражада ташхисланиб, бемор танотогенези механизмида ўз ўрнини аниқ кўрсатмаган. Бу эса, айти тадқиқот ишимизда катталарда постковид синдромида ўпкаларда юзага келадиган патоморфологик жараёнларни ўрганиш ва мохиятини тушунтириш орқали аниқ даволаш ва ташхислаш тактикасини белгилаб бериш имконини беради [4,5,6].

**Натижалар.** Республика патологик анатомия марказига олиб келинган мурдалар аутопсияси 2021 йил давомида, аксарият контингентнинг ўртача ёши 45,8 ёшни ташкил этиб, шуларнинг 57,6% ни 47-50 ёшлилар ташкил этган. Мурда аутопсиясида ўрганилган маълумотлар бўйича, постковид синдромида иккала ўпкалар кўздан кечирилганда, аксарият ўпкалар юзаси нотекис, ғадир будур кўринишда, хавосиз, бўлиб, консистенцияси зич бўлган сохалари сувда 4/3 қисмининг чўкиши, кесилганда товуш чиқариб ғирчиллаши, кесим юзаси яхшилаб кўздан кечирилган пушти кулранг бўлиб, сегментар ёки бўлакчали кўринишда асосан пастки бўлакларида тўқ пушти рангли “ ари уясини ” эслатувчи тузилшдалиги аниқланади. кесим юзаси ялтирамайди, шу сохадаги майда калибрли бронхлар бутунлай ёпилган, деярли ўпка тўқимаси билан бирлашиб бир хил консистенцияга кирганлиги аниқланади. Шу билан бирга, соғлом сохадаги ўпка тўқимаси юзаси кўтарилиб турган, хаволи кўринишда, буллёз эмфизематоз кенгайган ўчоқлар аниқланади. Висцерал парда қон томирлари тўлақонли кўринишда, лимфа томирларининг проекцияси ҳам яққол тасвирланади. Ковид-19 дан кейинги касалланиб тузалган сохалари зичроқ, майда петрификат ўчоқлари аниқланади (ўртача диаметри 0,2-0,3 см), зич фиброз тўқимали юзаси толасимон кўринишдаги пейзаж аниқланади. Аёл жинслилар аутопсиясида ўпка тўқималарининг манзараси ҳам деярли ўхшаш, лекин вазнда ва висцерал парадаларининг кам миқдордаги тўлақонлик белгилари билан ажралганлиги аниқланади.

**Жадвал-1.**

**Аутопсия холати бўйича постковид синдромида ўпка тўқимасининг жинс бўйича вазни**

Жинси	Ўнг ўпка	Чап ўпка	Макс имал оғирлик	Миним ал оғирлик
Эркак (n=29)ўртача	570-610 гр	455-512 гр	720/570	430/380
Аёл (n=27)ўртача	450-560гр	350-430гр	610/480	400/360

**Хулоса,** постковид синдромида ўпка тўқимасининг пневмофибрози ва пневмосклерозининг кескин ривожланиши ва морфофункционал фаол алвеолаларнинг гиперплазияси ва компенсатор эмфиземаларнинг юзага келиши, ўпка тўқимасининг “ари



уяси” шаклига кирганлиги билан давом этганлиги аниқланди. Бу эса, ўпка тўқимасида стабил пневмофиброз жараёнини жадал суъратларда давом этаётганлигини тасдиқлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Федоров Д.Н., Коростелева П.А., Зыбин Д.И., Попов М.А., Тюрина В.М., Варламов А.В. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований). Альманах клинической медицины. 2020;48:37-42.
- 2) Walls AC, Park YJ, Tortorici MA, Wall A, McGuire AT, Veesler D. Structure, Function, and Antigenicity of the SARS-CoV-2 Spike Glycoprotein. Cell. 2020;181(2):281–92.e6. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.058.
- 3) Perrella A, Trama U, Bernardi FF, Russo G, Monastra L, Fraganza F, Orlando V, Co. Brancatella A, Ricci D, Viola N, et al. Subacute thyroiditis after SARS-CoV-2 infection. J. Clin Endocrinol Metab. 2020;105(7): dgaa 276. <https://doi.org/10.1210/clinem/dgaa 276>.
- 4) Stafford VV. Use of an immunohistochemical method in diagnostics. RJOAS. 2016 Aug;8(56):18-21. doi: 10.18551/rjoas.2016-08.03.

## BOLALARNI OVQATLANTIRISH

**Suvonova Mexribonu Musaevna**

Navoiy Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi  
texnikumi “Pediatriyada hamshiralik ishi”fani  
Oliy toifali o`qituvchisi

**ANNOTATSIYA:** Ona suti orqali ovqatlantirish chaqaloq rivojlanishining asosiy poydevori bo`lib hizmat qilibgina qolmay, ona va bola o`rtasida mehr va muhabbatning shakllanishiga zamin yaratadi. Ushbu maqolada ona sutining bebaho ekanligi yoritilgan

**KALIT SO`ZLAR:** Uglevodlar, yog`lar, proteinlar, gormonlar, fermentlar, vitaminlar, minerallar

**Bolalarni ovqatlantirish** – eng nozik va mas`ulyatli vazifalardan biridir. Yangi tug`ilgan chaqaloqlarning asosiy ozuqasi sifatida eng zarur bo`lgan har qanday oziq mahsulotlari tabiiy ona suti tarkibida uchraydi, axir faqat ona sutigina uni barcha foydali moddalar bilan taminlashga va kelajakda turli kasalliklardan himoya qilishga qodirdir.

**Ona suti** – individual tarkibga ega ovqat va ichimlik turi hisoblanib, go`dakning hayoti va sog`lig`i taminlashga , bola organizmida erta allergiya rivojlanishidan, disbakteriozlardan, infeksiyalardan himoyalashga , turli kasalliklar va moddalar almashinuving buzilishining oldini oladi. Ona suti orqali ovqatlantirish chaqaloq rivojlanishining asosiy poydevori bo`lib hizmat qilibgina qolmay, ona va bola o`rtasida mehr va muhabbatning shakllanishiga zamin yaratadi.

#### Ona suti tarkibi:

- ❖ **Suv; Uglevodlar; Yog`lar; Proteinlar; Antitorlar; Gormonlar; Fermentlar;**
- ❖ **Vitaminlar; Minerallar;**

**Suv** – ona sutining taxminan 90 foiz suvdan iborat bo`lib, uning qolgan qismini qolgan moddalar tashkil qiladi. Inson tanasi deyarli hamma narsaning asosiy manbai suv hisoblanadi. Suv balansi natijasida chaqaloqlarning tana harorati bir meyorda saqlanadi va organlar himoyalanaadi.

**Uglevodlar** – bu tana energiyasining bir necha manbaidir. Ona suti tarkibida asosiy karbogidrat laktoza sifatida ma`lum bo`lgan sut shakari mavjud. Sigir sutiga nisbatan ona suti tarkibida laktozaning ko`p bo`lishi chaqaloqlarning o`shishi, energiya yaxshi taminlanishi bilan cheklanibgina qolmay, miyaning rivojlanishida ahamiyati nihoyatda kattadir.



**Yog`lar** – ona sutining atigi 4 foizini tashkil etadi, biroq, u ona sutidan keladigan kaloriyaning 50 foizni tashkil etadi. Yog`lar chaqaloqlarning asab tizimi, ko`rish qobiliyati va miyasining funksional rivojlanishi uchun muhimdir.

**Proteinlar** – tanani qurish, kuchaytirish uchun zamin yaratadi. Ona suti tarkibidagi proteinlarni chaqaloqlar yaxshi hazm qilish qobiliyatiga ega bo`ladilar.

**Antitorlar (immunoglobulinlar)** – kasallik va kasallik tug`duruvcho organizmlar bilan kurashish funksiyasini bajaradi. Ona sutida mavjud bo`lgan immunitet darajasi bolani sovuqqonlik, quloq infeksiyalari, qusish, diareya va chaqaloqlarga ta`sir qiluvchi boshqa xavfli infeksiyalardan himoya qiladi.

**Gormonlar** – chaqaloqlarda o`shish, rivojlanish, metabolism, stress, og`riq va qon bosimini nazorat qiladi. Ona suti tarkibidagi gormonlar:

**Fermentlar** – inson suti takibida 40 dan ortiq fermentlar mavjud. Ba`zi fermentlar yog`lar va oqsillarni parchalashi orqali ovqat hazm bo`lishiga yordam beradi, boshqa turlari esa chaqaloqni tashqi muhitdan himoya qilish vazifasini bajaradi.

**Vitaminlar** – suyaklar, ko`zlar va tening sog`lom rivojlanishiga muhim ahamiyatga egadir. Ular bevosita suyaklanish jarayonining to`g`ri amalga oshishi uchun mas`uldirlar.

**Minerallar** – ona suti tarkibida uchraydigan faol moddalardir. Ularni quyidagilar tashkil etadi:

✓ **Temir;Rux;Kalsiy;Kaliy;Natriy;Xlor;Magniy;Selen;**

Bazi hollarda ona suti yetishmagan chaqaloqlarni 6 oydalikdan boshlab qo`shimcha ovqat shifokor tomonidan tavsiya etiladi. Bunda bir qator minerallar (temir tuzlari, mis, kobalt, kalsiy, fosfor, magniy, marganes va boshqalar) hamda vitaminlarga boy mahsulotlar berish tavsiya etiladi.

1 yoshga to`lmagan chaqaloqlarni 2 xil usulda ovqatlantirish mumkin. Ular quyidagilar kiradi:

✚ **Tabiiy;**  
✚ **Sun`iy;**

Tabiiy ovqatlantirish-asosan o`simlik mahsulotlari, shuningdek, oziq moddalarning dastlabkilari meva va sabzavotlardan tayyorlangan sharbatlar hisoblanadi. Shundan so`ng go`dak ushbu mahsulotlarni o`zlashtirishiga qarab mahsulot miqori nazorat qilib boriladi.

**Sun`iy ovqatlantirish:**

. Sun`iy ovqatlantirishni korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan bolalar ovqatlari bilan boshlash tavsiya etiladi. Sababi ular ekologik toza mahsulot bo`lishi bilan bir qatorda vitaminlar va minerallar bilan boyitilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. “5 yoshgacha bo`lgan bolalarning o`shishi va rivojlanishi” O`quv kursi. Toshkent, 2013 y. (YUNISEF).
2. “Onalarga bolalarni oziqlantirish va parvarish bo`yicha tavsiyalar” O`quv kursi. Toshkent, 2013 y. (YUNISEF).
3. “Bola-sog`lom bo`lsin desangiz”. O`quv kursi. Toshkent, 2013 y.
4. “Bemor bolalarni parvarish qilish va onalarga maslahat berish” Uslubiy qo`llanma. Toshkent, 2010 y.

**ВАТАНИМИЗДА ЎСАЁТГАН ШИФОБАХШ-НЕЪМАТ ОЛЧАНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникуми  
«Педиатрия» фани катта уқитувчиси  
**Олимова Азиза Музаффаровна**





**АННОТАЦИЯ:** Халқ табобатида олча сувини бронхит, трахеит ва шамоллашга алоқадор булган касалликларда балгам кучирувчи, иситмани туширувчи восита сифатида тавсия этилади. Доривор усимликлардан доимо истеъмол қилиш инсон саломатлигини зарарсиз мустаҳкамлайди.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** қайнатма сурги дори, калий, калций, магний, натрий, темир, йод, марганец, мис, фтор, рух

Агар доимо соғу-саломат юрай десангиз, ҳовлингизга бир тупгина олча экиб қўйсангиз кифоя. Чунки бу меванинг ўта шифобахшлиги қадимдаёқ одамларга маълум булган. Олча гули солиб дамланган чой, шохларидан тайёрланган қайнатма ва баргларининг дамламаси милк яллиғланган пайтларда, томоқ оғриганда, бадан куйганда, оғиз ва томоқни чайиш ҳамда куйган жойларга малҳам сифатида қўйиш учун ишлатилади. Илдизидан тайёрланган қайнатма сурги дори сифатида қўлланилади. Халқ табобатида олча сувини бронхит, трахеит ва шамоллашга алоқадор булган касалликларда балгам кучирувчи, иситмани туширувчи восита сифатида тавсия этилади. Шунингдек олчадан тайёрланган шарбатлар иштаха очади, камқонликда даво бўлади. Халқ табобатида эса ичбуруғ, ичак шамоллаши ҳам олча ёрдамида тузатилади. Олча меваларида глюкоза, фруктоза, сахароза, гемицеллюлоза, клетчатка,

пектин, оксил моддалари ва ёғлар бор. Шунингдек унда кўпгина витаминлар ҳамда калий, калций, магний, натрий, темир, йод, марганец, мис, фтор, рух сингари микроунсурлар мавжуд. Замонавий тиббиётда олчадан турли яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатадиган антисептик, анемия ва склерозга қарши восита тариқасида фойдаланилади. Бу мева таркибидаги кумаринлар ва оксикумаринлар қон ивувчанлиги кўпайиб кетганда ажойиб самара беради. Шу жиҳатдан олча миокард инфарктини бошдан кечирганларга фойдалидир. Меваларида буриштирувчи таъсир кўрсатадиган ва ичакдан захарли моддалар сўрилишини камайтирадиган пектин моддаси бор. Олча меваси чанқоқни босади, овқат ҳазмини яхшилайдди, ични юмшатади. Унинг уруғидан тайёрланган эмульсия сийдик тош касаллиги, сурункали колит, ичак атониясига даво қилишда ишлатилади. Сутда қайнатилган янги барглари сариқ касаллиги (гепатит) да яхши наф беради. Олча меваси, барг ва новдаларидан тайёрланган қайнатма ревматизмга қарши ва қон тўхтатувчи восита саналади. Бу қайнатма туғруқдан кейинги камқонликда қувват бахш этади.

Олча мевасининг мағзи ва суви антисептик хоссага эга булиб, микробларга қарши кучли таъсир кўрсатади, тери таносил касалликларини даволашда ҳам беморларга буюрилади. Мева қайнатмаларини тайёрлаш ва ишлатиш усуллари қуйидагича:

1. Икки ош қошиқ олча меваси солинган сирли идишга 400мл қайноқ сув қуйинг. Катта тоғорадаги сувда идиши билан 30 дақиқа қайнатинг. Кейин идишни сувдан олиб, қайнатмани совитинг. Қувват бахш этувчи сифатида овқатдан олдин қунига 0,5 стакандан 2-3 маҳал ичинг.

2. Сирли идишдаги 10г олча меваси устига 200мл қайноқ сув қуйинг. Юқоридаги сингари идишдаги сув ичида 10 дақиқа қайнатинг. Совутиб докадан ўтказинг. Бу қайнатма гипертония, ич кетиш, баданга шиш бўлганда ва сийдик тош касаллигида беморларга оз-оздан ичирилади. Уй шароитида олча мевасидан қуйидагича усулда турли ичимликлар ҳам тайёрлашингиз мумкин:

3. «Олчажон» қуюқ шарбати: Майин қилиб эзилган 50г олча, 10г олчали шарбат, 40г сутни коктейл қориштиргичда 30 сония аралаштириб, стаканга қуйиб олинади ва устига 50г мевали музқаймоқ қушилади

4. Олчали кисел: Олчани тозалаб, совуқ сувда ювинг. Данагидан ажратиб устига шакар сепинг ва 1,5 соатча қолдиринг. Суви кўпроқ ажралиши учун олча кўпроқ аралаштирилади ва бироз қайнатинг сўнгра докадан сузиб олинг. Тайёр киселга олча суви аралаштирилади. Озрок шакар ва 2ош қошиқ крахмал бу хушхўр ичимликни тайёрлашимиз мумкин.

5. Олча-ўрик компоти: Тенг миқдорда нордон олча ва ширин урик олиниб, совуқ сувда ювилади. Сирли идишда шакар эритилгач, тайёр мевалар солиб 10 дақиқа қайнатилади. Идиш



қопқоғи ёпик ҳолда совитилади. Дастурхонга тортиш олдида стаканларга қуйиб муз бўлақлари солиб берилади.

6. Олча-олма салкин ичимлиги: Олчани тозалаб, совук сувда ювинг ва данагини ажрвтиб ликопчага солинг. Олча данаклари устига 2 стакан кайнок сув қуйиб кайнатинг ва тинигач шакар солиб, аралаштирилади, кейин тозалаб туграб қуйилган олма солинади. Олма юмшагунча паст оловда 10 дақиқа кайнатинг. Сунг таксимчадаги олчани қушиб яна бироз кайнатинг ва оловдан олиб совитинг. Олчанинг таркибидаги витамин А (ретинол) қуришни яхшилайдиган, тери ва шиллик каватлар химоясини таъминлайди.

Бу витамин спортчилар учун жуда зарур, жигар, тухум, пишлок, сарёғ, сметана, тиббий балик ёғи, сабзи, урик, кизил калампир, наъматак, шовул, каймоқ, сут, кук нухатда булади. Олчанинг таркибидаги витамин К-қон ивишини меъёрлаштиради. Карам, помидор, жигар ва исмалоқ таркибида мавжуд.

Доривор усимликлардан доимо истеъмол қилиш инсон саломатлигини зарарсиз мустаҳкамлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Саломатлик» газетаси – Навоий . 2022 №11.
2. «Соглом турмуш тарзи» Н-2021 №4
3. Доривор усимликлар ва улардан фойдаланиш Т-2015 Р. Аюпов

UDK: 616.24-002-039.35-02:616.98:578.834.1

### ПОСТКОВИД СИНДРОМИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИНИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

**Шералиев Илёмжон Иброхим ўғли**

Тошкент тиббиёт академияси

e-gmail: SHERALIYEV726ILYOS.@gmail.com

**Аннотация.** Ковид-19 пандемиясидан кейинги даврда ўпкаларнинг аэродинамик кўрсаткичининг камайиши клиник морфологик жихатдан хансираш, сурункали гипоксия, бош оғриши кўринишда намоён бўлиб, функционал текширишларда ўпка тўқимасида экзоген зичлашган ўчоқларнинг пайдо бўлганлиги аниқланган. Айнан ушбу ўчоқларнинг юзага келиш механизми ва морфологик ўзгаришларида ковид-19 инфекциясининг пролиферация босқичида ўпка тўқимаси интерстициал сохасидаги фибробласт ва гистиоцитларнинг кескин кўпайиши иккиламчи ателектатик ўчоқлар ва пневмофиброз жараёнини ривожланиши билан давом этганлигини аниқлатади.

Айни тадқиқот ишмида ўпкаларнинг постковид синдромида юзага келган ўзгаришларини патоморфологик жихатлари ўпка тўқимаси интармурал компонентларининг патологик пролиферацияси ва ўпка паренхимасининг карнификацияси билан давом этганлигини кўрсатди.

**Калит сўзлар:** постковид синдром, ўпка тўқимаси, ўпка карнификацияси, пневмосклероз, пневмофиброз, патоморфология.

**Муаммонинг долзарблиги.** Постковид синдромида ўпкаларнинг интерстициал яллиғланиши билан боғлиқ патологик ўзгаришларнинг ёшга доир ўзгариши, касалланган контингентнинг умрини иккинчи ярмида ривожланадиган касалликларнинг индуцирланиши ва яширин кечаётган касалликларни юзага келиши билан давом этганлиги АҚШ, Япония, Европа олимлари томонидан кўп маротаба келтирилган [1,2,3]. Лекин шунга қарамадан постковид синдромида аксарият, паренхиматоз аъзолардаги патологик ўзгаришларнинг номаълум этиологияларга кўра ковид-19 инфекциясидан кейинги даврда индуцирланиши, қандли диабет, юрак ишемик касалликлари, ўпканинг интерстициал склеротик ўзгаришлари



билан давом этиши бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, аниқ бир мақсадли мезонлар келтирилган ва ёшга доир ўзгаришларнинг патоморфологик ҳос жихатлари хақида маълумотлар келтирилмаган. Холбуки, постковид синдромида қайта пневмониянинг юзага келиши ёки қайд этилиши ковид-19 нозологияси билан ташхисланиб, ўпка тўқимасида юзага келган, иккиламчи склеротик ўзгаришлар фониди қолиб кетишлиги ва ўпка гипертензияси кўринишида, юрак хуружлари кўринишида кам даражада ташхисланиб, бемор танотогенези механизмида ўз ўрнини аниқ кўрсатмаган. Бу эса, айни тадқиқот ишимизда катталарда посковид синдромида ўпкаларда юзага келадиган патоморфологик жараёнларни ўрганиш ва мохиятини тушунтириш орқали аниқ даволаш ва ташхислаш тактикасини белгилаб бериш имконини беради [4,5,6].

**Натижалар.** Республика патологик анатомия марказига олиб келинган мурдалар аутопсияси 2021 йил давомида, аксарият контингентнинг ўртача ёши 45,8 ёшни ташкил этиб, шуларнинг 57,6% ни 47-50 ёшлилар ташкил этган. Постковид синдромида ўпка тўқимасида юзага келган ковид-19 нинг пролиферация босқичидаги ўзгаришларнинг сақланиб қолиши ва пневмофибрознинг юзага келиши билан давом этганлиги аниқланди. Морфологик жиҳатдан алвеолаларнинг девори қалинлашган, алвеолаларнинг ички юзасини қопловчи биринчи тартибли алвеолаларнинг метапаластик гигант хужайраларга айланиши ва десквамацияланган хужайралар, нейтрофиллар ва эритроцитлар билан вариабел аралашган массанинг бронх ва терминал бронхларга тарқалганлиги, касалликларнинг кечиши бўйича 6-7 хафтасида ҳам шу турдаги морфологик ўзгаришларнинг юзага келиши билан давом этганлиги аниқланади. Жараённинг узок кечиши ковид-19 нинг пролиферация босқичини давомли бўлиши, гематоген ва гистиоген хужайраларнинг тўпланиши, репаратив регенерациянинг тўлиқ амалга ошмаганлиги натижасида, субституция кўринишидаги ўзгаришлар билан аниқланади. Бу эса, кўпчилик ҳолатларда, ўпка тўқимасида пневмофиброз жараёнини ривожланиши, иккиламчи ателектаз кўринишининг юзага келиши ва аксарият ҳаволи бўшлиқларнинг кескин камайиши ўпка тўқимасини гўштлашиши билан (карнификация) тугалланишига олиб келиши аниқланган. Аутопсия материалларини тахлили бўйича, ковид-19 дан кейинги даврда касаллик анамнези маълумотлари бўйича, 3-6 ойдан кейинги даврда иккала ўпкаларнинг ҳаволи бўшлиқларининг ўртача 15-35%га камайганлиги оқибатида, морфофункционал фаол алвеолаларнинг кескин кенгайиши, макроскопик ўпканинг катакчали кўринишга келганлиги (сотовие легкий) аниқланди. Бу белгилар ўпканинг морфофункционал адаптациясининг кескин ривожланиши, ўпка тўқимаси интрамурал компонентларининг гиперплазияси билан давом этганлигини кўрсатади.

**Хулоса,** посковид синдромида ўпка тўқимасининг пневмофибрози ва пневмосклерозининг кескин ривожланиши ва морфофункционал фаол алвеолаларнинг гиперплазияси ва компенсатор эмфиземаларнинг юзага келиши, ўпка тўқимасининг “ари уяси” шаклига кирганлиги билан давом этганлиги аниқланди. Бу эса, ўпка тўқимасида стабил пневмофиброз жараёнини жадал суъратларда давом этаётганлигини тасдиқлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Федоров Д.Н., Коростелева П.А., Зыбин Д.И., Попов М.А., Тюрина В.М., Варламов А.В. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований). Альманах клинической медицины. 2020;48:37-42.
- 2) Walls AC, Park YJ, Tortorici MA, Wall A, McGuire AT, Veesler D. Structure, Function, and Antigenicity of the SARS-CoV-2 Spike Glycoprotein. Cell. 2020;181(2):281–92.e6. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.058.
- 3) Perrella A, Trama U, Bernardi FF, Russo G, Monastra L, Fraganza F, Orlando V, Co. Brancatella A, Ricci D, Viola N, et al. Subacute thyroiditis after SARS-CoV-2 infection. J. Clin Endocrinol Metab. 2020;105(7): dga 276. <https://doi.org/10.1210/clinem/dga 276>.



- 4) Stafford VV. Use of an immunohistochemical method in diagnostics. RJOAS. 2016 Aug;8(56):18-21. doi: 10.18551/rjoas.2016-08.03.



ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ  
ТАДҚИҚОТЛАР

DEKSKETOPROFEN TROMETAMOL SUBSTANSIYASINING SIFAT  
KO'RSATKICHLARINI ANIQLASH

M.K.Usmonova., F.X.Maksudova.

Toshkent farmatsevtika instituti, Toshkent shahri, O'zbekiston Respublikasi  
e-mail: malikausmonova1992@gmail.com

**Dolzrabligi:** Kuchli og'riq qoldirish uchun muvaffaqiyatli qo'llanilishi mumkin bo'lgan NYAQV larning yangi avlod vakili deksketoprofen trometamoldir. Ushbu preparat ketoprofen hosilasi bo'lib, u yuqori biosamaradorligi, og'iz orqali yoki parenteral yuborishdan keyin qonda yuqori cho'qqilik kontsentratsiyasini ta'minlanishi, shuningdek, yetarlicha uzoq muddatli ta'sir qilishi va uzoq vaqt davomida klinik amaliyotda keng qo'llanilishi kabi qulay farmakologik xususiyatlarga ega bo'lgan hisoblanadi.

Toshkent farmatsevtika institutida deksketoprofen trometamol substansiyasi asosida kapsula dori shaklini tarkibini tanlash va texnologiyasini ishlab chiqish bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

**Tadqiqotning maqsadi:** Navbatdagi ishlanishlar maqsadi deksketoprofen trometamol dori vositasining sifat ko'rsatkichlarini aniqlash hamda ularni me'yoriy hujjatlar talablariga mosligini belgilash bo'ldi.

**Usul va uslublar:** Sifat ko'rsatkichlari O'zbekiston Respublikasi Davlat farmakopeyasining I nashri talablariga asosan, tashqi ko'rinishi, chinligi, kapsulaning o'rtacha og'irligi, inkapsulalangan massaning o'rtacha og'irligi, parchalanishi, erishi, mikrobiologik tozaligi va dozalanishning bir xilligi kabi ko'rsatkichlar aniqlandi.

Kapsulalarning mikrobiologik tozaligi OOO «FARMATSIYA-INNOVATSIYA MARKAZI» ilmiy-tadqiqot bo'limi xodimlari yordamida tekshirildi.

**Natijalar:** Tadqiqotlar natijalarga ko'ra deksketoprofen trometamol to'q sariq rangli qopqoqli va oq korpusli qattiq jelatin kapsulalar bo'lib, inkapsulanadigan massasi oq yoki deyarli oq kukunni o'z ichiga olgan. Chinlik ko'rsatkichi tekshiriluvchi eritma xromatogrammasidagi asosiy cho'qqining ushlanish vaqti standart eritma xromatogrammasida deksketoprofen trometamol cho'qqisining ushlanish vaqtiga to'g'ri keldi hamda 230 dan 360 nm gacha bo'lgan to'lqin uzunligi oralig'idagi tekshiriluvchi eritmasi va standart namuna eritmasi deksketoprofen trometamolning yutilish spektrlari bir xil to'lqin uzunliklarida maksimum va minimumini tashkil etdi. Kapsulaning o'rtacha og'irligi 0,1363-0,120 g oralig'ida bo'lishi kerak, deksketoprofen trometamol kapsulalarining o'rtacha og'irligi 0,1494 g ga teng bo'ldi, chetlanish esa -2,26%; +3.01% ni tashkil qildi. Kapsula ichidagi massani og'irligi 0,090- 0.110 g bo'lishi kerak, chetlanishi 10%dan oshmasligi lozim. Ushbu ko'rsatkich bo'yicha ham tahlil qilinayotgan kapsulalar 0.1023 g ga teng bo'ldi, chetlanish esa -1.89%; +2.41% ni tashkil qildi va talabga javob berdi.

Davlat farmakopeyasining talablariga asosan kapsulalar 20 daqiqadan oshmagan vaqt ichida parchalanishi lozim, deksketoprofen trometamol kapsulalari 12 daqiqada to'liq parchalanib ketdi. Mikrobiologik ko'rsatkichi bo'yicha ham kapsulalar talabga javob berdi, bakteriyalarning umumiy soni 1000 CFU / g dan oshmadi, Escherichia coli aniqlanmadi. Dozalanishning bir xilligi esa 4,55 ni tashkil etdi.

**Xulosalar.** Olib borilgan izlanishlar natijasiga asosan deksketoprofen trometamol kapsulalari sifat va miqdor ko'rsatkichlari bo'yicha O'zR Davlat farmakopeyasining talablariga to'liq javob berishi aniqlandi.



## “GIPOSEDAF” QURUQ EKSTRAKTINING MIKROSKOPIK TUZILISHI O’RGANISH

Safarova D.T., Maksudova F.X., Uzoqova N.R.  
Toshkent farmatsevtika instituti,  
e-mail:safarovadiyora65@gmail.com

**ANNOTATSIYA:** O’simlik xomashyolaridan olingan dori preparatlari ta’sir doirasiga ko’ra sintetik preparatlardan qolishmasligi amaliy isbotini topmoqda. O’simlik mahsulotlaridan olingan dori preparatlari o’zining kam bezararligi, yumshoq ta’sir ko’rsatishi va amalda topilishi bilan farq qiladi.

Gipertoniya qon tomirlarining nerv va funksional faoliyati buzilishi natijasida kelib chiqadigan kasallik bo’lib, hozirgi kunda yosh tanlamaydigan kasalliklar sarasiga kirmoqda. Bugungi kunda zamonaviy farmasevtikani rivojlantirish tarmoqlari gipertoniya kasalligini oldini olishda va davolashda qo’llaniladigan dori preparatlarining assortimentini kengaytirish, o’simlik xomashyolariga tayangan holda zararsiz, arzon, yuqori samarali dori preparatlarni ishlab chiqarish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

**KALIT SO’ZLAR:** O’simlik xomashyosi, gipertoniya, quruq ekstrakt, zarrachalarning shakli, mikroskop.

Ishning maqsadi gipotenziv ta’sirga ega quruq ekstraktning struktur (tuzilish) –ya’ni zarrachalarning shakli va o’lchamini aniqlashdan iborat

Struktura-mexanik xossalarini o’rganishda tahliliy ishlarni bajarish uchun Samsung kompaniyasida ishlab chiqarilgan Motic B1-220A-3 mikroskopi ostida Canon A123 markali, raqamli kamerasi o’rnatilgan mikroskop yordamida amalga oshirildi.

Mikroskopik tadqiqotlar uchun hajmi 10 dan 600 mikrongacha bo’lgan quruq ekstrakt monofraktsiyalari tanlangan bo’lib, vizual ravishda quruq ekstrakt miqdori 15 dan 30% gacha bo’lgan. O’lchov quruq ekstraktga qarab 30 marta takroriy ko’zoynak mikrometri bilan amalga oshirildi, so’ngra mikronlarga aylantirildi. Miqdoriy ma’lumotlarni statistik qayta ishlash umumiy qabul qilingan mezonlarga muvofiq (MS-Excel dasturi) yordamida amalga oshirildi.

Natijalarga ko’ra substansiya kristallitlar bilan ifodalandi, 15x20 kattalashtirish bilan individual kristallar kengligi 1,87 mikrometr 6,23 mikrometr va uzunligi - 6,41 mikrometr 18,69 mikrometr orasida o’zgarib turadi.

Zarrachalarning o’rtacha uzunligining o’rtacha kengligiga nisbati 3:1 dan kam, ya’ni tahlil qilinayotgan substansiyaning kristallari tayoqchasimon shaklda bo’lib, novdasimon va anizodimetrik ko’rinishdaligi aniqlandi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

1. Асташкина А.П., Плотников Е.В., Гиндуллина Т.М. Микроскопические исследования частиц в лекарственных субстанциях// Методические указания.-Томск, 2015.- С.9-13.
2. O’zbekiston Respublikasining Davlat Farmakopeyasi. Toshkent -2021. 1-jild, 1-2 qism.
3. Гутнова Т. С. и др. Изучение фармако-технологических и физическо-химических свойств субстанции витамина D3 //Вестник Смоленской государственной медицинской академии. – 2019. – Т. 18. – №. 2. – С. 195-201.

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР, КОРПОРАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЮРИДИК АҲАМИЯТИ <b>Эшимбетова Дармон Уразбаевна</b> .....	5
2. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ <b>Муротов Нуриддин Намозович</b> .....	11
3. ОММАВИЙ ВА ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ПРИНЦИПЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ <b>Муротов Нуриддин Намозович</b> .....	14
4. SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA AMALGA OSHIRGAN MA'NAVİY-MADANIY TADBIRLARI VA ULARNING MUSTAMLAKASHILIK MOHIYATI <b>Mirzayev Akmal Arifjonovich</b> .....	17
5. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <b>Одил Нуъмонович Набиев</b> .....	19

## ФАЛСАФА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. ERKINLIK VA MA'SULIYATNI INSON VA JAMIYAT UYG'UN RIVOJLANISHDAGI AHAMIYATI <b>Mixliyeva Gulshoda Zarip qizi</b> .....	24
--	----

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. RASMIY-IDORAVIY USLUBNING TUZILISH JIHATLARI VA UNING MOHIYATI <b>Sadullayeva Shoxida Baxodirovna</b> .....	27
2. ТИЛШУНОСЛИҚДА ЛИСОНИЙ ВАРИАТИВЛИК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ МАСАЛАСИ <b>Насиров Давранбек Палванназирович</b> .....	31
3. ENGLISH LANGUAGE INSTRUCTION CONTEXT <b>Мейлинорова Феруза Бахтиер қизи</b> .....	33
4. SHAXSIY (SUBYEKTIV) LAKUNALAR <b>Shaymardanova Aziza Raimjanovna</b> .....	34
5. O'ZBEKISTON VA GERMANIYA TA'LIM TIZIMIDAGI O'XSHASH VA FARQLI TOMONLARI HAMDA ULAR YUZASIDAN FIKRLAR <b>Ahmadova Azimaxon Behzod qizi</b> .....	36

## АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. XIX ASR BUXORO ADABIY MUHITINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI <b>Ravshanova Kumush</b> .....	39
--	----

## ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. МАМЛАКАТИМИЗДА СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ <b>Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович</b> .....	41
2. СТАТИСТИКА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИ БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ <b>Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович</b> .....	43

## ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. МАКТАВГАЧА ТА'ЛИМ TASHKIOTLARIDA TA'LIMIY O'YINLAR VA ULARNING BOLA HAYOTIDAGI ROLI <b>Ahatova Gulnora</b> .....	46
2. OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA NUTQ FAOLIYATI TURLARINI INTEGRATSIYALASHTIRIB O'QITISH SHAKL VA METODLARI <b>Bekberganova Munira Shokir qizi</b> .....	47

3. SAQIRIQQACHA HARBIY TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA KASBIY MOTIVATSIYANI SHAKLLANTIRISH <b>Nurulloyev Ruslan Roziq o'g'li</b> .....	49
4. МАКТАВГАСНА YOSHDAGI BOLALAR ХАҲОТІДА О'YINNING ROLI <b>Umarova Muxayyo</b> .....	51
5. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИ МОХИР УСТАСИ ЭТИБ ТАЙЁРЛАШ <b>Абдувахобова Дилором Абдувахобовна</b> .....	52
6. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎКІТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ <b>Нусратова Дилором Ўктам кизи</b> .....	54
7. КІТОБ-ИНСОННИ МАЪНАВИЙ БОЙИТИБ, МАЪРИФИЙ КАМОЛОТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ <b>Отабоева Назокат Исмаговна</b> .....	55
8. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ТЎГРИСИДАГИ ІЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ МОХІЯТИ <b>Рахманова Рахима Элибоевна</b> .....	57
9. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ УЗЛУКСІЗ ТАЪЛИМ ТІЗИМИНИНГ МУХІМ БІР ВОСИТАСИДИР <b>Рахмонова Малика Собир кизи</b> .....	58
10. ТАЪЛИМ ТІЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎКІТИШНИНГ УСТУВОРЛИГИ <b>Рузиева Дилшода Умаровна</b> .....	59
11. ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ЎРТАСИДА УЗЛУКСІЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУХІМ ЙЎНАЛИШЛАРИ <b>Саидова Нафиса Бахриддиновна</b> .....	61
12. ТАЪЛИМНИНГ ІНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ВА ЁШЛАРГА КАСБ-ХУНАР ЎРГАТИШДАГИ МУОММОЛАР <b>Тўракулова Сурайё Равшановна</b> .....	63
13. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КЎРГАЗМАЛИ КУРОЛЛАР ВА ЎКІТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ <b>Хасанова Дилшода Ўктамовна</b> .....	64
14. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТІЗИМИДА ХАМКОРЛИКНИНГ АХАМИЯТИ <b>Шодиева Зебинисо Ибрагимовна</b> .....	65
15. ZAMONAVIY INTEGRATIV METODLARI ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARIDA ILMIY XABARDORLIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI <b>Avazbekova Shohsanam Nurmat qizi</b> .....	66
16. TABIIY FANLARNI O'QITISH METODIKASIGA INNOVATSION YONDASHUV <b>Jo'rayeva Surayyo</b> .....	69
17. TABIIY FAN MAVZULARINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH <b>M.Qo'ldasheva., S.Tursunova</b> .....	72

#### ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚІҚОТЛАР

1. BOSHLANG'ICH SINFLARDA TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILARNING RASM ISHLASH MALAKALARINI O'STIRISH <b>Abdurahimova Farog'at Bozor qizi</b> .....	75
2. O'QUVCHILARNING BILISH FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH ORQALI IJODIY YONDSASHISHGA YO'NALTIRISH. <b>Amonova Zarina Sharobidin qizi</b> .....	77
3. AQLIY HUYUM PEDAGOGIK TEXNOLOGIYASI ORQALI OQUVCHILARNI CHIZMACHILIK DARSLARIGA QIZIQTIRISH <b>Barotova Ma'mura Begali qizi, Mirvalieva Shahlo Insofalieyvna</b> .....	79
4. TO'GARAK MASHG'ULOTLARIDA KAMOLIDDIN BEHZODNING IJODI BILAN O'QUVCHILARNI TANISHTIRISH <b>Rustamova Bahorgul Abdulkarimovna</b> .....	81
5. ІНТЕРФАОЛ ЎКІТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ <b>Жанузаква Зухра Нарбековна, Юсупова Нилуфар Пўлотовна</b> .....	84

#### БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚІҚОТЛАР

1. КАЧЕСТВО ЖИЗНИ БОЛЬНЫХ С МИГРЕНЬЮ <b>Тошкенов Э.М., Хамидов О.Х</b> .....	88
2. ПЛОСКОКЛЕТОЧНАЯ МЕТАПЛАЗИЯ В РЕСПИРАТОРНОМ ТРАКТЕ <b>Ибрагимова З.Ж</b> .....	89



3. КОВИД-19 ДА МЕЗЕНТЕРИАЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ	
<b>Раимқулов Ривож Собир ўғли.....</b>	<b>90</b>
4. ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БРОНХОЛЕГОЧНЫХ ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ УМЕРШИХ ПРИ COVID-19	
<b>Раимқулов Ривож Собир ўғли.....</b>	<b>92</b>
5. ПОСТКОВИД СИНДРОМИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИНИ МАКРОСКОПИК ЎЗГАРИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАХЛИЛЛАР	
<b>Шералиев Илёсжон Иброхим ўғли.....</b>	<b>93</b>
6. BOLALARNI OVQATLANTIRISH	
<b>Suvonova Mexribonu Musaevna.....</b>	<b>95</b>
7. ВАТАНИМИЗДА ЎСАЁТГАН ШИФОБАХШ-НЕЪМАТ ОЛЧАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
<b>Олимова Азиза Музаффаровна.....</b>	<b>96</b>
8. ПОСТКОВИД СИНДРОМИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИНИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ	
<b>Шералиев Илёсжон Иброхим ўғли.....</b>	<b>98</b>

#### **ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР**

1. DEKSKETOPROFEN TROMETAMOL SUBSTANSIYASINING SIFAT KO'RSATKICHLARINI ANIQLASH	
<b>М.К.Usmonova., F.X.Maksudova.....</b>	<b>101</b>
2. "GIPOSEDAF" QURUQ EKSTRAKTINING MIKROSKOPIK TUZILISHI O'RGANISH	
<b>Safarova D.T., Maksudova F.X., Uzoqova N.R.....</b>	<b>102</b>

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ"**  
**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 58-КЎП ТАРМОҚЛИ**  
**ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(2-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

Эълон қилиш муддати: 30.11.2023